

ИСЛОМХОН ГАФАРОВ

ГЕНЕРАЛ ПРЕЗИДЕНТ
ЭЙЗЕНХАУЭР



ГЕНЕРАЛ ПРЕЗИДЕНТ ЭЙЗЕНХАУЭР

ИСЛОМХОН ГАФАРОВ



Исломхон Гафаров

**ГЕНЕРАЛ ПРЕЗИДЕНТ
ЭЙЗЕНХАУЭР**



Тошкент-2021

УЎК

КБК

Г

Гафаров, Исломхон

Генерал Президент Эйзенхауэр [Матн] / И.Гафаров – Тошкент:
Muharrir nashriyoti, 2021. – 212 б.

ISBN 978-9943-.....-.....-.....

Мазкур асар XX аср тарихида шонли из қолдирган америкалик генерал ҳамда Президент Дуайт Эйзенхауэрнинг ҳаёти ва сиёсий фаолиятига бағишланган. Ушбу автобиографик китобда қаҳрамоннинг кечин-малари, Иккинчи жаҳон уруш йиллари ҳамда президентлик даври кенг ёритилган. Бундан ташқари, ўтган асрнинг 40 – 60-йилларидаги тарихий вазият, сиёсат ҳамда кўзга кўринган атоқли сиёсатчиларнинг ўрни тўғрисида маълумотлар бериб ўтилган.

Китоб тарих ва сиёсатга қизиқувчи кенг аудиторияга мўлжалланган

УЎК

КБК

Тақризчилар:

Ф.Х. Усарова,

ЎзР Фанлар Академияси ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалаларини мувофиқлаштирувчи-методик маркази бўлим мудири, с.ф.н.


И.М. Шамсиева,

ТДШУ “Шарқ мамлакатлари тарихи ва антропологияси” кафедраси мудири, т.ф.н., доцент.

ISBN 978-9943-.....-.....-.....

© И.Гафаров.

© “Muharrir nashriyoti”,
Тошкент, 2021 й.

A decorative rectangular border with ornate floral and scrollwork designs at each corner, framing the central text.

***Ватан ҳимоячиларига
бағишланади.***

МУНДАРИЖА

Кириш	5
Генерал Эйзенхауэр	13
Оддий оила фарзанди	15
Ҳарбий хизмат ва Жаҳон уруши	18
Европа салиб юриши	23
Совуқ уруш ва Москва саёҳати.....	101
Тинчлик – бебаҳо неъмат	113
Президент Эйзенхауэр	127
Президентлик сари	129
Хотима	194
Адабиётлар рўйхати	210

Инсоният зиддиятни истамайди.

Дуайт Эйзенхауэр

КИРИШ

Тарих – келажак кўзгуси. Ундаги воқелик улкан тажриба маскани ҳисобланади. Ривожланиш маълум бир андозага юзланишни тақозо этади, у эса, ўз навбатида, мозийдан келади. Халқимизнинг яшаш шароитлари-ни яхшилаш мақсадида жаҳон тажрибасига таяниш, ундан ўрнак олиш ва тўғри йўлни танлаш даврнинг талабига айланди. Шу мақсадда тараққиётнинг негизи бўлмиш адабиёт ва тарих соҳаларига эътиборни кучайтириш асосий вазифа сифатида олиб чиқилди. Бундан ташқари, қайсидир маънода, ортда қолаётган ва қирралари очилмаётган ўзбек сиёсатшунослигининг ўзбек тилидаги платформасини яратиш устувор бўлиб қолмоқда. Шу йўналишда бизнинг менталитетимизга хуш келадиган автобиографик асарлар орқали тарихий давр, сиёсий жараёнлар ва раҳбарлар даражасида қарор қабул қилишга оид билимларни очиб беришни хулоса сифатида қабул қилдик. Юқоридагиларни инобатга олиб, ўтган асрнинг энг кўп ёдга олинadиган ва жаҳон лидерлари ичида кучли таъсирга эга бўлган шахс, Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамони, машҳур саркарда, генерал ҳамда Америка Қўшма Штатларининг 34-Президенти Дуайт Дэвид Эйзенхауэр ҳаётига ва у яшаб ўтган даврнинг мазмун-моҳиятига бағишланган “Генерал Президент Эйзенхауэр” асарини эътиборингизга ҳавола этишни жоиз деб топдик.

Машхур Гэллап ташкилотининг сўровнома натижаларига кўра, ушбу тарихий шахс XX асрнинг энг улуғ сиймолари қаторидан жой олган. 1944 ва 1959 йиллари “Time” журнали Эйзенхауэрни “Йил одами” деб эътироф этган. АҚШ тарихида у мамлакат ривожига катта ҳисса қўшган, тинчликпарвар, халқ ичида таъсир кучи юқори ва юксак ишонч соҳиби сифатида ардоқланиб келинади.

“Генерал Эйзенхауэр” деб ном олган бўлимда қаҳрамонимизнинг болалиги, ҳарбий академиядаги ўқув йиллари, Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушидаги ўрни, урушдан кейинги олимлик фаолияти, НАТО ташкилотигадаги ишлари ҳамда президентлик сайловларидаги иштироки тўғрисида фикр юритамиз.

Болалиқдан спортга ружу қўйган Эйзенхауэр ҳарбий академияга боришга қарор қилади. Аскар сифатида у абжир спортчи бўлиши кераклигини, офицер сифатида эса аъло билим эгасига айланиши лозимлигини яхши тушунади. Ҳарбий адабиётни пухта ўзлаштирган Эйзенхауэр жанг олиб бориш стратегиялари устаси бўлиб етишади. Айнан, шунинг учун оламини зир титратган ваҳший уруш вақтида у АҚШ ва Буюк Британия Бирлашган кучлари бош қўмондони этиб тайинланади. Уруш йиллари унинг зехни ва матонати туфайли ғарбий фронтда фашист босқинчилари устидан ғалабага эришилади.

Географик жиҳатдан шарқда жойлашганлигимиз ҳамда Иккинчи жаҳон урушида Собиқ Иттифоқ таркибида иштирок этганимиз сабабли миллий адабиётимизда шарқий фронтда кечган машхур тарихий жанглар (Москва остонасида, Сталинград ва Курскдаги жанглар, Ленинград қамали, Берлиннинг забт этилиши), ўша тўқнашувларда жонбозлик кўрсатган қўмондонлар (маршаллар Г.Жуков, И.Конев, К.Рокоссовский, генераллар А.Антонов, С.Раҳимов ва бошқалар) ва

аҳамиятга эга бўлган тарихий ҳодисалар кенг тавсифланган. Ғарбий фронт тўғрисида эса жуда ҳам оз. Хусусан, Пёрл-Харбор, Ал-Аламайн, иккинчи фронт очилиши жанглари ҳамда АҚШ Президенти Франклин Рузвельт, Британия Бош вазири Уинстон Черчилль ва генераллар Дуайт Эйзенхауэр, Шарль де Голль ҳақида қисқача маълумотлар учраб туради. Тинч океанида кечган тўқнашувларда зафар қучган адмирал Честер Нимиц ва армия генерали Дуглас Макартурлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Гўёки, бу ҳудудда уруш фақат 1945 йил август ойида қўлланилган атом бомбаси билан боғлиқ. Қолаверса, урушнинг фитначилари фашист ва милитарист ҳукуматлари раҳбарияти ҳам кўпинча бир томонлама таҳлил этилади, Ғарб мамлакатларининг ўзаро алоқалари (масалан, АҚШ-Буюк Британия, АҚШ-Германия) тўғрисида эса, жуда кам ахборот топамиз. Бундан ташқари, аксарият адабиётларимизда субъективлик устун қилиши туфайли ғалабага фақат Совет Иттифоқининг саъй-ҳаракатлари орқали эришилди, деган фикр уйғонади. Ҳолбуки, ғарбий ва Тинч океани фронтлари жангчилари ҳам умумий ғалабага улкан ҳисса қўшганлар. Фашизм устидан эришилган зафар – инсоният ғалабаси. Шундай экан, тарихни холис таҳлил қилиш ва объективликка эришиш учун у ерда бўлиб ўтган сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий жараёнларни ўрганиш, одамзод тинчлигига ҳисса қўшган қаҳрамонларни таниб олиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу билимларни кенг оммага тақдим этиш замонамиз тарихчи ва сиёсатшуносларининг бош вазифасидир. Ҳақиқат вазиятни ҳар томонлама, холис ва тўғри таҳлил қилиш билан вужудга келади. Мана, нима учун ушбу урушда салмоқли ўрин эгаллаган генералга эътиборни қаратишни лозим топдик.

Қалтис вазиятларда танқидий таҳлил орқали вазиятга ечим излаган генерал Эйзенхауэр сиёсий манфаатларни бир четга суриб, бор эътиборни душманни маҳв этишга қаратади. Сиёсатчиларнинг тузоғига тушмай, Иттифоқчилар ўртасида дўстона алоқалар ва бирдамликни сақлаб қолишга муваффақ бўлади. Натижада, уруш эзгулик билан ҳал этилади. Гарчанд, уруш якунида совет-америка муносабатлари ёмонлашган бўлса-да, қаҳрамонимизга Совет Иттифоқи томонидан алоҳида лутф кўрсатилади. Бу унинг шахс сифатида тарихий саркарда бўлиб етишганидан далолат беради.

Китобнинг иккинчи бўлими қаҳрамонимизнинг давлат раҳбарлиги фаолияти тўғрисида. Бунда Эйзенхауэр президент сифатида қарорлар қабул қилиш жараёни китобхонда лидерлик фикр юритиш санъатини шакллантиришга ёрдам беради. Унинг тинчлик йўлида қилган хизматлари билан бир қаторда камчилик ва ядро ҳужумига оид режаларни ишлаб чиққанлигини очиб берсак, ушбу шахсни тўлиқ тушунган бўламиз, деган хулосага келдик. Чунки қуруқ мақтов фикр-мулоҳазаларимизни хиралаштиради. Натижага эришиш эса танқидий ёндашувни талаб этади.

Эйзенхауэрнинг президентлик даври Корея урушига барҳам бериш, 1958 йилги Берлин инқироzi, Куба инқилоби, Сувайш канали ва шу вақтнинг ўзида Венгрия билан боғлиқ можаро, Эронда амалга оширилган “Аякс” операцияси, Совет Иттифоқи билан алоқаларнинг яхшиланиши ва тўсатдан рўй берган “У-2 инциденти” каби ташқи сиёсатдаги воқеалар билан тарихда қолди. Ички сиёсатда космонавтика соҳасининг кенг ривожланиши (унинг даврида космос учун курашда америкаликлар советлардан бу борда ортда қолишган), улкан автомагистраль йўлларнинг

жорий этилиши ва мамлакатнинг барча худудлари ўзаро бирлашиши, маккартизм ҳаракати, Розенберглар оиласининг айбланиши, афроамерикаликларнинг тенгликка бўлган кураши эътиборимиз марказида бўлди. Унинг хайрлашув нутқидаги ҳарбий саноат комплексининг таъсири мамлакатда кучайиб бораётганлиги ҳамда бу эркинликка раҳна бўлиши тўғрисидаги огоҳлантириш сўзлари қаҳрамонимизнинг ватанпарварлик ҳиссини яққол намоён қилди. Чунки у ватанни лавозими туфайли эмас, балки қалби билан яхши кўрарди.

D.D.E. (Дуайт Дэвид Эйзенхауэр) инициали билан машҳур бўлган қаҳрамонимиз ҳаётига тўхталар эканмиз, унинг нафақат ҳарбий ва сиёсий соҳалардаги фаолияти, балки ижодий ҳаётига ҳам таъриф берамиз. Зеро, унинг “Европага солиб юриши” асаридан кенг фойдаланганмиз. Бундан ташқари, китобни шакллантиришда Эйзенхауэрнинг ўзи ҳамда Ғарб олимларидан ташқари, атоқли давлат арбоблари, дипломатлар ва холисликка эришиш мақсадида совет тарихчиларининг меросидан ҳам фойдаланишга қарор қилдик.

Шунингдек, китобда Совуқ урушнинг бошланиши, ўтган асрнинг 40–60-йилларидаги халқаро муносабатлар, сиёсий жараёнлар ҳамда тарихий шахслар ҳақида батафсил маълумотлар ёритилган. Асарнинг якунида Эйзенхауэр қолдирган мерос, хусусан, Жон Фицджеральд Кеннеди президентликни қай аҳволда қабул қилгани, ўша вақтлардаги тарихий давр ҳамда президентлар Линдон Жонсон ва Ричард Никсон тўғрисида ҳам бирмунча фикр юритганмиз.

Шуни айтиб ўтишимиз жоизки, Эйзенхауэр даврида АҚШ Ғарб оламида чинакам биринчи рақамли бош давлатга айланади. Сувайш инқироzi вақти у иттифоқчилари Британия ва Францияга дакки бе-

риб, энди Ғарб дунёсида барча масалаларга АҚШнинг “рухсати” орқали ечим топилишини кўрсатиб қўяди. Бу билан у бир куннинг ўзидаёқ халқаро муносабатларда янги тартиб ҳамда янги кучлар мутаносиблиги ўрнатилгани ва унда АҚШ демократик оламда сардор, унинг рақиби эса яна бир супердержжава – Совет Иттифоқи эканини эслатиб қўяди. Ҳақиқатдан ҳам, бошқа бирор давлатда бу супердержжавалик унвонига даъвогар бўлишга етарлича куч йўқ эди.

Эйзенхауэр орқали тарихга юзланар эканмиз, ушбу даврдаги жараёнларга чеккадан холисона баҳо беришга ҳаракат қилдик. Чунки, хоҳласак-хоҳламасак, совет мафкураси таъсири остида шаклланган ва бизга мерос бўлиб қолган аксарият ахборот манбаларида Совуқ уруш ҳамда Совет Иттифоқи-АҚШ қарама-қаршилигида Совет давлатининг позициялари кўпроқ ҳимоя этилади ва Ғарб қабиҳ душман бўлиб гавдаланади. Аммо мустақил давлатимизнинг мустақил фикри ва ўзининг шахсий сиёсий онги борлигини инобатга олсак, тарихни ҳар томонлама, мухтасар қилиб айтганда, борица қабул қилишимиз керак. Ўзгаларнинг позицияларини танлайвериш, тарихни қайта-қайта ўзгартириб ёзавериш билан ҳеч қачон ҳақиқатга етмаймиз. Тарихчи ва сиёсатшуносларнинг галдаги вазифаси ўтмишни қандай бўлса, шундайича очиб беришдир. Бунда ҳадеб бир ракурсни эмас, аксинча, турли хил ёндашувларни инобатга олсак, тўғри бўлади. Чунки соф, эски иллатлардан йироқ, мустақил бўлган илм-фан ривожланишнинг калитидир. Шунинг учун ҳам бугунги кунда жаҳон тарихини ўрганганимизда холислик принципига таяниб иш тутсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

Президент Эйзенхауэрнинг ҳам амалга оширган ишларига баҳо берсак, бир томондан, Совет давлатини як-

сон қилишга қаратилган сиёсий ва ҳарбий режалар муаллифини кўришимиз мумкин бўлади, аммо бир вақтнинг ўзида советлар томонидан ҳам шу каби режалар Ғарбга қарши ишлаб чиқилгани ва Ғарбда ҳам инсонлар совет ядро ҳужумидан бир неча ўн йиллар кўрқувда яшаганини билсак, масала анча ойдинлашади (1957 йили Совет Иттифоқи биринчи бўлиб сунъий йўлдошни фазога чиқарганди, ўша вақтлари АҚШ аҳолиси ўртасида ваҳима жуда ҳам кучли бўлган, чунки йўлдош ёрдамида кузатиш ва кейинчалик ҳужум қилиш мумкин эди. Бундан ташқари, қитъалараро баллистик ракетаalar яратилганда ҳам оддий халқ кўрқувдан жунбишга келганди). Қарс икки қўлдан чиқади, агар бир томон ҳақ бўлса-ю, иккинчиси ноҳақ бўлса, унда Совуқ уруш тушунчасининг ўзи ҳам бўлмас эди. Ҳар икки томонда ҳам зиддиятга интилувчи кучлар бор бўлишига қарамасдан, ҳар икки томонда тинчликсевар инсонлар устун келадилар. Чунки зиддият туфайли улар ўртасида Учинчи жаҳон уруши бошланиб кетмаганлиги бунинг яққол исботидир. Эйзенхауэр ҳам ҳаракатлари билан ўз халқини манфаатларини ҳимоя қиларди. Бу унинг ватанпарвар инсон эканлигини англатади. Бошқа тарафдан АҚШ манфаатлари қанчалик юқори бўлмасин, у кескин қарорлар қабул қилмади ва ҳаёт-мамонт масалаларида инсоният тинчлиги ва одамзоднинг келажаги ҳисобига уларни ҳал этди. Унинг бу хатти-ҳаракатларида тинчликсеварлик хусусияти устунлигини кўришимиз мумкин бўлади. Демак, бизнинг фокусимиздаги қаҳрамон тинчликпарвар инсондир. Бундан келиб чиқадики, унинг биографиясини ўрганиш орқали ҳам дунё осойишталиги йўлида хизмат қилган инсонни таниймиз, ҳам тарихни бошқа бир томондан таҳлил қиламиз. Булар яқунда бизга тўғри хулоса қилишга ва у орқали ҳақиқатга етишга замин

яратади. У эса, ўз навбатида, ривожланиш учун муҳим бўлган омилларга бизни рўпара этади.

Қолаверса, ўша даврдаги тарихий шахсларга таъриф берганда кўп ҳолатларда фокус эски совет манфаатлари орқали олинади. Чунончи, жаҳоннинг кўзга кўринган лидерлари ва тинчлик йўлида Нобель мукофотига сазовор бўлган кишиларни агрессив образда тасаввур этиш ҳоллари кузатилади. Булар эса мустақил бўлган илм-фанимиз четдан нигоҳ ташлаганда қониқарсизлигини намоён қилади. Тўғри, бу муаммоларни тушуниб ўз ишлари билан ватан ривожига ҳисса қўшаётган юртдошларимиз кўп, аммо ҳануз ушбу маълумотларни ўзбек тилида муқобил платформаси етарлича эмаслиги (балки, йўқлиги) масала анча жиддий эканлиги ва соҳага зудлик билан эътибор қаратишимиз лозимлигини тақозо этади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, бугунги кунда халқаро муносабатларни тубдан ўрганишни ҳамда миллий сиёсатшунослигимизни ҳаммага қулай бўлган ўзбек тилидаги муқобил ахборотларини кўпайтиришни илм-фанимиз учун долзарб деб билдик. Шу мақсадда ушбу маълумотларни кенг оммага қизиқарли қилиш учун оламга машҳур генерал ҳамда Президент Эйзенхауэр ҳаётига юзландик, чунки бу лидерда ўрганишимиз керак бўлган хислатлар борлигига амин бўлдик. Халқчил қилиб ёзилган китобимиз барча ватан ҳимоячилари, раҳбарлар, ўқувчи-талабалар ҳамда тарих ва сиёсат билан қизиқувчи китобхонларга манзур келади деб ўйлаймиз. Негаки, Эйзенхауэрнинг мардонавор ҳаёти жасурлик ва руҳиятга ижобий таъсир этса, масалаларга ечим топиш ҳолатлари лидерлик фикрлаш савиясини кучайтиради, китобдан олинган тарихий ва сиёсий ахборот эса ушбу соҳалардаги билимларимизни оширади ҳамда дунёга бошқа ракурслардан боқишимизга кичик бўлса ҳам, кўникма ҳосил этади.

ГЕНЕРАЛ ЭЙЗЕНХАУЭР



ОДДИЙ ОИЛА ФАРЗАНДИ

Эйзенхауэрлар оиласи асли келиб чиқиши Германиядан бўлиб, улар XVIII асрнинг ярмида эътиқод масалалари туфайли Америкага кўчиб келадилар. Ўша вақтлари Европада католик ҳамда протестант мазҳаблари ўртасида кураш кечаётган эди ва кўпчилик протестантлар ўз юртларига сиғмай, нажот истагида Америкага қочиб кетардилар. Эйзенхауэрлар ҳам шундай оилалар қаторида эди. Қаҳрамонимизнинг отаси Дэвид Эйзенхауэр муҳандис бўлиб, Америка Қўшма Штатларининг Канзас штатидан қўним топади. Коллежда ўқиган йиллари у ўз бахти Ида Стоуверни учратади ва тез орада улар оила қурадилар. Гарчанд, улар қиз фарзандни орзу қилган бўлса-да, Худо уларга етти ўғил беради – булар Артур, Эдгар, Дуайт, Рой, Пол, Эрл ва Милтон. Китобимиз қаҳрамони Дуайт оилада учинчи фарзанд бўлиб 1890 йилнинг 14 октябрь куни туғилади. Барча Эйзенхауэрларни қўшнилари қисқагина қилиб “Айк” деб чақиришарди, аммо Дуайт туғилиши билан бу лақаб фақат унга тегишли бўлиб қолади. Китобимиз давомида ҳам унга гоҳ-гоҳ айнан шундай муножаат этамиз.

Дэвид Эйзенхауэр Канзас штати Абилин шахрининг ёғ заводида ишлаб рўзгор тебратарди. У олдинига деҳқон бўлди, оила қургач кичик бир дўкон очиб савдо билан шуғуллана бошлади. Аммо у кўпчилик каби “Америка орзу”си билан яшовчи инсон эди, яъни ўзи ёқтирган соҳасида меҳнат қилишни ва шу йўлда афсонага айланишни хоҳларди. Шунинг учун ҳам за-

водга ишга кириб ўзи севган механиклик касбини эгаллайди.

Ушбу Абилин шахри Эйзенхауэрларнинг ватанига айланади, қаҳрамонимиз ҳам катта мансабли шахс бўлиб кетганида ҳам бу ерларга тез-тез келиб туриб, ўз шахри ривожига салмоқли ҳисса қўшарди.

Дэвид ва Ида бахтли яшашига қарамай, моддий жиҳатдан жуда ночор эдилар. Етти ўғилни катта қилиш осон эмасди. Оилада кийим-кечаклар, одатда, катта фарзанддан кичигига ўтарди. Аммо улар бу кунидан нолимасдилар, балки шукр қилиб кўпроқ меҳнат қилишга ҳаракат қилардилар. Дунёда ўз ўрнига эга бўлиш учун сабр билан меҳнат қилиш кераклигини бу оила яхши биларди. Уларнинг келажакида муваффақиятга эришиш сабаби ҳам, балки, айнан шундадир.

Кейинчалик ҳам Эйзенхауэр оддий оиладан чиққанини унутмайди ва бу билан жамиятда ўз ўрнини топиш инсоннинг ижтимоий келиб чиқишига эмас, аксинча, меҳнат ва ишончга боғлиқ эканлигини кўп бор таъкидлайди.

Дуайт ёшлигидан жанжалкаш бўлишига қарамай, ўз устида кўп ишлаб, ўзини жиловлашни, сабр қилиб муаммоларга ақл билан ечим топиш кўникмасини шакллантиради. Эйзенхауэрлар уйда, одатда, сахар соат 4да уйғонишарди. Тартиб оилада биринчи ўринда эди. Айнан, ўша темир интизом ёш Дуайтда ҳарбий руҳиятни шакллантира бошлайди.

Болаликдан меҳнатда улғайган Айк жисмонан бақувват эди. Спорт ҳаётининг ажралмас қисми эди. Бокс, футбол ва гольф билан умрининг охиригича кунларига шуғулланган. Жисмоний куч ҳамда жасурлик у

туғилиб ўсан жойларда катта ўрин тутарди ва ҳақиқий эркаклик рамзи эди, шунинг учун Айк ҳам жисмонан, ҳам маънан етук инсон бўлишга интиларди. Бу борада уни ота-онаси яқиндан қўллаб-қувватларди, чунки улар чин эр-йигит хислатлари спорт ва жасурликда тобланади деб ҳисобларди. Натижада, Айк нафақат ўз шахрида, балки бутун АҚШ Жанубида энг кучли спортчи, бокс устаси сифатида ном козонади.

Оилада ҳам фарзандлар уй юмушларида ота-оналарига ёрдам беришарди, хусусан, Айк ошхона ишларида анча қўли келишиб қолиб, моҳир ошпазга ҳам айланади.

Мактабда Айкнинг ўқишлари яхши эди, тарих ва математика фанларини севиб ўзлаштирарди. Айниқса, ўша йиллари унда вужудга келган ҳарбий адабиётга бўлган муҳаббати кучли эди. Наполеон Бонапарт ва карфагенлик қўмондон Ганнибал унинг ёқтирган саркардалари эди. Қўмондон ҳамда АҚШнинг биринчи Президенти Жорж Вашингтон эса кичик Айкнинг ҳаётий қаҳрамонига айланганди. Айк ўқишни битиргач, бирон бир касб эгаллашга иккиланарди, чунки унда спортдан бошқа ҳеч қайси соҳага қизиқиш йўқ эди. Унинг укаси Эдгар ҳуқуқшунос бўлишни орзу қиларди, шунинг учун ҳам Айк укасига ёрдам бериш учун заводга ишга киради ва кунига 14 соат меҳнат қила бошлайди. Ўша вақтларда ҳаётининг асосий қисмини меҳнат, ов (бу унинг хоббиси эди) ва қизлар билан учрашувлар ташкил этарди.

Бироз вақт ўтгач, Айк спортга энг яқин соҳалардан бири – ҳарбий бўлишга қарор қилади. Шунинг учун ҳам у АҚШнинг энг нуфузли ҳарбий академияси Вест-

Пойнтга ўқишга киради. Унинг аждодларидан бу касбни яқин 400 йил ичида ҳеч ким эгалламаганди ва шунинг учун ҳам кўпчилик Дуайтнинг бу қароридан таажжубланади, волидаси эса ҳатто қаршилик ҳам қилади. Эйзенхауэрларнинг диний мазҳабига кўра уруш инсониятга берилган энг оғир лаънат эди ва улар бу билан боғлиқ барча соҳалардан йироқ бўлишни истарди. Аммо масала ҳал эди ва Дуайт она шаҳри Абилин билан хайрлашиб, Нью-Йорк штатига жўнаб кетади. Чунки қахрамонимизда Она ватанни асраб-авайлаш ва ёвдан ҳимоя қилиш ҳаётининг бош мақсадга айланиб улгурганди.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТ ВА ЖАҲОН УРУШИ

Вест-Пойнтда ўқиш анча мушкул эди, аммо болаликдан спорт билан шуғулланиб чиниққан Айк у ерда ҳам ўзини ижобий кўрсатишга муваффақ бўлади. Ўқишда ҳам у бокс, эркин кураш, қиличбозлик, сузиш ва америкача футболда тенги йўқ эди. Унинг фотосуратлари кўпгина Америка спорт журналларида чоп этиларди ва Америка тарихида янги машҳур футболчи шаклланаётганлиги тўғрисида мақолалар ёзиларди.

Спортдаги ютуқлар ҳарбийда баъзи вақт эркатойлик қилишга ҳам олиб келарди. Мисол учун, эрталабки ва кечки йиғин, сафга ўз вақтида туриш, саф қоидаларига риоя этиш масалаларида бирмунча кеч қолар ёки хато қилар эди. “Генерал бўлишни орзу қилмаган аскар – аскар эмас”, дейишади. Айк ҳам оддий курсант бўлган вақтидан бошлаб генерал бўлишни орзу қиларди ва кўп ҳолларда мустақил қарор қилиб, хизматдошларини олдинга етакларди.

Бу командирлар томонидан салбий қабул қилинса-да, қуrolдошлар ўртасида катта обрў қозонишига сабабчи бўларди. Ҳарбий машғулот вақтида таҳлил қилиш хусусияти унда жуда кучли эди, шу боис баъзи берилган топшириқларда бошқачароқ ҳаракат қиларди. Унинг бу феъли кейинчалик командирлар томонидан ижобий қабул қилинади, чунки курсант ўз мустақил фикри, таҳлил қилиш ҳамда лидерлик хусусиятларига эга бўлиши шарт эди. Кўпчилик уни “қўмондон бўлиб туғилган”, деб ҳам айтишарди.

Вест-Пойнтда “ҳар бир курсант спортчи бўлиши шарт эди”. Бу борада Аикнинг ишлари аъло эди, аммо мактаб йилларидек математика ва тарих фанлари ҳам четда қолиб кетмасди. Ҳарбий академияда буюк шахслар ва саркардалар ҳаётини изчил ўрганиш унинг энг севимли машғулотига айланганди.

Дуайт Эйзенхауэр 1915 йили тўрт йиллик ҳарбий билим юртини тамомлайди ва лейтенант унвони билан АҚШ Қуrollи кучлари сафига ўтади. Ўша йили тамомлаган 168 нафар Вест-Пойнт битирувчиларидан 56 нафари кейинчалик генерал лавозимига кўтарилган. Иккинчи жаҳон урушида қаҳрамонлик кўрсатган машҳур генерал Омар Брэдли ҳам улар каторида эди.

Олий ҳарбий билим юртини тамомлагач, Аик Техас штатига хизматга юборилади. Бу ерда у ёшлиқдан қизиққан ҳақиқий ковбой ҳаётига дуч келади ва, асосан, кўп вақтини отда сайр этиш ҳамда чавандозликка бағишлайди.

Техаснинг Сан-Антонио шаҳрига Даудлар оиласи тез-тез келиб туришарди. Жон Дауд катта тадбиркор бўлиб, унинг бири-биридан латофатли тўрт қизи бор

эди. Аик ушбу шаҳарга кўп келиб турар ва Даудлар хонадониди меҳмон бўларди. Тез орада Мария (Мейми) Дауд ва Аик ўртасида муҳаббат ришталари пайдо бўлади ва Аик Мариянинг қўлини сўрайди. Даудлар бадавлат оила эди, аммо бу Аикни ҳеч ҳам ташвишлантирмасди, чунки у ўзига ишонарди ва инжиқ Меймининг барча хоҳишларини ижобат этиш қўлидан келишини биларди.

Тўйдан сўнг Аик ўз рафиқаси билан уйга, Абилинга, қайтади. Ота-онаси уларни мамнуният билан қабул қилиб оқ фотиҳа беришади. Шундай қилиб, қаҳрамонимиз оила қуриб, мустақил ҳаётга қадам қўяди.

1914 йили Европада Жаҳон уруши бошланган эди¹. Европа ва Осий давлатлари бир-бирларини талон-тарож қилаётган вақт АҚШ ушбу воқеаларни четда жимгина кузатиб турарди. АҚШ бу урушда савдо ишларини кенг ривожлантиради ва урушдан энг кўп фойда билан чиққан давлат бўлади. Ушбу тўғри танланган стратегия давлатнинг дунёдаги ўрнини янги олий даражага олиб чиқади.

Уруш ниҳоясига яқинлашган вақт АҚШ Антанта ҳарбий блоки томонидан урушга киришга қарор қилади. Ушбу ҳодиса қаҳрамонимизнинг ҳам ҳаётида катта ўзгаришларга сабаб бўлади. У океан ортида кечаётган урушда қатнашиб, ҳарбий малакасини янада ошириш ва ҳарбий жанг санъатини бундан-да пухта ўзлаштириш ниятида эди.

Уруш вақти Дуайт олдинига ҳарбий йўриқчи-

¹ Эътибор беринг, “Биринчи жаҳон уруши” термини Иккинчи жаҳон уруши бошлангандан кейин ишлатила бошланган. Унгача бу урушни “Буюк уруш” ёки шунчаки “Жаҳон уруши” деб қабул қилишган.

инструктор сифатида иш бошлайди. У хизмат қилаётган полк урушда иштирок этиши лозим эди. Аммо ўзини яхши инструктор сифатида намоён қилган Эйзенхауэрни раҳбарият штабда олиб қолиб, яна ушбу ишни давом эттиришга топшириқ беради. АҚШ Қуролли кучлари малакали офицерларга муҳтож эди, шунинг учун ҳам бу вақтга келиб капитан даражасига кўтарилган Эйзенхауэрнинг билимлари янги офицер-кадрларни тайёрлашда муҳим эди.

Эйзенхауэр штаб ишларида АҚШ тарихида биринчи танк қўшинларининг ташкил этилишида иштирок этади ва ушбу соҳада энг етук мутахассислардан бирига айланади. Бу вақтга келиб у майор унвонига кўтарилганди. Кейинчалик у шаклантирган ҳарбий танк қисми урушда жасорат кўрсатиб АҚШ Қуролли кучларининг энг илғор қисмлари қаторидан жой олади. Аммо бу Эйзенхауэрни қониктирмасди, ҳатто қилган меҳнати учун медаль билан тақдирланса-да, барибир, фронтга, жанг майдонига боришни истарди. Раҳбарият унинг бу илтимосини маъқуллайди, аммо ўша вақтга келиб уруш ниҳоясига етади ва Дуайт учун амалий уруш fronti армон бўлиб кўрина бошлайди.

Урушдан сўнг у Панама канали яқинида жойлашган генерал Коннер бошчилигидаги ҳарбий қисмга сафарбар этилади. Генерал Коннер Айкни биринчи кундаёқ ёқтириб қолади ва унга ҳарбий жанг санъатидан алоҳида тушунчалар бера бошлайди. Ўша вақтлари Айк кўп ҳарбий адабиётга доир китоблар ўқир ва ўзлаштирганларини генерал Коннернинг билимлари билан мустаҳкамлар эди. Карл фон Клаузевицнинг “Уруш ҳақида” номли бебаҳо асари ушбу мулоҳазаларда алоҳида ўрин эгалларди. Коннер ту-

файли Айк ушбу китобни уч марта ўқиб чиқади ва китобда берилган энг муҳим фикрни ёд олади, яъни “тўлиқ ғалабага эришиш учун душманнинг қаршилиқ қилиш салоҳиятини эмас, балки қаршилиқ қилишга бўлган хоҳишини йўқ қилиш керак”. Бу билан Эйзенхауэр урушда жанговар шайлиқдан кўра маънавий тайёргарлик муҳимроқ эканини тушуниб етади. Ҳарбий соҳада назария қанчалик муҳим ўрин тутишини англаган Айк вақтни бекорга сарфламасдан иложи борича кўпроқ билим олишга ҳаракат қиларди. Ушбу китобларсиз у ҳеч қачон генерал бўлолмаслигини яхши биларди. Устози генерал Коннернинг ҳаёти бунга тирик мисол эди.

1923 йили Дуайт ва Мариянинг иккинчи фарзанди Жон туғилади. Бу Эйзенхауэрлар оиласи учун қувончли воқеа эди, чунки уларнинг биринчи ўғли Дэвид уч ёшлигида нобуд бўлган ва бу анча вақт уларни изтироб чекишга мажбур этган эди. Соғлом ва дуркун туғилган Жон отасидан ҳақиқий ҳарбийча тарбия олади ва мамлакат тақдирига бефарқ бўлмаган, ватанпарвар шахс бўлиб улғаяди.

1929–1933 йиллари Дуайт Эйзенхауэр АҚШ Ҳарбий вазирлигида ишлайди² ва олий даражадаги қўмондонликда ўзига нисбатан ижобий фикр уйғотади. Ўша йиллари таниқли генерал Дуглас Макартур³ ҳамда Эйзенхауэр ўртасида илк тари-

² АҚШ Ҳарбий вазирлиги – 1789 йили 7 августда АҚШ Президенти Жорж Вашингтон томонидан ташкил этилган. 1947 йили Мудофаа вазирлиги ташкил этилгунга қадар ҳарбий масалаларга жавоб берувчи вазирлик ҳисобланган.

³ Дуглас Макартур (1880–1964) – жаҳонга машҳур америкалик қўмондон, АҚШ армия генерали, Филиппин армияси фельдмаршали, Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамони, АҚШда генераллик тимсоли.

хий учрашув бўлиб ўтади. Генералда яхши таассурот қолдирган Айк тез орада унинг штабига ишга ўтади. Бу ерда у кўпроқ сиёсий масалалар билан шуғулланарди: генерал Макартурнинг ҳисоботлари ва нутқларини тузарди. 1935 йили генерал Макартур Филиппин ороллариغا АҚШ ҳарбий маслаҳатчиси сифатида юборилади. У бу ерда Филиппин миллий армиясининг шаклланишида ёрдам бериши керак эди. Макартур ўзига ёрдамчи қилиб Эйзенхауэрни ҳам олиб кетади. Шундай қилиб, қаҳрамонимиз ушбу давлатда то Иккинчи жаҳон уруши бошлангунга қадар хизмат қилади.

Филиппинда Эйзенхауэр ўзи қизиққан янги учувчилик соҳасини ўргангани ва 48 ёшга келиб учувчи гувоҳномасини олади. Ўша вақтлари унинг фарзанди Жон ҳам анча катта бўлиб қолгани ва Айк баъзида уни ҳам ўзи билан парвозга олиб чиқарди.

Филиппин оролларида ҳаёт яхши эди, аммо тўсатдан 1939 йили бошланган уруш Эйзенхауэрни уйга қайтиб, ушбу уруш тақдирида энг муҳим роллардан бирини ижро этишини тақозо этади.

ЕВРОПА САЛИБ ЮРИШИ⁴

1933 йили Германия давлат тепасига кўтарилган фашист ҳукуматида Биринчи жаҳон урушидаги мағлубият учун алам ҳисси ҳали ҳам йўқолмагани

⁴ Иккинчи жаҳон уруши ниҳоясига етгандан сўнг 1948 йили Дуайт Эйзенхауэр ўзининг машҳур “Crusade in Europe” (“Европага салиб юриши”) асарини чоп этади. Асар муаллифнинг урушда кечирган хотираларини мужассам этган китоб бўлиб, ушбу уруш ҳақида ёзилган бестселлерлар қаторига киради. Китобимизда Эйзенхауэрнинг асарига кўп мурожаат қилганимиз сабабли ушбу бобга асар номини беришга қарор қилдик.

маълум бўлди. Миллатчилик асосида қурилган фашизм мафкураси Германиянинг давлат дастурида мағлубият учун реванш олиш, Англия, Франция ва уларга иттифоқдош бошқа давлатларни тор-мор этиш, мафкуравий рақиби бўлмиш коммунистик Совет Иттифоқини харитадан ўчириб юбориш, ўзга халқларни истило қилиш, немис халқининг дунё миқёсидаги минг йиллик салтанатини қуриш ва-зифаларини белгилаганди. Фашист мафкураси немис аҳолисини уйғотади, мамлакат тез орада иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан жаҳонда биринчи ўринга чиқиб олади. Ишлаб чиқариш, инновациялар, армия сони бўйича Германия тенги йўқ эди. Барча ислохотлар фақат ва фақат фронтга, янги жаҳон урушига қаратилганди. Тез оёққа турган Германия бирин-кетин Биринчи жаҳон урушида бой берилган ҳудудларни қайтариб ола бошлайди. Англия ва Франция янги барпо этилган давлатлар: Чехословакия, Югославия ва Польша хавфсизлиги учун масъул эдилар. Аммо Германия раҳбари Адольф Гитлерни “тинчлантириш” мақсадида улар ушбу давлатлар ҳудудларидан воз кеча бошлайдилар ва бу улар томонидан йўл қўйилган сиёсий хато бўлади, чунки қадимги классик сиёсий олам вакили Перикл айтганидек; “Душманга бир қадам ҳам ён босиб бўлмайди. Бугун ён берсангиз, қўрқяпти, деб эртага янги талаблар билан чиқади”. Бу ҳолатда ҳам шундай бўлади. Германиянинг Биринчи жаҳон урушидаги мағлубияти учун инглиз ва французлардан аламзада бўлган Гитлер иложи борича улардан қасос олиш йўлларини изларди. 1933 йилиёқ Германия умумий хавфсизлик учун масъул бўлган Миллатлар Лигаси ташкилотидан чиқиб кетади. Шундан сўнг у

Биринчи жаҳон урушининг якуни бўйича имзоланган Версаль шартномасини бирин-кетин буза бошлайди. Олдинига демилитаризация қилинган Рейн ҳудудига қўшинлар киритилса, кейин Австрия ва Чехословакиянинг Судет тумани қўшиб олинади. 1938 йил Мюнхенда ташкил этилган конференцияда у ўз рақибларини оёқ-ости қилиб, янги талабларни қўяди. Чехословакияни Гитлерга инъом этган Британия Бош вазири Невилл Чемберлен конференциядан Лондонга қайтганида “Бир авлодлик тинчликни олиб келдим” деб ўзини оқлайди, бинобарин, ушбу тинчлик бир йилга ҳам чўзилмайди. Гитлернинг нафси борган сари кучайиб боради ва у халқаро майдонда янги талабларни қўяверади. У қанчалик кучайса, Англия ҳам шунчалик ҳарбий саноатини кенгайтиришига тўғри келарди, чунки ундан ортда қолиб кетса, Германия кучсиз рақибга осонликча ҳужум қиларди. Ваҳоланки, инглиз иқтисоди қуролланиш пойгасига бардош беролмасди. Шунинг учун ҳам Гитлерни “тинчлантириш” Британияга зарур эди. Агар Германия инглиз армиясидан хавфсирамаса, у қуролланмасди. У қуролланмаса, Англия ҳам қуролланмасди. Ҳар ҳолда, ўша даврдаги инглиз раҳбарияти шундай деб ўйларди. Гитлернинг хаёлида эса умуман бошқа фикрлар эди, у тинчланиш ниятида эмасди. У учун уруш ҳаёт мазмуни эди ва ҳали тириклигидаёқ дунёни забт этиб, минг йиллик давлатга асос солмоқчи эди.

Англия ва Франция Гитлерни Совет Иттифоқига йўналтириб, хавфни ўзларидан соқит қилмоқчи эдилар. Иккиси билан ҳам алоқалар яхши эмасди. Демак, улар ўртасида уруш бўлса, иккиси ҳам кучсизланарди ва бир ўқ билан икки душман йўқ қилинарди. Аммо

қарангки, 1939 йили 23 август санасида Совет давлати ҳамда Германия ўн йил давомида бир-бирларига ҳужум қилмасликка келишилган шартномани имзолайди. Бу билан Гитлер олдин Ғарб давлатлари билан ҳисоб-китоб қилиб олиш ниятида эканини намойиш этади. Англия ва Франциянинг қабиҳ режаси барбод бўлади. Гитлер ўз чиқишларида қанчалик коммунизмдан нафратланишини таъкидламасин, унинг нигоҳи аввал Ғарбга қаратилганди. Ғоялар турли хил бўлгани билан геосиёсий манфаатлар икки қарама-қарши давлатни биродар тутинтириб, дўстлик ришталари бўйича шартномани имзоланиши тақозо этади.

Олдинига фашистлар билан дўст бўлишга уринган Чемберлен энди Совет Иттифоқи билан бирга ҳаракатланишга интилади, аммо советлар раҳбари И.Сталинга истаганини бермайди. Гитлер эса Совет Иттифоқи ҳали урушга кирмасидан унга Болтиқбўйи давлатлари, Бессарабия, Финляндия, Польшанинг маълум бир қисми ва шу каби ҳудудларни бериб юборади. Совет давлати хавфсизлиги учун бу муҳим эди, чунки эртага Германия уларга қарши уруш очса, мана шунча ҳудуд қалқон вазифасини ўтаб берарди. Сталин томонидан қабул қилинган бу айёрона режа келажакда асқотарди. Бундан ташқари, айрим маълумотларга қараганда, Совет Иттифоқи ҳам эртамикечми Германия унга ҳужум қилишини билиб, келажакда кутилаётган бу урушга тайёргарлик ишларини бошлаганди. Улкан танк дивизиялари Шарқий Европада Германия билан олишишга шай ҳолатга келтирилаётганди. СССР ҳам Германия каби Биринчи жаҳон уруши якуни бўйича ўрнатилган Версаль тизимидан норози эди. Чунки Англия ва Франция конференцияга уларни чақирмасдан Россияга тегишли

бўлган ҳудудларда янги давлатларни барпо этганди. Сталин ҳам эски ҳудудларни қайтариб, ғарбликларга дарс бериб қўймоқчи эди.

Ўз навбатида, Польша ҳам Германияни СССРга қарши йўналтириб, Совет давлатининг шарқий ҳудудларига эга чиқишни ният қилганди. Бироқ, аксига олиб, унинг ўзи фашист жаллодларининг қурбонига айланади ва кўзда тутилган пасткаш режа чиппакка чиқади.

1939 йил 1 сентябрь куни Германия кўшинлари, айнан, Польшага бостириб киради. Бунга жавобан Англия ва Франция Германияга уруш очишга мажбур бўладилар. Чунки уларнинг бошқа иложлари ҳам қолмаганди. Негаки, улар Шарқий Европа мамлакатларини жорий этган ва шунинг учун ҳам уларнинг хавфсизлигига масъул эдилар. Польша эгаллангандан сўнг Германия ярим йилча ғарбий фронт урушига тайёргарлик кўради ва 1940 йилнинг баҳоридан бутун Ғарбий Европани ўзига бўйсундира бошлайди. Қисқа муддат ичида Нидерландия, Люксембург, Бельгия, Норвегия, Дания ва бошқа давлатлар эгалланди. Айрим давлатлар атиги бир-икки кунда таслим бўладилар. Ҳатто қудратли Францияни ҳам енгиш унчалик қийин бўлмайди. Бирлашган инглиз ва француз кўшинлари Дюнкерк портига чекинишади ва ўша ердан Британия ороларига қочиб кетадилар. Натижада, Францияда ҳам фашист ҳукумати ўрнатилади, аммо озодлик йўлида курашга бел боғлаган французлар генерал Шарль де Голль бошчилигида урушни давом эттирадилар. Француз флоти эса ўз иттифоқчилари томонидан сувостига фарқ этилади, чунки ушбу кемалар фашистларнинг кўлига тушиб қолса, инглизларга ҳам, қочиб Брита-

нияда жон сақлаётган французларнинг ўзларига ҳам оғир бўларди. Яккаланиб қолган Англиянинг бутун умиди иттифоқчиси Америка Қўшма Штатларидан эди. Англияга қарши Германия немис ҳарбий ҳаво кучлари “люфтваффе”ни кенг қўллайди, бинобарин, ушбу оролларни забт этишда на самолётлар, на кемалар Германияга ёрдам берарди. Оптимистик кайфиятда урушни давом эттираётган раҳбар Уинстон Черчилль бошчилигидаги инглизлар мардонавор ҳимояландилар.

Дуайт Эйзенхауэр кўпчилик америкаликлар каби Америка ҳамда Евроосиёдаги хавфсизлик ва барқарорлик масалалари бир-бирига изчил боғлиқ эканини яхши биларди. Тўғри, Американи Европа ва Осиё давлатларидан океанлар ажратиб турарди, аммо душман кучи борган сари ортиб, хавф янада кучайиб бо раётганди. Италия, Япония ва бир қатор Европа мамлакатлари Германиянинг ҳамтовоғига айланганди. Масаланинг бундай ривожини АҚШ ҳукуматига зудлик билан қарор қабул қилиб урушга кириш ҳамда Англия ва озодлик учун курашаётган бошқа давлатларга ёрдам беришни талаб этарди.

Уруш хавфи ортган сари АҚШ Қуролли кучлари сони ҳам орта бошлайди. 1941 йилга келиб уларнинг умумий сони 1,5 миллионни ташкил этади. АҚШга қайтган Эйзенхауэр ҳам ўша йили полковник унвони ва тез орада бригада генерали даражасига кўтарилади. Гарчанд, АҚШ учун ҳали уруш бошланмаган бўлса-да, Эйзенхауэр каби генераллар армия доимо жангга шай ҳолатда туриши лозим деб ҳисоблардилар.

Урушда бурилиш ясашга қодир давлатларнинг бири Совет Иттифоқи бўлса, иккинчиси АҚШ эди.

Президент Франклин Делано Рузвельт буни яхши билар ва аста-секинлик билан урушга тайёргарлик кўрар эди. АҚШда изоляционизм ғоялари устун бўлишига қарамай, у Англияга қурол-яроғ етказа бошлайди. Қолаверса, АҚШ флотига Атлантика океанида немис сувости кемаларини ўз ҳудудларида йўқ қилиш буйруғини ҳали сентябрь ойидаёқ берган ва бу билан АҚШ ким томондан урушга кириши маълум бўлган эди.

Бу вақтда уруш fronti кенгайиб Совет Иттифоқи ҳам ушбу можаро гирдобига ғарқ бўлади. Аввалига фашистлар билан биргаликда Польшага кирган советлар, кейинчалик Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) шаҳрининг хавфсизлигини баҳона қилиб, Финляндияга ҳам уруш очади ва шу сабабдан ўша вақтлардаги тинчлик учун тузилган Миллатлар Лигаси ташкилотидан чиқарилади. Германия ва Англия ўртасидаги уруш чўзилиб кетади, натижада, Гитлер Совет Иттифоқига ҳам инглизларга қарши урушга киришни таклиф этади. Аммо бу борадаги музокараларнинг охири кўринмайди. Сталин вақтдан ютиб, Германиянинг ҳам, Англиянинг ҳам ҳолдан тойишини кутарди. Шунда фашистлар lebensraum (“яшаш макони”), яъни Россиянинг ғарбий ҳудудини эгаллашга киришади. Германия берган аҳдини бузиб, 1941 йилнинг декабрь ойига қадар советларнинг пойтахти Москвагача кўшин тортиб боради. Бу юришни улар ҳали 1940 йилиёқ режалаштиргандилар. Совет раҳбарияти Германия агрессия маркази эканлигини ва эртами-кечми улар билан тўқнаш келишларини яхши билишарди, аммо бу шунчалик тез амалга ошишига ишонишмасди. Хужумнинг олдини олиш ҳамда Германияга қарши ҳеч қандай қабих ният йўқлигини исботлаш учун совет чегара кўшинларининг

шайлиги юқори даражадан туширилади. Аммо Гитлер ўз билганидан қолмайди. Совет Иттифоқига ҳужум қилиб, у инсоният тарихидаги энг катта уруш бошланишига замин яратади. Фашистлар томонидан Москвага қадар йўлдаги барча шаҳарлар вайрон қилинади. Уларнинг аҳолиси эса ёки қирғин-барот бўлади, ёки концлагерларга асир олинади. Германия ушбу ҳудудда тезкор ғалаба блицкригга эришмоқчи эди. Аммо бошидан бир текисдаги стратегия ишлаб чиқилмайди. Аввалига Москва асосий нишон, деб қабул қилинса, кейин Кавказ мўлжалга олинади, бинобарин, сўнгги вақти Германия раҳбари Гитлер яна бир ўйлаб кўриб, Москвага зарба беришга қарор қилади. Натижада, фашистлар фурсатни бой беришади ва қаҳратон қишнинг қурбонига айланишади. Россиянинг бепоён ҳудудлари ортга чекинишга, нафас ростлаб яна ҳужум қилишга ва қишнинг аёзи табиий, деб қабул қилиниши каби географик омиллар немислар томонидан кўзда тутилмаганди. Бунинг устига, АҚШ Япония билан урушга киргани, Япония эътиборини шарққа қаратган, ғарбдаги Россияга қарши мўлжалланган қўшинлар тўхтаган эди. Қолаверса, Совет Иттифоқи қўшинларини икки фронтга бўлиб қўймаслик мақсадида Сталин 1941 йили 13 апрелда Япония билан бир-бирига ҳужум қилмаслик тўғрисидаги шартномани имзолайди. Натижада, Сибирдаги Япониядан мудофааланишга қаратилган кучларни Москва фронтига ташлашга имкони яралган. Ушбу геосиёсий ютуқлар келажакда Совет Иттифоқи учун асосий ролни ўйнайди ва, энг муҳими, фашистлар Москва остонасида тўхтатилади.

Бу ишларнинг натижасида, Совет Иттифоқи ўз-ўзидан Англия ва АҚШга иттифоқдош бўлиб қолади, зеро, умумий душманнинг мавжудлиги шу нарса-

ни тақозо этарди. Бир-бирига мутлақо бегона ва қарама-қарши томонлар ягона мақсад йўлида бирлашадилар. Ушбу алоқаларнинг ривожланишида совет раҳбариятининг фикрига кўра, АҚШ давлат арбоби ва Президент Франклин Рузвельтнинг маслаҳатчиси, маҳоратли дипломат Гарри Хопкинснинг ўрни катта бўлган.

Ўз навбатида, Британия Бош вазири Уинстон Черчиллнинг ҳам олиб борган сиёсати ушбу алоқаларга ижобий тус беради. Гап шундаки, Англияни охиригача тор-мор этолмаган Германия 1940 йилнинг сўнгги ойларида СССРга бостириб кириш операцияси, “Барбаросса” режасини тузади. Аммо ҳали Англияни мағлуб этмасдан Совет Иттифоқига уруш очиш ҳам нотўғри бўларди, чунки бу вермахт (немис қуроли кучлари)ни икки фронтга ажратиб қўярди⁵. Шунинг учун ҳам Германия раҳбариятида Британия frontiдаги ҳаракатларни тўхтатиб, бор эътиборни Совет Иттифоқига қаратиш фикри туғилади. 1941 йил 11 май санасида фашист ҳукуматининг олий раҳбарларидан бири Рудольф Гесс Британия ороларига якка ўзи элчи бўлиб келади. У инглизлар билан келишиб, урушни тўхтатиб, сулҳ тузишни таклиф этади. Аммо, Британия бунга кўнмайди, чунки Германия уларни бир марта алдаганди, иккинчи марта бу хатони такрорлаш нияти йўқ бўлган Черчилль рад жавобини бериб, Совет Иттифоқига ва умуман ким фашизмга қарши курашса, ўшаларга қуруқликда, ҳавода ва денгизда ёрдам қўлини чўзишини маълум қилади.

⁵ Буюк немис давлат арбоби, канцлер Отто фон Бисмарк васиятига кўра, Германия зинҳор икки фронтда жанг олиб боришига йўл қўйиб бўлмасди. Бундай ҳолат геостратегик хато бўлиб, албатта, фалокатга олиб келарди.

Гесс билан бўлган воқеалар ҳозирги кунга қадар Англия ва Иттифоқ мамлакатлари ўртасида айрим тушунмовчиликларга сабаб бўлиб келади. Чунки агар Гесс 1941 йил май ойида Англия келиб Совет Иттифоқига ҳужум қилишни маълум қилган бўлса, унда нега инглизлар бу ҳақида советларга вақтида хабар бермаган деган савол пайдо бўлади, чунки немислар Гесснинг уринишидан сўнг орадан бир ярим ой ўтиб Совет Иттифоқига бостириб кирадилар. Агар Черчилль, ҳақиқатдан ҳам, СССРга дўст бўлганида, у билганларини етказиши керак эди, аммо келиб чиқадики, у фашист вермахти шарққа йўналишидан манфаатдор эди. Ўзининг мемуарларида эса у Гесс Германия Совет давлатига қарши уруш олиб бориш фикрини тўлиқ инкор этганлигини маълум қилган. Яъни Черчиллга кўра, Гесс “Барбаросса” режасидан хабардор бўлмаган ёки атайин бекитган, нега деганда, у фашист Германиясида Адольф Гитлердан кейинги учинчи шахс эди ва унинг бу режадан воқиф бўлмагани кулгили, албатта. Уруш ниҳоясига етаётган вақт Черчилль Москвага ташриф буюрганида, Совет Иттифоқи раҳбари Иосиф Сталин у билан айнан шу масала бўйича суҳбатлашишга ҳаракат қилади, аммо Черчилль ҳеч қандай сир бой бермайди.

Англия ҳам, АҚШ ҳам яхши биларди, агар Германия Совет Иттифоқини мағлуб этса, у битмас-туганмас захирага эга бўлар ва стратегик устунликка эришиб, улкан ишонч билан бутун жаҳонни эгаллаш режасини бошлар эди. Совет Иттифоқининг ютқизиши Ғарб мамлакатларига қимматга тушарди, шунинг учун ҳам улар нима бўлса ҳам Германияни Россияда тўхтатиб қолишга ҳаракат қиладилар. Бунда улар томондан ҳам моддий, ҳам ахборот маълумотлари СССРга етказилади.

Шарқда Япония Хитойни аллақачон истило қила бошлаганди, аммо узоқ муддатли уруш олиб бориш учун уларга ёқилғи керак эди. 1941 йил ёз фаслидан бошлаб АҚШ Президенти Франклин Рузвельт Японияга нефть сотишни тўлиқ ман этади. Япония Америка билан кузнинг охиригача музокара олиб бориб савдони тиклашга ҳаракат қилади. Натижа бўлмагач, Жанубий-Шарқий Осиё ва Океаниядаги нефть манбаларини куч билан тортиб олиш режасига ўтади. Бунинг учун АҚШ ва Англияга уруш очиш керак эди, чунки ушбу ҳудудлар уларнинг назорати остида эди. 1941 йилнинг 7 декабрида Америка Қўшма Штатлари Япония ҳужумига учрайди ва урушга киради. Тез орада Германия ва Италия ҳам АҚШга уруш очадилар. Бунинг натижасида, АҚШ янги жаҳон урушига қўшилади ва барча соҳаларни ҳарбий рельсларга ўтказишга мажбур бўлади.

Гитлер уруш фронтини кенгайтириб Германиянинг 70 миллион аҳолисини 700 миллион кишига қарши қилиб қўяди. Энг ажабтозури, Биринчи жаҳон урушидаги каби Германия яна икки фронтга бўлинганди: ғарбда – АҚШ, Британия, шарқда – шўролар. Мана шу икки геосиёсий омил урушнинг ҳали бошидаёқ кўп нарсаларни равшан қилади.

Бирдамлик ғалабада муҳим эканлигини билган АҚШ, СССР ҳамда Буюк Британия раҳбарлари фашизмни йўқ қилишга аҳд қилишади. Уларнинг “Қўрқимиз лозим бўлган ягона нарса – қўрқувнинг ўзидир” (Рузвельт), “Тарих гувоҳки, енгилмас армиялар йўқ ва бўлмаган” (Сталин), “Қуруқликда, ҳавода ва денгизда кураш олиб борамиз” (Черчилль) каби мардонавор нутқлари ғалаба учун зарур бўлган ишончли таъминлаб турарди.

Япония АҚШга хужум қилган вақти Дуайт ўзи каби Вест-Пойнт курсантига айланган ўғли Жондан хабар олгани борганди. Оила даврасида янги йил байрамини режалаштирган Эйзенхауэрга Вашингтондан қўнғирок бўлиб, зудлик билан Ҳарбий вазирликка етиб келиши сўралади. Эйзенхауэр уруш масаласининг ечимида иштирок этишини биларди, аммо бу сафар у нима бўлганда ҳам армия билан фронтда бўлишни истарди. Ўша вақтдаги пиёда қўшинлар штаб бошлиғи Жорж Маршалл Айтнинг хислатларини яхши биларди ва унга “бу инсон уруш қилишни билади, чунки урушнинг моҳиятига тушунади” деб таъриф беради. Ҳақиқатдан ҳам, Клаузевицни чуқур ўрганган Дуайт соҳанинг мутахассисига айланганди ва айнан шунинг учун у ушбу тарихий воқеага сафарбар этилади. Қолаверса, Ҳарбий вазир Генри Стимсон ҳам у ҳақида салбий фикрда эмасди.

Штабда Эйзенхауэр зирҳли танк қўшинларини янада ривожлантириш таклифини беради. Унга кўра, айнан, ушбу қурол уруш тақдирини ҳал этишда аҳамиятли ўрин эгалларди. Япония АҚШнинг Пёрл-Харборда жойлашган бутун флотини йўқ қилиб юборганди. Яшин тезлигида улкан ҳудудлар Япония тасарруфига ўтиб кетаётганди. Натижада, нафақат Жанубий-Шарқий Осиё, балки Австралия, Янги Зеландия ва Ҳиндистон ҳам улар қўл остига ўтиб кетиши эҳтимоли жуда катта эди. АҚШ ҳарбий штаби Калифорния қирғоқларига чекиниш ҳақида бош қотираётган вақт, Эйзенхауэр бор қолган флот ва аскарларни Австралия мудофаасига жойлаштиришни таклиф этади. У ҳали барчаси бой берилмаганлигига ишонарди ва Австралия, Янги Зеландия, Ҳиндистон, Филиппин, Фижи, Гавайи ороларини

қутқариб қолиш мумкин, деб ҳисобларди. Дуайт “У ердаги иттифоқчиларимиз бизни ютқазганлигимиз учун эмас, балки уларни ташлаб кетганимиз учун кечиришмайди” деб фикрларди. Ўз ўйлаганларини амалга ошириш учун Эйзенхауэр, тун-у кун меҳнат қилишга мажбур эди. Ўша вақтдан бошлаб то уруш охиригача у кунига 12-18 соатдан кам ишламаганди.

Булар, албатта, бесамар кетмай, штабда у тўғри, деб билган йўналишни танланилишига ҳисса қўшади ва Тинч океанида кечаётган ҳарбий театр ҳамда Австралия мудофаа вазифалари Дуайтнинг собиқ раҳбари ва устози генерал Дуглас Макартурга юкланади. Ушбу ҳудудда улар бошиданок катта талафотга учраган бўлса-да, аммо узоқ муддатда уруш олиб бориш қобилиятини сақлаб қолгандилар. Чунки японлар Пёрл-Харборга зарба берганда фақат флотни йўқ қиладилар, Оаху оролидаги нефть базалар эса омон қолади. Мана шу ёқилғи манбалари АҚШга тезда оёққа туриб, мудофааланиш имкониятини яратади. Бу японлар томонидан йўл қўйилган хато эди, чунки ўз чангалида турган Оаху оролига биргина зарба АҚШни хавотирли аҳволга солиб қўярди. Нега деганда, айнан, ўша оролдаги нефть Америка учун Тинч океанидаги урушда бурилиш ҳосил қилишига замин яратади.

Эйзенхауэр урушда танк, самолёт ва янги технологиялар билан бир қаторда ёқилғи, хусусан, нефтнинг ўрни қанчалик муҳим эканлигини яхши биларди. Чунки нефтсиз ушбу қўрқинчли қурооллар ҳаракатсиз бир уйим темир-терсакка айланарди, қоларди. Уруш бошланиши билан у Тинч океани ҳудудидаги нефть базалари билан бир қаторда нима бўлса ҳам немис-

ларни Яқин Шарққа ўтказиб юбормаслик тўғрисида бош қотира бошлайди. Яқин Шарқ Биринчи жаҳон уруши хулосаларига кўра, Англия ва Франция назорати остида эди. Кавказ ва Каспийдаги нефть базалар эса Россияга тегишли эди. Энди Россия билан иттифоқдошга айланган АҚШ нима бўлганда ҳам ушбу нефтга тўкин ҳудудни Германияга бой бериб қўймасликни мақсад қилганди. Чунки Англия ўз-ўзи билан овора бўлса, Франция тўлиқлигача тор-мор этилганди, фақат генерал де Голль бошлиқ айрим кучлар чет элда туриб Она ватани учун кураш олиб боришаётганди.

Бундан ташқари, Эйзенхауэр урушда ғалаба қозониш учун ҳужум қилиш лозим, деб ҳисобларди ва АҚШнинг ҳарбий ҳужум стратегиясини шакллантириш билан банд эди. Англия Бош вазири Уинстон Черчилль ҳам четда қўл қовуштириб ўтирмасди, у АҚШга тез-тез ташриф буюрар ва бирлашган АҚШ ва Англия Қуролли кучларининг тизимини яратиш билан овора эди. Урушда ғалаба қозониш учун АҚШ ва Англия кучлари ягона армия бўлиб қатнашиши шарт эди, шунинг учун ҳам ушбу масала устувор эди. Черчилль немислар билан уруш қилишни биларди. Ҳали Биринчи жаҳон урушида у маълум бир вақт Буюк Британия флоти раҳбари бўлганди. Ўша вақтлари у бутун Қироллик кемаларини кўмирдан нефть манбаларига ўтказиб, уруш олиб боришда мобил тезликка эришганди ва бу билан ғалаба йўлида салмоқли ютуқларни қўлга киритганди. Бу урушда ҳам Черчилль инновациялар билан бир қаторда, давлатлар ўртасидаги бирдамликни ғалабанинг асосий кафолати, деб кўрсатарди.

Бирлашган кучларни ягона қўмондонлик шта-

би бошқариши керак эди, бунинг учун армиялар ўртасида ишонччи ҳосил этиш лозим эди. Гарчанд, АҚШ ҳам Европа, ҳам Тинч океанидаги можароларга боғлиқ бўлса-да, штабда Европада кечаётган жараёнлар муҳимроқ деб қабул қилинганди. Чунки Япония ҳозирча фақат маълум бир минтақа миқёсида ҳаракат қилаётган бўлса, Германия глобал хавфга айланиб бўлганди. Шунинг учун ҳам Иттифоқчилар⁶, авваламбор, Германияни таслим этишга келишадилар.

Иттифоқчилар Германияга қарши бу юришни 1942 йилга режа қилишаётгади. Режалаштиришда жонбозлик кўрсатган Эйзенхауэр тез орада генерал-майор унвонини олади. Эйзенхауэр ўз олдига барча иқтидорли генералларни йиға бошлайди. Улардан бири унинг яқин дўсти, генерал-майор Жорж Паттон эди. Паттон жаҳон ҳарбий адабиётини аъло даражада билар, ёшлигидан Айк каби буюк саркардаларга тақлид қилар эди. Бундан ташқари, у танк қўшинлари соҳасида эксперт бўлиб АҚШ армиясида улкан лидерлик хусусиятлари билан ажралиб турарди. Керакли одамни керакли позицияга жойлаш – бу маҳорат ва ғалабанинг калити, шу боис Эйзенхауэр жанг майдонидаги қўмондонликни шакллантиришда ўзининг бор таҳлилий кўникмаларини ишга солади. Гарчанд, уруш кетаётган бўлса ҳам Дуайт ўзини қийнаётган саволларга китобдан жавоб изларди. Урушда, ким уруш олиб боришни билса – ўша ютади, деган ибора бор. Тўғри уруш олиб бориш тажриба ва билимлардан келиб чиқади.

⁶ Германия, Япония, Италия ва бошқа тажовузкор давлатларнинг агрессиясига қарши тузилган коалиция вакиллари: АҚШ, Англия, СССР ва қолган бошқа давлатларни Иттифоқчилар термини билан атаймиз.

Шунинг учун ҳам Эйзенхауэр бу вақтда кўп китоб ўқиб, ўқиганларини таҳлил қиларди. У билан бир қаторда Англия Бош вазири У.Черчилль ҳам Германияни енгилда тарихий китобларга мурожаат қилиб немисларни мағлуб этган халқлар ва урушлар тақдирини батафсил ўрганарди⁷.

Уруш сценарийсида катта бурилиш киритишга фақат АҚШнинг имконияти бор эди, чунки Англия ҳам, Совет Иттифоқи ҳам ўз-ўзларининг мудофаалари билан банд эдилар. Шунинг учун АҚШ жорий этган ленд-лиз⁸ давлат дастури ҳамда АҚШ кучларининг Европага ёрдамга келиши нажот кучлари, деб қабул қилинарди ва бу Эйзенхауэр олдида катта масъулият турганлигидан далолат берарди. АҚШ барча ёрдамга тайёр эди, аммо қандай қилиб ва қай томондан қуроли кучларни жойлаштириш лозим эди? Россияга кучларни юбориш имконияти йўқ эди, шунинг учун иккинчи фронт очиш вазифаси қўйилади. Аммо ушбу фронтни Европанинг қайси томонидан очилиши бўйича бир тўхтамга келинмаганди. Саволларга ечим топишда президентга мурожаат қилавериш ҳам яхши эмасди, шунинг учун Эйзенхауэр давлат раҳбарининг яқин ва вафодор маслаҳатчиси Гарри Хопкинс билан иш олиб бора бошлайди. Кўп музокаралардан сўнг, ниҳоят, иккинчи фронтни Инглиз канали орқали Шимолий Франция ҳудудидан очишга қарор қилинади. Бинобарин, Эйзенхауэр шуни тушу-

⁷ Бу ҳақида икки раҳбар ўзларининг китобларида таъкидлаб ўтганлар, хусусан, Черчилль ўз аждоди герцог Мальборо хотираларига юзланади.

⁸ “Ленд-лиз” (Lend Lease) – Иккинчи жаҳон уруш давридаги АҚШ давлат дастури бўлиб, унга кўра иттифоқдош давлатларга моддий ёрдам, техника, озиқ-овқат, дори ва бошқа зарур бўлган хомашё етказиб берилган.

ниб етадики, урушда энг оғири ягона стратегик режа қарорини қабул қилиш ва унга тўлиқ риоя этиш. Чунки айрим кўзда тутилмаган сабабларга кўра, 1942 йилга мўлжалланган иккинчи фронт операцияси кечиктирилади ва бу Дуайтни руслар олдида ноқулай вазиятга солиб қўяди, чунки АҚШ ва Англия Совет Иттифоқига ўша йилиёқ иккинчи фронтни очишни ваъда қилганди. Иккинчи фронтнинг очилиши Германия кучларини икки фронтга бўлиб ташлаб, советларнинг жонига оро кирарди. Аммо бу ҳодисанинг кечиктирилиши берган сўзини ҳар доим бажарувчи Эйзенхауэрга хуш ёқмасди. Баъзида сиёсат туфайли кўп нарсадан воз кечишга тўғри келади, аммо Дуайт ҳарбий киши эди. Унинг учун армия устувор бўлган. Сиёсий ўйинларни ёмон кўрадиган Эйзенхауэр, урушда аскар учун ваъда қанчалик муҳим эканлигини жуда яхши биларди, шунинг учун ҳам у сиёсатни сиёсатчиларга қолдириб, армияни ҳарбийларга тўлиқ топширилиши тарафдори эди. Унинг фикрича, шу ҳолатда ғалаба қозониш сезиларли даражада енгиллашарди.

Эйзенхауэр АҚШ Қуролли кучлари ҳарбий Бош штаби бошлиғи генерал Жорж Маршалл⁹ билан Лондонга сафар уюштиришади. Сафар чоғида генерал Маршалл қаҳрамонимизга, айнан, у Европадаги барча ҳарбий юришларга раҳбар бўлишини айтади. Дуайт бундан бағоятда мамнун эди, чунки Биринчи жаҳон уруши каби фақат штабда қолиб кетмасди,

⁹ Жорж Кэтлетт Маршалл (1880-1959) – АҚШ ҳарбий ва давлат арбоби, армия генерали, АҚШ Қуролли кучлар Бош штаби бошлиғи, турли йилларда АҚШ Давлат Котиби (Ташқи ишлар вазири) ҳамда Мудофаа вазири, “Маршалл режаси” ташаббускори, НАТО ташкилотининг асосчиларидан бири, Нобель мукофоти совриндори (1953й.)

балки жанг майдонида аскарлар ёнида бўлиб, уруш тақдирини ҳал этишда тўғридан-тўғри қарорлар қабул қиларди. Аммо шу билан бир вақтда ушбу мансаб унга улкан масъулият юкини ҳам берарди. Шундай қилиб, қаҳрамонимиз ўзи бутун умр орзу қилган афсонавий генерал бўлишга жуда яқин эди, бунинг учун унда ҳаммаси етарли эди. Энди талаб этиладигани – фақат ғалаба. Бирлашган Англия ва Америка қуролли кучларини шакллантириш ва бошқариш учун Эйзенхауэр Лондонда жўнаб кетади ва инглизлар пойтахти унинг асосий қароргоҳига айланади. Олдинига Бирлашган кучларнинг умумий сони 3 миллион аскарни ташкил қиларди, кейин бу рақам бир неча баробар ошиб кетади. Ушбу улкан қўшин фашизм ва милитаризмга қарши чиққан халқлардан иборат эди. Натижада, қаҳрамонимиз нафақат АҚШ, балки ўнлаб давлатларнинг қўмондонига айланади. У бу кунга жуда кўп тайёргарлик кўрганди: кўп ўқиди ва ўз устида ишлади, шунинг учун ҳам Президент Ф.Рузвельт, Бош вазир У.Черчилль ва бошқа давлат раҳбарлари ҳамда генераллари, айнан, уни шу лавозимга муносиб, деб топишди. Халқаро миқёсдаги бундай улкан қўмондонликни куч билан эгаллаб бўлмайди, унга сазовор бўлишади. Эйзенхауэр ҳам шу даражага кўтарилган санокли саркардалардан бири бўлди. Ёшлигидан севиб ўқиган буюк Наполеон ва Ганнибаллардан-да юқорироқ унвон ҳамда дунё ҳаёт-мамот масаласини ҳал этадиган муҳим тарихий урушда қўмондон бўлиш унга насиб этган экан. Аммо табиатан камтар бўлган Айкни шон-шухрат ва болаликдаги орзулар эмас, балки олдинда турган муаммога ечим топиш ва кўп йўқотишларсиз урушда зафар қучиш қизиқтирарди.

Лавозимга тайинланиб Лондонга келганидан сўнг Эйзенхауэр вазият анча жиддий эканини ва нафақат 1942 йил, балки 1943 йил ҳам иккинчи фронтни очиш мушкул иш эканлигини тушуниб етади. Иккинчи фронтни очиш учун Эйзенхауэрга Инглиз каналини кечиб ўтиш лозим эди, қирғоқлар эса немис флоти, хусусан, икки йирик кемалар “Тирпиц” ва “Бисмарк” томонидан мустаҳкам қўриқланарди. Бундан ташқари, Германиянинг сувости кемалари ҳам бўрилар тўдаси каби тез-тез ва қўққисдан ҳужум қилиб, Иттифоқчиларга катта зарар етказарди. Уларни тўхтатишнинг иложи йўқ экан, охириги усул, ушбу кемаларни ҳаракатга келтирувчи нефть ва Германия ёқилғи манбаларини йўқ қилиш эди. Бу эса, авваламбор, эътиборни Африка ва Ўрта ер денгизи соҳилларига қаратилишини тақозо этарди. Европада жанг олиб бориш қийин экан, демак, стратегик жиҳатдан муҳим бўлган Яқин Шарқни ҳимоя этиш лозим эди. Бунинг учун ўша томон йўл олаётган Шимолий Африкадаги Германия ва Италия кучларини тўхтатиш керак бўларди. Агар ушбу ғаним қўшинлари Миср ҳудудидан Ироқ, Эрон ва Кавказга чиқиб кетса, биринчидан, Россиянинг мағлуб бўлиши ҳақиқатга айлана бошларди, иккинчидан, фашистлар ўзлари муҳтож бўлган битмас-туганмас нефть манбаларини қўлга киритардилар. Булар Англия ва Американи ҳам ютқазиб эҳтимолини ошириб юборарди. Шу мақсадда Эйзенхауэр Шимолий Африка операциясига тайёрланади. Бу ердаги ғалаба юқоридаги таҳдидларнинг олдини олмай, Иттифоқчиларга стратегик муҳим бўлган Ўрта ер денгизи узра назорат имкониятини ҳам тақдим этарди. Бундан ташқари, ушбу ҳудуддаги фашистларнинг мағлубияти уларни

керакли бўлган хомашёдан тўлиқ мосуво қиларди ва бу, ўз навбатида, Иттифоқчиларга стратегик та-шаббусни тақдим этарди. Шуларни инобатга олган ҳолда, Шимолий Африкада режа қилинган “Машъал” деб ном олган ҳарбий операция иттифоқчи кучлар-нинг бош мақсадига айланади.

Эйзенхауэр ушбу ҳарбий операцияга тайёргар-лик вақтида инглиз ва америкалик ҳарбийлардан ягона жамоа қуришга муваффақ бўлади. Биноба-рин, унинг фикрига кўра, ушбу масала унинг учун энг оғири бўлганди. Генерал Ж.Маршалл унга ўз хоҳишига қараб иш тутиши ва ўзи ишонган инсон-ларини жамоасига олишга рухсат берганди. Дуайт ўз ёнида ўша даврдаги энг маҳоратли генераллар-дан ташкил топган кенгашни ҳам шакллантиради. Генераллар Паттон, Александер ва Монтгомерилар шулар қаторида эди. Барча халқлар ҳарбийлари бир бўлиб қаҳрамонимиз қўл остида бирлашгандилар. Ушбу бирлашган армияни ташкил этишда Дуайт Би-ринчи жаҳон уруши тажрибасини яқиндан ўрганиб чиқади. Чунки ўша урушда америкаликлар инглиз ва французлар билан бир таркибда жанг олиб бориш-ганди. Ўшанда Америка Қуролли кучлари қўмондони генерал Першинг ўзининг барча аскарлари ҳамда қурол-яроғини Бирлашган кучлар раҳбари француз маршали Фошга топширганди ва урушда америка-ликлар бошқа давлат маршали йўл-йўриғига биноан ҳаракатланишганди. Энди ҳам вазият шунга ўхшаш эди, фақат маршал Фош ўрнида Эйзенхауэр эди, шу-нинг учун ҳам у Бирлашган кучлар ўртасида тўлиқ на-зорат ўрнатиб, субординация ва тартиб қоидаларига қатъиян риоя этилишини талаб этади. Биринчи жаҳон уруши тажрибасидан Дуайт шу сабоқни чиқарганди

ва бу масала унинг учун уруш якунига қадар асосий талабларидан бири бўлиб қолади. Ўзбошимчалик ҳамда “Мен бошқа давлат армияси вакилиман” деган ҳолатларга зинҳор йўл қўйилмасди, чунки қабул қилинган уставга кўра, Эйзенхауэр барча армиялар кўмондони эди.

Бирлашган кучлар штаби олдинига Шимолий Африканинг Касабланка, Оран ва Жазоир портларини кейинчалик Мисрни ҳимоя қилган ҳолда Тунис, Ливия ва Жазоирни тўлиқ озод этилишини мақсад қилади.

Ҳарбий операцияни амалга ошириш чоғида Дуайт ҳозирги кунда ҳам долзарб бўлган араб-исроил халқларининг қарама-қаршилигига дуч келади. Маълумки, ўша 1942–1943 йилларда Исроил давлатини ташкил этиш тўғрисида режалар бор эди. Ушбу давлатни Фаластин ҳудудига тўғри келишидаги хабар арабларга хуш келмасди. Фашистлар бундан фойдаланиб, арабларни инглиз ва америкаликларга гиж-гижлайди ва ҳар хил иғво чиқаришга ҳаракат қилади. Уларга кўра, генерал Эйзенхауэр яҳудий бўлиб, яҳудийлар давлатининг яҳудий Президенти Рузвельт топшириғи билан араблар ҳудудида яҳудий давлатини барпо этиш учун келган экан. Бу Шимолий Африкадаги арабларни жунбишга келтиради. Сиёсат, иқтисод ва уруш бир бўлиб охири кўринмас муаммога айланиб кетгандай туюла бошлайди. Аммо қаҳрамонимиз уни ҳатто нимада айблашаётганлигини ҳам тўлиқлигача тушунмайди. Чунки келиб чиқиши немис бўлган бу генерални урушда ғалаба қозонишдан бошқа ҳеч нима қизиқтирмасди, у ўша вақтлари сиёсатдан буткул йироқ бўлган бир содда ҳарбий эди. Сиёсий масалаларга чуқурлашмасдан у

ҳозир асосий душман бу фашизм балоси эканлиги ва агар уни тўхтатмаса фашистлар нафақат араблар ва яҳудийларни, балки қолган барча халқларни ҳам қириб ташлаши аниқлигига ишонтиради. Бу ишларда унга Буюк Британия Ташқи ишлар вазири Энтони Иден яқиндан ёрдам беради. Иден форс ва араб тилларини она тили даражасида билиб, ушбу тилларда шеърлар ўқиб араб қиролларини ўзига махлиё этиб қўярди. У ва Эйзенхауэрнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ғала-ғовур ўз ниҳоясига етади ва бирдамлик яна тикланади, аммо Дуайт уруш тугаганидан кейин бу масала глобал муаммога айланиб кетишини ўша вақтлари сезарди. Масаланинг энг қизиқ томони, 1956 йили бўлиб ўтган иккинчи араб-исроил можароси тақдир ҳазили билан, айнан, унинг елкасига тушади. Агар у ушбу муаммо билан вақти келиб ҳарбий эмас, балки катта сиёсатчи сифатида дуч келишини билганида, балки, ўша фронт йиллари бошқачароқ ҳаракат қилиб, можаро газак олиб кетмасдан, унинг олдини олган бўларди.

Эйзенхауэр 1942 йил ишга шунчалик бериладикки, ҳатто соғлиги тўғрисида ҳам қайғурмай қўяди, натижада, йил охирига келиб қаттиқ шамоллаб қолади. Шифокор нақд тўрт кунга қимир этмасликни талаб этади. Ўша тўрт кун ичида Айк соғликни тиклаш жараёнида бундан буюғига касал бўлишга ҳаққи йўқ эканлиги ва соғлигини асрашга мажбурлигини тушуниб этади. Чунки унинг иш жойида бўлиши ва қарорларни ўз вақтида қабул қилиши миллионлаб инсонларнинг тақдирига бевосита ва билвосита боғлиқ эди.

Оёққа қайта туриш жараёнида унинг ёрдамчисига айланган сержант Маккео кечаю кундуз хиз-

матда эди. Онасининг “Агар генерал уйга тирик қайтмаса, сен ҳам уйга қайтма” сўзлари унинг доимо ёдида эди, шунинг учун ҳам у генералга сидқидилдан, вафодорлик билан хизмат қиларди. Урушдан кейинги йиллари бу икки шоввоз тўғрисида афсоналар тарқаб, улар ҳақида ёзилган китоблар бестселлер бўлиб кетади. Сержантдан ташқари Кей Саммерсбай исмли хоним ҳам унинг хизматида эди. Кей Дуайтнинг шахсий котибаси бўлиб қолмай, ҳайдовчи вазифасини ҳам бажарарди. Сержант Мак-кео ва бошқа садоқатли ҳарбийлар ҳақида гап кетганида қахрамонимиз урушдаги вафодорлик ҳиссини кўп таъкидлаб, уни ғалабадаги энг муҳим омил сифатида кўрсатарди.

Шимолий Африкадаги тўқнашувларда 8-армия қўмондони фельдмаршал Монтгомери (Монти) алоҳида ташаббус кўрсатади. Ушбу инглиз ҳарбийси бир вақтнинг ўзида Эйзенхауэрнинг ҳам дўсти, ҳам ўринбосари эди. Унинг армияси америкалик, инглиз, француз, поляк, янги зеландиялик, чех, австралиялик, жанубий африкалик ва ҳиндистонлик гуркх аскарларидан иборат эди. Бундай кўпмиллатли армия ушбу ҳудудда охири бор Қадимги Карфаген саркардаси Ганнибал қўшинида римликларга қарши жанг қилишганди. Мана орадан икки минг йилдан зиёд вақт ўтиб бирлашган халқлар кучлари ягона рақибга қарши яна уруш олиб боришаётганди.

Бернард Монтгомери Буюк Британия кучлари қўмондони эди. Ушбу тарихий шахс 1941 йили фашист-газандалари уюштирган авиа зарбалар натижасида аёлидан маҳрум бўлганди. Душманда қасди бор генерал ёлғиз қолиб, ғанимни енгиш режаларини соатлар мобайнида тузарди. Унинг

рақиби немисларнинг шарафли генерали Эрвин Роммель эди. Роммель ўзини 1940 йилги юришларда намоён этганди. Унинг таҳлилий зехни туфайли немис танклари қисқа муддат ичида Франция мудофаасини яксон этади. Шундан сўнг, у Гитлернинг ишонган генераллари сафига қўшилади. Роммель, ҳақиқатдан ҳам, даҳо эди, у оддий автомобилларни танк макетлари билан жиҳозлаб рақибларни қўрқувда сақларди. Танклар сонини кўрган инглизлар урушга киришишга ҳам иккиланарди. Бутун инглиз армиясида Роммель исми оммавий саросима кўтарилишига сабабчи бўларди. Ҳатто Британия Бош вазири Уинстон Черчилль ҳам ўзининг “Иккинчи жаҳон уруши” мемуар асарида Роммельга “буюк генерал” дея таъриф беради.

Роммель Қоҳира ва Яқин Шарқ орқали Кавказ ва Озарбайжон ҳудудларига чиқиб кетиши лозим эди. Чунки шарқий фронтда Германия ўз нигоҳини Москвага эмас, балки Сталинград ва унинг ортида жойлашган битмас-туганмас Баку совет нефть базаларига қаратганди. Урушни давом эттириш учун ёқилғи сув ва ҳаводек зарур эди. Бу галги урушда масалани техника ҳал этарди, у эса ёқилғисиз жонсиз эди. Шунинг учун ҳам асосий эътибор нефть базаларига қаратилади. Совет Иттифоқининг ушбу ҳудудларига икки томондан зарба бериб, Гитлер урушни тўлиқ ўз ҳисобига ҳал этишни режа қилганди. Шунинг учун ҳам Монтгомерининг вазифаси улкан эди. Нега деганда, шарқий фронтдаги Сталинград жангида советлар зўрға немисларни ушлаб туришганди, агар жанубдан Роммель армияси ҳам етиб борса, уруш тақдири умуман бошқача тус оларди. Монтгомери ўз ёнида Роммельнинг автопортретини олиб юрарди

ва ҳар сафар унга нигоҳ ташлаб, рақибни замонанинг афсонаси эканлигини, демак, уни ютиш учун керагидан кўп меҳнат қилиш лозимлигини тушунарди. Бунинг устига, немис танклари ҳам инглизларникига қараганда анча кучлироқ эди. Аммо Монти тажрибали артиллериячи эди. Ҳаёти давомида у машҳур саркарда Наполеоннинг “Тўплар инсонларни ўлдиради”, деган сўзларига амал қиларди ва фаолиятида ҳам артиллерияни мукамал даражада ишлата биларди. Бошқа генералларга қараганда унинг устунлиги, айнан, шунда эди.

Роммель шу вақтгача енгилмаганди, аммо Монти ҳам ҳали бирон жангни бой бермаганди. Бу икки генерал 1943 йили Ал-Аламайнда тўқнаш келдилар ва унда Эйзенхауэр бошчилик қилаётган Монтгомери қўшини ғалабага эришади. Бирлашган кучлар ёвга шундай зарба беришадики, фашистларнинг барча “афсонавий”, “енгилмас”, деб ном олган армияси мағлубиятга учрайди. Фашист генерали Роммель эса қўрқоқларча қочиб қолади. Агар шарқий фронтда Сталинград ва Курск тарихий жанглари урушда бурилиш ясаган бўлса, Америка-инглиз frontiда Ал-Аламайн ҳам шундай ўрин касб этади. Чунки шундан сўнг фашистлар эгаллаб турган позицияларини бирин-кетин йўқотиб, бутун урушни бой бера бошлайдилар. Шу ҳақида Черчиллнинг “Ал-Аламайнгача биронта ғалабага эришмагандик, Ал-Аламайндан кейин эса биронта мағлубиятга юз тутмадик” деган сўзларидан иқтибос келтиришимиз ҳам мумкин. Мана шу жангларда, рақибни хатти-ҳаракатларидан хабар бериш бўйича масъул разведка органларининг ишлари ҳамда Роммель қўшинига бензинни таъминловчи кемаларни авиация томонидан ғарқ қилиниши Эйзенхауэрнинг

ғалабасида асосий ўринни эгаллайди. Тўғри, Роммель “танк қўшинлари устаси”, деб ном чиқарганди, аммо унинг танклари ёқилғисиз шунчаки темир-терсаққа айланганди. Рақибни ёқилғисиз фалажлантирган Бирлашган кучлар ғалабага эришадилар.

Шимолий Африкадан сўнг уруш Ўрта ер денгизига кўчади. Иттифоқчилар тез орада муҳим бўлган Корсика, Сардиния ва Сицилия ороллари овоз этиб Италиянинг жанубий ҳудудларига зарба беришади. Италия ҳам фашист давлати бўлиб, бу ерда Бенито Муссолини диктатураси ўрнатилганди. Аммо Муссолинининг ҳам куни қисқа қолганди, бироз вақт ўтгач унинг ҳокимияти ағдарилади, давлат тепасига қари фельдмаршал Бадальо кўтарилади. Ҳибсга тушган Муссолинини овоз этишга Гитлер СС хизмати диверсанти Отто Скорценини юборади. Скорцени бир гуруҳ десантчилар билан дучени¹⁰ эсон-омон олиб қочиб кетишга муваффақ бўлади. Ушбу диверсия ҳозир ҳам Иккинчи жаҳон урушидаги энг мукаммал операциялардан бири сифатида эътироф этилади. Бироз вақт ўтиб немислар ёрдамида Муссолини Италия шимолида Сало Республикасини тузади. Лекин бу давлат ҳам узоқ яшамайди.

Ўрта ер денгизи керакли стратегик ҳудуд ҳисобланарди, унинг назорати орқали фашистларнинг юрагига зарба бериш имконияти туғиларди. Энди АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари немисларнинг асосий ёқилғи манбаига айланган Руминиядаги Плоешти нефть конларини нишонга олиб, душман техникасини ҳаракатсизлантиришга интиларди. Маълумки, Германия ўз ёқилғи захираларини сунъийлаштирган-

¹⁰ Дуче – “дохий, лидер” маъноларига эга. Италия раҳбари Бенито Муссолинининг расмий унвони.

ди. Бунда “ИГ Фарбен” компаниясининг синтетик ёқилғи махсулотлари асосий манба сифатида қабул қилинганди. Бинобарин, Германиянинг 50 фоиздан кўп ҳарбий техникаси табиий нефть манбаларига боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам эгалланган ҳудудларнинг барча нефть конлари назорат остига олинганди.

Душманнинг нефть базаларини йўқ қилиш бўйича ҳаво рейдларида АҚШ 101-десант дивизияси ҳамда унинг генерали Максвелл Тейлор алоҳида жонбозлик кўрсатади. Натижасида, 101-дивизиянинг обрўси юқорилаб кетади ва улар Америкада Иккинчи жаҳон уруши ғолиблари рамзига айланади. Генерал Максвелл Тейлор ҳам орадан анча вақт ўтиб Олий Бош қўмондондан кейин турувчи АҚШдаги энг юқори ҳарбий амал Бирлашган штаблар бошлиқлари қўмитаси раиси даражасига кўтарилади¹¹ ва 1962 йилги машҳур Кариб инқироzi ҳал этилишида ўз хиссасини қўшади.

Уруш сценарийси Европага кўчар экан Иттифоқчилар раҳбарларининг биргаликдаги конференциялари сони ҳам ортади. Шунинг учун 1943 йил январь ойида Касабланкада ва ноябрь ойида Қоҳирада АҚШ Президенти Франклин Рузвельт ва Буюк Британия Бош вазири Уинстон Черчилль ўртасида йиғилишлар ташкиллаштирилади. Йиғилиш тўлиқлигача АҚШ Махфий хизмати¹² органлари назорати остида ўтади. Бу ҳақида

¹¹ АҚШда ушбу соҳада яна бир муҳим бўлган Мудофаа вазири вазифасини ҳарбий бўлмаган шахслар бажарадилар.

¹² АҚШ Махфий хизмати (United States Secret Service / USSS) – АҚШ Ички хавфсизлик вазирлиги таркибидаги федерал агентлик бўлиб, пул сохталаштиришнинг олдини олиш ҳамда президент, вице-президент, дипломатлар, президентликка номзодлар ва уларнинг оила аъзолари хавфсизлигини таъминлаш билан шуғулланади.

Дуайт Эйзенхауэр ўзининг мемуарларида батафсил маълумот бериб ўтган. Ушбу конференцияларда келаси ҳарбий жараёнлар билан бир қаторда, “Оверлорд” деб ном олган иккинчи фронт очиш операциясига ким раҳбарлик қилиши масаласи ҳам кўриб чиқилади. Тўғри, Эйзенхауэр Бирлашган кучлар қўмондони эди, аммо “Оверлорд”ни Вашингтондагилар АҚШ ҳарбий Бош штаби бошлиғи генерал Жорж Маршаллга топширишмоқчи эди. Генерал Маршаллнинг вазифаси кўп эди, уруш нафақат Африка ва Европада, балки Тинч океанида Японияга қарши ҳам кечаётганди. Ўша фронтда барча ишларни генерал Макартур ўз зиммасига олганди. Генерал Маршаллнинг вазифаси эса АҚШ олиб бораётган барча жанглари, барча фронт ишларини ва генералларнинг фаолиятини назорат ҳамда координация қилишдан иборат эди. Бошқача қилиб айтганда, АҚШда энг катта пидея қўшинлари генерали, айнан, у эди ва барча ишлар унинг рухсати билан кучга кирарди. Эйзенхауэр ва Макартур барча шон-шухратни қўлга киритаётган вақт, баъзи бир сиёсатчи ва ҳарбийлар Маршаллни ҳам четда қолиб кетмаслигини истарди, чунки АҚШнинг барча ғалабаларида унинг ҳам хиссаси Эйзенхауэр ва Макартурдан кам эмасди. Аммо фронтда бўлмаганлиги сабабли армия ва жаҳонда унинг исми сояда қолиб кетаётганди. Катта аҳамиятга эга бўлган иккинчи фронт операциясига раҳбарлик қилиш унга тарихий шухратни олиб берарди. Вашингтонликларнинг бу таклифига Лондонликлар ҳам қарши эмаслигини билдиради.

Президент Рузвельт Эйзенхауэрни ёнига чақириб вазиятни тўғри тушунтиришга ҳаракат қилади. Чунки “Оверлорд” операцияси Дуайт томонидан иш-

лаб чиқилаётгани ва аввал бошидан у ушбу жангда аскарларни етаклаши керак эди. Рузвельт унга “Сиз билан мен Фуқаролар урушида¹³ ким штаб бошлиғи бўлганлигини яхши биламиз, аммо жуда камчилик америкаликлар ва хорижликлар бу ҳақида маълумотга эга” деб айтади. Ҳақиқатдан ҳам, Фуқаролар урушидаги қаҳрамонлар ичида ҳамма генерал Улисс Грантни билади. Чунки У.Грант штабда эмас, фронтда аскарлар ёнида жанг олиб боргани. Кейинчалик ҳам Грантнинг обрўси ошиб АҚШ президентлик сайловларида қатнашиб, ютиб ҳам чиқади. Штабда барча ишларни йўналтириб турган қаҳрамонларни эса ҳеч ким эсламайди. Шунинг учун ҳам, генерал Маршаллнинг фронтда иштироки муҳим эди. Аммо бироз вақтдан сўнг Рузвельт Дуайтга қараб “Ғалабага яқин бўлган жамоада ўзгаришлар қилиш хатарли”, деган маъноли гаплар билан Маршаллни эмас, балки унинг бу тарихий жангда раҳбарлик қилишини истаётганлигини ифодалайди. Янги қўмондон армияда ўзининг қоидаларини жорий этарди, бу эса уруш ўртасида ортиқча эди. Қаҳрамонимиз истеъдод бобида ҳеч бировдан кам эмасди, “Оверлорд” эса ушбу истеъдоднинг маҳсули эди. У ҳам Макартур ва Маршалл каби армия генерали лавозимида эди. Демак, бундан келиб чиқадикки, у бу ҳарбий юришда қўмондонлик лавозимига ҳаммадан кўпроқ лойиқ эди. Президентнинг гапларига Дуайт ҳақиқий ҳарбий киши сифатида камтарона “Давлат қай ерда мени ишлатишни лозим топса, ўша жойда садоқат билан хизмат қиламан”, дея жавоб қайтаради. Ушбу сўзлардан генерални ҳеч қандай

¹³ Гап 1861-1865 йилларда АҚШда кечган Фуқаролар уруши ҳақида кетмоқда.

шон-шуҳрат қизиқтирмаслиги ва унинг мақсади сидқидилдан ватанга хизмат қилиш бўлганини тушунишимиз мумкин.

Операцияга раҳбар этиб тайинлангандан сўнг Дуайт ўз жамоаси билан ҳужум режасини янада мукамаллаштира бошлади. Бунда унга генераллар Омар Брэдли, Карл Спаатс, Артур Теддер, Бернард Монтгомери, Бертрам Рэмсей ва Жорж Паттонлар яқиндан қўмаклашадилар. Айниқса, генерал Паттон кўпинча Дуайтнинг штабида қолиб эрталабгача уруш масалаларини муҳокама этиб чиқарди. Германиянинг тормор этилишида генераллар унинг саноат маркази Рур ва Саар ҳудудларини ишдан чиқариш тўғрисида бош қотиришарди, чунки табиий бойликларга эга бўлган бу ҳудуд немис машинасининг асосий “мото-ри” ҳисобланарди. Ушбу ҳудудларни авиация орқали бомбардимон қилиш немисларнинг ҳарбий техникасини фалажлантирарди. Бундан ташқари, Германиянинг синтетик ёқилғи ишлаб чиқариш заводлари ҳамда унинг иттифоқчиси Руминия ҳудудидаги Плоешти нефть базаларини йўқ қилиш асосий режалар қаторида эди. Бунинг учун ҳам авиация, ҳам диверсант гуруҳлардан кенг фойдаланиш кўзда тутилганди. Биринчи жаҳон уруши тажрибаси ушбу муҳим бўлган махсус диверсант-жангчи гуруҳларни ишга туширишни тақозо этганди. Бинобарин, мудофаа ишларига генерал Роммель жалб этилганлиги сергакликни янада оширарди. Натижада, Роммель билан жанг қилишни биладиган генерал Монтгомери барча масъулиятни ўз зиммасига олишга қарор қилади.

Қоҳира конференциясидан кейин дарҳол Техронга учган Рузвельт ва Черчилль Совет давлати раҳбари

Иосиф Сталин билан ҳам келгуси юришларни аниқлаштириб олишади. Ушбу Техрон конференциясида дўстона алоқалар ўз чўққисига етади ва бир қатор режалар ишлаб чиқилади. Улар ичида Сталинга америка-инглиз қўшинлари 1944 йилнинг май ойида иккинчи фронт очилиши ваъда қилиниши муҳим эди. Чунки май ойига келиб ҳаво исиб, соҳилни эгаллаш жараёни осонлашарди. Ҳарбий ҳужум вақтида географик омиллар ва об-ҳавонинг ўрни жуда муҳим, шунинг учун ҳам тажрибали генераллар уларни эътиборга олган ҳолда ҳаракатланишни жоиз деб топади. Биргина май ойининг келиши минглаб аскарларнинг жонини сақлаб қоларди, бу эса ҳаммасидан устувор эди. Уруш уруш билан, аммо одамийлик доимо биринчи ўринда бўлган, нега деганда, ушбу уруш ҳам, айнан, одамийликни сақлаб қолиш учун кечаётганди.

Конференциялар Иттифоқчиларни янада жипс-лаштиради. Уч раҳбарнинг шахсий дўстлиги халқлар равнақи ва энг муҳим бўлган ғалабага беқиёс замин яратади. Франклин Рузвельт ўз нутқида “Дўст орттиришнинг ягона усули – ўзинг ўзгага шундай бўлишингда” дея иқтибос келтириб, ўртадаги алоқаларни янада илиқлаштиради ва Гитлер билан кеча Шарқий Европани бўлиб олган диктатор қисқа муддатда америкаликлар нигоҳида “Жо амаки”¹⁴га айланиб қолади. Ҳар ҳолда, Рузвельт шундай ўйларди.

Шунга қарамасдан, баъзи омиллар уларнинг бирдамлигига раҳна соларди. Хусусан, 1939 йил Совет Иттифоқи Польшага кириб 15 мингга яқин

¹⁴ Иттифоқчилар ўртасида бўлиб ўтган конференцияларда Сталин ғарбликлар томонидан шундай эътироф этиларди.

ҳарбийларни асир олганди ва кейинчалик улар давлатнинг хавфсизлик органлари орқали Катинь ўрмонида қатл этилади. Германия Совет Иттифоқига кириши билан, советлар билан поляклар яна дўст бўлишади, чунки уларнинг ягона душмани бор эди. Бинобарин, Лондондаги Польша муваққат ҳукумати Совет Иттифоқига даъво билан чиқади, аммо Черчилль “ҳозир барчамизнинг рақибимиз – бу Гитлер”, дея орани совутишга уринади¹⁵. Бундан ташқари, Ҳиндистонда авж олган Моҳандас Гандининг озодликка бўлган ҳаракати британияликлар учун бемаврид эди. Чунки айни дамда эътиборни империяни тиклаб туриш эмас, балки унинг жонини немис-фашистлари ва япон-милитаристларидан асраб қолиш муҳимроқ эди. Ҳиндистондаги воқеалар эса Британия империясининг ичидан емирилишига олиб келарди. Гандини фикридан қайтаролмаган Черчилль Хитой раҳбариятига мурожаат қилади. Японларга қарши жанг олиб бораётган генералиссимус Чан Кайши ва унинг рафиқаси Сун Мэйлин Гандига вазият қанчалик оғир эканлигини ва ҳозир бутун дунёдаги тинчликни асраб туриш учун бирдамлик нақадар муҳимлигини тушунтирадилар. Натижада, ҳинд сардори охир-оқибат муросага келади.

Иттифоқчи кучлар зудлик билан Германияга ҳужум қилиши лозим эди. Разведка маълумотларига кўра, Германия ўзининг биологик ва атом бомба лойиҳасини аллақачон бошлаб юбориб, тез орада улардан фойдаланиш имкониятига эга бўларди. Ушбу махфий ва суперянги қуруллар ҳали тайёр бўлмасидан уларни зарар-

¹⁵ 1990 йили Совет ҳукумати ушбу содир этилган жиноят учун Польша халқидан узор сўраган.

лантириш шарт эди, акс ҳолда уруш тақдири умуман бошқача якун топарди.

Қачон ва қай томондан ҳужум қилиш мақсадга мувофиқ бўлиши ҳамда кам йўқотишлар билан рақибни енгиш тўғрисида генераллар баҳслашардилар. Эйзенхауэр ҳам бу ҳақида ёлғиз қолиб кўп фикрлар ва ҳар бир қадамни қайта-қайта кўриб чиқарди. Чунки у қабул қилган қарор миллионлаб инсонларнинг ҳаётини ё асраб қоларди, ё нобуд қиларди.

“Оверлорд” операцияси 1944 йил 6 июнда бошланади. Бирлашган кучлар Шимолий Франция, чунончи, Нормандия қирғоқларини ўққа тутиб соҳилга десант ташлайдилар. Олдинига флот артиллерияси ва самолётлар орқали немисларнинг муҳофаа тизими палапартиш ҳолатга келтирилган бўлса, кейинчалик пиёда аскарлар қирғоқни забт этишади. Америкаликлар ушбу тарихий миссияни бажараётган бир вақт, немислар ўзларининг махфий қуролларида фойдалана бошлайди. Чунончи, “Фау-1” ва “Фау-2” қуроллари эди.

“Фау-1” кичик учувчисиз самолёт бўлиб, рақиб нишонларига зарба берарди. Улар бемалол Германиядан туриб Лондонни мўлжалга олиб, кўрқинчли баланд овози билан инглизларда ваҳима уйғотарди. Август ойдан “Фау-2” инновацион супер қурол ишга тушарди. Бу илк баллистик ракета эди. Унинг асосчиси буюк ихтирочи Вернер фон Браун бўлиб, у ёшлигидан фазога учадиган ракета яратишни орзу қиларди¹⁶. Браунга бу қуролни яратиш унчалик ҳам қийин кечмайди ва

¹⁶ Вернер фон Браун (1912-1977) – атоқли физик-олим, космонавтиканинг асосчиларидан бири. Фашист Германиясининг мағлубиятидан сўнг ўз фаолиятини АҚШда НАСА ташкилотига давом эттириб, фазо кемаларини космосга чиқаришга муваффақ бўлади ва ўз орзусига эришади. АҚШда уни “Америка космонавтика отаси” деб билишади.

унинг маҳсули III рейхнинг¹⁷ яширин нажот қуролига айланади. Гитлер ҳам барча эътиборни шунга қаратиб, асосий молия ресурсларини атом бомбасидан “Фау-2” қуролларига қаратади. Чунки атом бомбасига зарур бўлган уран захираси Германияда айтарли қолмаганди, керакли миқдордагисини олиб келиш имконияти йўқ эди, чунки давлат ҳар томонлама Иттифоқчи кучлар билан ўраб олинганди.

Германия “Фау-2” қуролларини Норвегия ҳамда ўз худудларидан ишга солиб, Буюк Британия шаҳарларини яксон қилиб, оддий аҳоли кўнглига ғулғула соларди. Ушбу кўрқинчли “Фау-2” қуроли учган вақти на кўринар, на эшитиларди. Ҳар қандай об-ҳаво шароитлари ва куннинг исталган вақти уларнинг ҳужумини кутса бўларди. Уларни самолётлар каби парвоз вақти йўқ қилишнинг иложи мушкул бўлганлиги сабабли, Эйзенхауэр бу қуролларни ҳали осмонга кўтарилмасдан, ерда вақти йўқ қилиш механизминини ишлаб чиқади ва Америка ҳамда инглиз Қироллик авиациясига ушбу қуролларни йўқ қилиш вазифасини беради.

Генерал Эйзенхауэр ҳарбий раҳбар кадр сифатида уч омилга алоҳида эътибор қаратарди – булар тактика, логистика ва жанговар руҳ эди. Жанговар тайёргарлик, жисмоний ҳозирлик, лидерлик хусусиятлари, ҳамда тўғри жанг стратегиясинини ташкил этарди. Буларсиз аскар ва армияни тасаввур этиб бўлмайди. Логистикага қурол-аслаҳа, ҳарбий техника, ҳаракатланиш

¹⁷ Адольф Гитлер давлат тепасига келгач ўз давлатинини III рейх деб номлайди. Уларнинг фикрига кўра, Биринчи рейхга, яъни биринчи немис давлатига, Буюк Карл асос солганди ва бу Муқаддас Рим империяси эди. Иккинчи рейх Германия империяси бўлиб, унга Отто фон Бисмарк тамал тошини қўйганди. Учинчи немис давлати – бу фашистлар ҳукумати бўлиб, унга ушбу III рейх расмий номи берилганди.

учун транспорт воситалари, озиқ-овқат, кийим-кечак ва керакли бошқа анжомлар киради. Ушбу логистика маҳсулотларининг танқислиги ҳам урушга бевосита таъсир ўтказади. Бинобарин, ушбу тактика ва логистика билан бир қаторда Эйзенхауэр жанговар руҳни ҳам кўрсатиб ўтади. Унга кўра, ушбу руҳ ватанпарварлик, ўзига бўлган ишонч, ўз фикрига эга бўлиш, қатъийлик, ота-она, дўст-биродар ва яқинларга бўлган муҳаббат ва маънавий омиллар орқали шаклланарди. Чунки қорни тўқ, тиш-тирноғигача қуролланган аскар жанговар руҳсиз бир қўрқоққа айланади қолади. Аммо ватан учун куйиб яшайдиган азаматлар ғанимга қарши бўш қўллар билан бориб ғалаба қозонганига тарих кўп гувоҳ бўлган. Ахлоқий ва умуминсоний қадриятларга бепишанд бўлган аскар осонликча ёв томонга ўтиб кетиш эҳтимоли катта. Шу боисдан ҳам учинчи омил ҳар замонда, ҳар давлат қўшинларида ўз ўрнига эга бўлиб келган. Жисмоний тайёргарлик ва ҳарбий қурол қанчалик муҳим бўлса, жанговар руҳ ҳам армияда шунчалар зарурдир. Бундан ташқари, у вақт омилини ҳам алоҳида эътироф этади. Ўз вақтида амалга оширилган ҳарбий операция миллион кишилиқ қўшиндан ҳам баъзида устун келиши мумкин. Шунинг учун ҳам генерал, авваламбор, стратег бўлиши лозим, яъни мукамал режа тузиб ҳарбий кучни ҳамда вақтни тўғри тақсимлаш ва танлаш кўникмасига эга бўлиши керак. Қаҳрамонимиз ҳам ушбу тарихий урушда юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ҳаракатланади. Унинг келажақдаги муваффақияти ушбу омиллар бажарилишининг таъминланишидадир.

Ўша вақтлари генерал тонг соат 6да уйғонарди ва унинг иш куни 12 соат давом этарди. Уйқуга одатда ярим кечаси ётарди, аммо унинг уйқуси кўпинча

4-5 соат давом этарди. Кечки вақт, албатта, ковбойлар ҳақида бадиий асарлар ўқирди, чунки китоб ўқиш пайтида у барча уруш муаммоларини унутиб китоб қаҳрамонлари ҳаёти билан яшай бошларди. Сешанба кунлари у Бош вазир Уинстон Черчилль меҳмони бўларди ва у билан биргаликда уруш стратегиясини таҳлил қиларди. Генерал ўша вақтлари ҳеч ҳам спиртли ичимликларни истеъмол қилмасди, аммо тамакини инкор этолмасди. Босим кучли бўлган кунлари унга икки қутидан зиёд сигарет ҳеч гап эмасди.

Иккинчи фронт очилганидан сўнг бир ой ичида Эйзенхауэр 1 миллиондан ортиқ аскарларни Нормандияга жойлаштиришга муваффақ бўлади. Аммо бу бошланиши эди, асосий кучлар ҳали ўз вақтларини кутиб туришганди. Бундай кўпмиллионли армияни бошқаришда Эйзенхауэр ўз қаҳрамони Наполеондан ўрганганларидан фойдаланарди, яъни асосий вақтини жанг майдонида ўтказиб, ё у, ё бу казармада аскарлар билан бирга бўларди. Генерални ҳам ўз ёнида кўрган аскарларнинг, албатта, жанговар руҳи янада ошарди.

Буларга қарамасдан, унинг раҳбарлигига раҳна солувчи баъзи бир омиллар ҳам чиқиб қолганди. Улардан бири Буюк Британия Бош вазири Уинстон Черчилль эди. Черчилль Нормандиядаги иккинчи фронтни кўллаб-қувватламас, у фронтни Болқон ярим оролига кўчириш тарафдори эди. Ўз фикрларини Совет давлати раҳбари Сталинга тимсоҳнинг расмини чизиш орқали тушунтиради. Агар Германия кўрқинчли махлуқ бўлса, унинг юмшоқ биқини, яъни Болқондан зарба беришни таклиф этади. Аммо Сталин буни инкор этади. Жаҳли чиққан Черчилль Эйзенхауэрдан бу режани қатъиян талаб эта бошлайди. Дуайт тушунадики, Черчилль бу-

ларни урушдан кейинги сиёсий ҳолатни ўйлаган ҳолда амалга оширмакда эди. Чунки Шарқ томондан Совет армияси шахдам-шахдам қадамлар билан немисларни мағлуб этиб келаётганди. Уларга шундай қўйиб берса, бемалол Берлин ва ундан нари Парижгача борардилар. Ҳозир иттифоқчи бўлган АҚШ, Англия ва Совет Иттифоқи, табиийки, урушдан сўнг асосий рақибларга айланарди. СССРга бунчалик катта ҳудудларни бериб бўлмасди, бу катта геосиёсий хатолик эди. Шунинг учун Черчилль ҳозирдан келажак ғамини ерди. Аммо Эйзенхауэр оддий ҳарбий киши эди, унинг учун бу аҳмоқлик бўлиб туйиларди. Тўғри, у ҳарбий стратегияга сиёсат аралашини яхши биларди, аммо сиёсатни, деб ҳарбий хатоликка йўл қўёлмасди. Шарқда Қизил армия шундоқ ҳам ғалаба қозониб, душманни қийин аҳволга солаётганди. Бунинг устига, Болқонда янги фронт очилиши қурбонлар сонини, молиявий харажатларни ошириб, уруш якунини янада узоқлаштирарди. Кам йўқотишлар билан урушни энг қисқа вақтларда якунлашнинг мақбул йўли – бу Нормандия орқали ҳаракатланиш эди. Ушбу омилларни инобатга олиб, Эйзенхауэр Черчиллга рад жавобини беради ва агар унда маълум бир муаммо бўлса, Президент Рузвельтга мурожаат қилишини айтади. Чунки Эйзенхауэр бундай сиёсий масалаларни, деб аскарлардан воз кечмасди. Қахрамонимизга ҳар бир аскар жони шунчалик муҳим эдики, улар учун катта давлат раҳбарларига ҳам қарши туриб, ўз сўзини айтарди. Эйзенхауэр олдига қўйган вазифасининг устидан чиқади ва Черчиллни тақдирга тан беришга мажбур қилади. Бинобарин, орадан яна озгина вақт ўтиб ушбу ҳарбий жиҳатдан (Дуайт учун) тўғри бўлган, аммо сиёсий томондан кечириб бўлмас хатолик унинг ўз елкасига тушади. Лўнда қилиб айт-

ганда, сиёсатчи Эйзенхауэр ҳарбий Эйзенхауэрнинг экканини ўради. Урушдан кейинги Совет давлати Шарқий Европадан муҳим стратегик ҳудуд сифатида фойдаланиб, АҚШни бирмунча мушкулликларга солиб қўяди, бинобарин, ўша вақти тўғри қарор қабул қилганлигидан Дуайт, барибир, афсус қилмасди.

Фельдмаршал Монтгомери ҳам, гарчи, Англия ҳарбийси бўлса-да, ўз раҳбари Черчиллга қўшилмасдан, Дуайтни қўллаб-қувватлайди. Нега деганда, у ҳам қаҳрамонимиз каби сиёсатдан нари бўлган ҳақиқий ҳарбий киши эди. Бу икки довжорак баҳодир учун аскар ҳаёти барчасидан устун эди, сиёсат эса ўз йўлига. Вақт ўтиб Черчиллнинг ўзи ҳам иккинчи фронт Нормандияда очилиши тўғри эканлигини тан олади ва бу режани олдга суради.

Нормандиядаги Бирлашган кучлар қўшини тез орада бирин-кетин ғалаба қозона бошлайди. Бутун Европа пани забт этган рейх борган сари ўз давлати ҳудудига чекиниб Германия мудофаасига эътибор қаратади. Шу вақт Эйзенхауэрнинг қўл остидаги генераллар ўртасида ғанимни биринчи бўлиб мағлуб этиш ва бор шухратни ўзига олиш учун рақобат бошланади. Генераллар Дуайтдан Германиянинг пойтахти Берлинга зудлик билан зарба бериб, уруш тақдирини узил-кесил ҳал этиш тарафдори эканликларини билдиради. Аслида эса улар уруш якуни эмас, балки шошма-шошарлик билан ҳарбий шухратни истарди. Бутун умр ҳарбий бўлган Дуайт бундай хом хаёлларга учмайди. Ҳатто яқин дўсти генерал Паттон келганида ҳам, унга “йўқ” дейди. Унинг учун уруш ҳар қандай шухратдан йироқ эди, нимадир инсон қони тўкилишига олиб келса, у нарсада заррача ҳам буюклик йўқ эди. Эйзенхауэр немислар ҳали кучли ва агар америкаликлар Германия ҳудудига кирса,

мағлуб бўлмай қолмай, ҳатто бутун “Оверлорд” иккинчи фронт режасини ҳам чиппакка чиқариши мумкин, деб ҳисобларди. Шунинг учун ҳам у ҳали Бенилюкс давлатлари¹⁸ ҳамда Франциянинг озодлиги учун уруш олиб боришни таклиф этади. Қўшни давлатлардаги уруш Германияни ушбу ҳудудларни ҳимоя қилишга эътибор қаратиб, етарли даражада уларни ҳолдан тойдирарди. Бунинг устига, Шарқда Қизил армия немисларни чекинишга мажбур қилаётганди. Агар ҳаммаси режадагидек кетса, бироз вақт ўтиб рейхнинг енгилиши анча осонлашарди.

Бинобарин, генераллар баъзида қўмондоннинг бу қарорини тушунмасдилар. Ўзбошимча генераллар ўз билгани билан иш тутиб кетмаслиги учун Дуайт логистикадан фойдаланади. Бирлашган кучлар қўмондони бўлганлиги туфайли барча логистик маҳсулотлар унинг назорати остида эди. Шунинг учун ҳам у танк, самолёт ва бошқа транспорт воситаларига керакли бўлган нефтни ўзининг режаси бўйича ҳаракатланаётган армияларга тақсимлайди. Қолганлари эса нефтсиз ҳаракатга келолмай Эйзенхауэр қачон деса, ўша айтилган вақтни кутади. Шу усулда генерал қўл остидагиларга ким аслида қўшин командири эканлигини кўрсатиб қўяди ва урушни қатъийлик ҳамда ўзи тўғри деб билган йўл билан давом эттиради. Эйзенхауэр шошма-шошарликни ўзига ёт деб билар ва “фақат хотиржамлик барқарор ҳомиятни беради”, деган олтин сўзларга риоя қилар эди. Генераллар ва давлат раҳбарлари саросимага тушиб ваҳима қилса, у осойишталик билан ўз ўйлаган режаларини амалга оширарди.

У танлаган йўл рост бўлиб чиқиб Бирлашган куч-

¹⁸ Нидерландия, Бельгия ва Люксембург давлатларини шундай аташади.

лар Бенилюск давлатлари ва Франция пойтахти Парижни 1944 йилнинг 25 августига келиб озод этишади. Бу вақтга келиб французларнинг раҳбарига айланган генерал де Голль Муваққат ҳукумат тuzиб унга раҳбарлик қила бошлайди. Париж озод қилинган куни де Голль томонидан сўзланган “Париж! Хўрланган, жароҳатланган, таҳқирланган, аммо озод Париж! Ўз эркига ўз кучи билан эришган Париж...” маънодаги нутқи французларни ушбу генерал атрофида жипслаштиради. Бинобарин, унинг ҳаракатларида ўта миллийлик кайфияти ҳукм сураётганлиги айрим ғарбий иттифоқчи сиёсатчиларга унчалик ҳам маъқул эмасди. Чунки Франция озодлигига АҚШ ва Британия кези келса французлардан ҳам кўпроқ ҳисса қўшгандилар. Эйзенхауэрни эса янги Францияга ким президент бўлиши қизиқтирмасди, муҳими у ҳарбий миссияни бажариб, ушбу юртни ишончли қўлларга топширганди, қолгани французларнинг ўзларининг иши эди.

Душманни масофадан фалажлантириш учун авиациядан кенг фойдаланиларди. Агар америкалик самолётлар кундузи рейдга чиқсалар, Қироллик авиацияси немис аскарларининг жанговар руҳини синдириш мақсадида тунги вақт бу ишни амалга оширардилар. Жанговар руҳнинг пасайиб кетиши нафақат аскарлар, балки генерал ва зиёлиларга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Буларнинг натижасида, 20 июль куни бир гуруҳ олий даражадаги рейх офицерлари полковник Штауффенберг бошчилигида фитна уюштириб Гитлерга суиқасд қилишади. Улар Гитлерни ағдариб, фашистларни жазолаб Иттифоқчи кучларга тинчлик йўли билан таслим бўлмоқчи ва шу йўл орқали Германиянинг келажаги ва оддий бегуноҳ аҳоли ҳаётини асраб

қолмоқчи эдилар. Аммо Гитлер тирик қолади ва фит-начиларни жазолаб қатл этади. Улар қаторида генерал Роммель ҳам бор эди.

Ушбу фитна нега амалга ошганлигини билиб, фашистлар ғалабага бўлган умид ҳамда жанговар руҳни оширишни рейх учун бирламчи вазифалардан бирига айлантиради ва Тарғибот ҳамда Маърифат вазири И.Геббельсга бу борада тегишли топшириқлар берилади. Мана шу ерда ҳам Эйзенхауэр таъкидлаб ўтган учинчи омил, яъни жанговар руҳ армияга қанчалик муҳим эканлигини тушунамиз.

Эйзенхауэр ҳам бу масалага жиддий ёндашиб, аскарлар ёнида бўлиб улар билан кўп мулоқот қиларди. Сухбат мавзуси унинг учун фарқсиз эди, аскар нима ҳақида гаплашгиси келса, ўша мавзунини давом эттириб кетаверарди. Генерал билан бундай яқин дўстона муносабатлар аскар кайфиятини оширарди. Аскарлар билан мулоқот чоғида қўрқув тўғрисида кўп гап очарди. Яраланиб оёққа турган, аммо фронтга яна чиқишга қўрқаётган аскарларга унинг ўзи ҳам қўрқаётганлигини, аммо мана шу қўрқувни тўлиқ енгиш учун яна озроқ ҳаракат қилиш кераклигини айтарди.

Дуайт ғалаба муқаррар эканига ишонарди ва бу билан у армияда ижобий руҳиятни шакллантирарди. Армияда лидернинг ишончи ўта муҳим саналади, чунки агар лидернинг ўзида ишончсизлик бўлса, ким унга ишонади? Ўзига ишонмаган инсонга бошқалар ҳеч қачон ишонмайди. Айнан, шунинг учун Дуайт энг иккиланган вақтлари ҳам ҳиссиётларни жиловлаган ҳолда ўзини ҳаммаси аъло даражада кетаётганидек тутишга ҳаракат қиларди. Бинобарин, Эйзенхауэр ҳамиша ҳам мардонавор ва оптимистик кайфиятда

бўлмаган. 1944 йил 6 июнь куни Бирлашган кучлар Нормандия орқали иккинчи фронтни очишганда, Дуайт ғалабага унчалик ҳам ишонмаган ва ҳар эҳтимолга қарши аскарларга мағлубият тўғрисида мурожаат нутқини шакллантириб, чўнтагига солиб қўйган. Унда у барча муваффақиятсизликда ўзини айбдор деб кўрсатганди. Бинобарин, китобхон яхши биладики, Бирлашган кучлар ўшанда зафар қучишганди, бу эса қаҳрамонимиз ҳам баъзида қўрқиши ва айрим ҳолларда ўзига ишонмаслигини англатарди. Шунга қарамасдан, у бор қўрқувини ичига ютиб, метин ирода соҳиби эканлигини ва ҳаммаси ижобий ечим топаётганлигини намоён қилади. Бу аскарларга ишонч бағишлаб, инсоният тарихидаги энг мушкул бўлган ҳарбий операциялардан бирида Бирлашган кучларга ғалабани инъом этади.

Уруш вақти оддий аскарларга қараганда офицер кадрларга босим ҳамиша кучли бўлади. Ахир, атиги кичик нохушлик ёки об-ҳавони айниши энг қудратли армиянинг ҳам тартибини издан чиқариши мумкин. Айтишадик, тўғри танланган стратегия, ғалабага бўлган ишонч ва география манаман деган салтанат қўшинларини ҳам ер билан яксон қилишга қодир деб. Саркардалар ўз аскарларини мана шу омилларни инобатга олган ҳолда жангга олиб киришлари лозим. Зеро, қўшин кутилмаганда фалокатга юз тутиши мумкин. Шунинг учун ҳам юқори даражадаги офицерлар доимо сергак туриб, ўз ва армия ҳиссиётларини бир маромда ушлаши талаб этилади. Қаҳрамонимиз ҳам ушбу нормаларга жавоб берадиган азаматлар қаторида эди.

Гитлер уруш тақдири маҳоратли генералларга боғлиқ эканлигини яхши биларди. Шу сабабли ҳам

Отто Скорцени бошчилигида диверсант аскарлар гуруҳи ташкил этилади. Ушбу махсус аскарларнинг вазифаси душман ҳудудига кириб юқори офицерларни, хусусан, генерал Эйзенхауэрни жисмонан йўқ қилишдан иборат эди. Бундан хабар топган америкаликлар назорат пунктларини кучайтиради. Шубҳа қилинган барча шахсларга фақат америкаликлар билладиган саволлар берилади. Мисол учун, бейсбол юлдузлари исмлари, Валт Дисней қаҳрамонлари в.х. Бир куни АҚШ генерали Омар Брэдлига мана шу сўроқлар анчагина муаммолар олиб келади. Назорат пунктдан ўтаётган вақт уни танимаган америкалик аскарлар генерални ўзлариники эканлигига шубҳа қилиб, Иллинойс штатининг марказини савол тариқасида сўрашади. Генерал ишонч билан, Спрингфильд, дея жавоб қайтаради, аммо географияни яхши билмайдиган посбон аскарлар штатнинг маркази машҳур Чикаго шаҳри деб ўйлашарди, шунинг учун ҳам генерални ҳибсга олиб, яхшигина сўроқ қилишади. Албатта, кейин уларнинг ўзлари бундан уялиб қолишади. Мана шунга ўхшаш ҳазиломуз воқеалар ғарбий фронтда тез-тез учраб турарди.

Куз ойига келиб шарқий фронтда советлар ўз давлат чегарасини тўлиқ кесиб ўтиб, Шарқий Европага қадам қўйишади. Иттифоқчилар урушни шундай яқунлашни истамасди, улар фашист-ғаламисларининг таг-томиригача йўқ қилишга келишгандилар, шунинг учун ҳам советлар энди бор эътиборни ўзга юртлар халқларини озод этишга ва немисларни охиригача тор-мор этишга қаратганди. Ўша кунлари Совет давлати раҳбари Иосиф Сталин Черчиллга ўз автопортретини юборади. Бу билан Сталин “мен ғалаба қозондим” демоқчи эди, чунки Черчиллни кўпроқ урушдан кей-

инги ҳолат қизиқтирар ва у нима бўлганда ҳам Совет Иттифоқининг Шарқий Европага қадам қўйишини ис-тамасди. Аммо вазият шуни тақозо этганди.

Ғарбий фронтда ҳам Эйзенхауэр бошлиқ кучлар Германия давлат чегарасига яқин келганди. Буларга қарамасдан, ҳали Германиянинг ўзини ҳимоя этиш-га кучи бор эди. Немислар чекинаётиб йўлдаги бар-ча кўприклар, автомобиль ҳамда темир йўлларни йўқ қилиб, Иттифоқчи кучларнинг одимлашини секинлаш-тиришга ҳаракат қиларди. Аммо Иттифоқчиларнинг транспорт воситалари сони ҳам, ёқилғиси ҳам етар-лича эди. Германияда эса бунинг акси эди. Транспорт саноати тўхташга яқинлашиб, бензин захиралари жуда оз қолганди, ҳар бир ҳарбий қисмга маълум миқдорда ўлчов билан бензин бериларди. Рақиблар билан қамал қилинган Германия ночор аҳволга ту-шиб қолганди.

Бундай вақтда Гитлер қўл қовуштириб ўтириш ния-тида эмасди, у “энг зўр ҳимоя – бу ҳужум” эканлигини яхши биларди ва шу мақсадда ўйинга сўнгги кучларини чиқариб, уруш жараёнини ўз томонига оғдиришга ури-ниб кўради. Гитлер ҳам шунчаки осмондан олиб бирон бир қарорга келмасди, у ҳам кўп ўқирди ва ўрганарди. Ўрганганларидан келиб чиқиб ҳарбий ва иқтисодий стратегияни белгиларди. У телба бўлиши мумкин эди, аммо аҳмоқ эмасди. Германиянинг машҳур канцле-ри Бисмаркнинг хотираларига юзланиб Германия учун икки фронтда жанг олиб бориш мағлубиятга олиб келиши ва ҳеч бўлмаса бир фронтда дўстлик алоқаларни ўрнатиб иккинчи фронтни ер тишла-тиш кераклигини тушунади. Бисмарк Германияни зинҳор икки фронтга бўлманг деган маслаҳатлар қолдирганди, унинг фикрларига кўра, агар Германия

ва Россия бирлашса, улар энг кучли геосиёсий блок тузишга муваффақ бўларди ва ҳеч қайси давлат уларни мағлуб этолмасди. Бундай ўйлаб қараса, 1939 йил Гитлер Бисмаркнинг сўзларига кириб, СССР билан иттифоқ тузганди, аммо кейинчалик ўзига кўп ишониб юбориб советларга ҳам уруш очади, ваҳоланки, ҳали ғарбий фронтда Англия таслим этилмаганди. Мана энди ушбу хато унинг бошига қора кунларни олиб келганди.

Шарқда советлар бутун фронт бўлиб бостириб келаётганди ва уларга ҳужум қилиш амри маҳол эди, шунинг учун ҳам Гитлер ғарбдаги бутун америка-инглиз кучларини бир ҳамлада яксон этиб, бор эътиборини Қизил армиядан ҳимояланишга қаратмоқчи эди. Агар ғарб тинчиб қолса, у ердаги кучларни ҳам советларга қарши ташлаш имконияти туғиларди. Бундан ташқари, агар улар Нидерландия маркази Антверпен шаҳригача чиқиб олиш имкониятига эга бўлсалар, Германия ўзига керакли бўлган нефтни қўлга киритарди. Бу эса у учун айни вақти ҳаётмамот масаласи бўлиб қолганди.

1944 йилнинг декабрь ойига келиб шарқий фронтда урушлар бирмунча вақт тўхтади. Советлар ҳам куч ростлаб олиш учун барча ҳарбий операцияларни январь ойига белгилаганди. Ушбу вақтдан фойдаланиб Гитлер Эйзенхауэр бошлиқ иккинчи фронт армиясини батамом йўқ қилиш режасига киришадди ва “Арден” номли операцияни шахсан ўзи ишлаб чиқади. Асосий зарба Арден ҳудудига¹⁹ берилди, чунки, айнан, ушбу ҳудуд бошқаларга қараганда заифроқ кўринарди. У ер орқали қолган кучларни

¹⁹ Франция, Бельгия ва Люксембург ҳудудларида жойлашган тоғ тизмалари.

ҳам енгиш режа қилинганди. Бинобарин, Эйзенхауэр Гитлернинг бундай юришини анча аввал тахмин қилганди ва барча керакли чораларни кўриб қўйганди. У атайин Арден frontiдаги қўшинларни кучсизлантириб немисларга тузоқ ҳозирлайди. Бу режа якунда немисларни тўлиқ ўраб олиниши ва яксон этилиши билан ниҳоясига етиши керак эди.

Шунга қарамай, Арден операцияси кечаётган вақт немислар Бирлашган кучларни озгина шошириб қўйишга ҳам улгуради ва Дуайт маълум бир ҳудудларни рақибга топшириб чекинади. Улардан бири бу Страсбург шаҳри эди. Ушбу шаҳар Францияга тегишли бўлиб, бир вақтлар немислардан тортиб олинганди ва халқаро муносабатларда Франциянинг ғалаба рамзи бўлиб ифодаланарди. Генерал де Голлнинг уни нима бўлса ҳам душманга жангсиз топшириш нияти йўқ эди ва шу мақсадда у Эйзенхауэрнинг ёнига келиб ундан жанг қилишни талаб этади. Аммо Эйзенхауэр бир вақтлар Черчиллга ким қўмондонлигини кўрсатиб қўйганидай, француз раҳбарига ҳам ким армия генерали эканини эслатиб қўяди. Агар француз армияси унга қулоқ солмай Страсбург учун жанг қилса, унда улар генералнинг рухсати билан бериладиган қурол-яроғ ва озик-овқат билан таъминланмаслигини билдиради.

Эйзенхауэр узоқни ўйлаган ҳарбий эди, у бутун урушни ютишни режа қилганди. У тузган операция сиёсий мақсадлардан йироқ бўлиб, унда фақат ҳарбий манфаатлар бор эди. Шунинг учун ҳам у сиёсатни деб бутун ҳарбий операция барбод бўлишига йўл қўёлмасди. Бу йўлда у Черчиллга ҳам, де Голлга ҳам курсининг эгаси ким эканлигини кўрсатиб қўяди.

Бироз вақт ўтиб Эйзенхауэрнинг қарори тўғри бўлиб чиқади. Немислар қуршовга тушиб қолмаслик учун

чекинади, бунинг устига, шарқда ҳам руслар қишки ҳарбий ҳужумни бошлаб юборганди. Мушкул вазиятга тушиб қолганлиги учун Черчилль СССРга мурожаат қилиб, советлардан шарқий фронтда қишги ҳужумни муддатидан аввалроқ бошлашни сўрайди, натижада, 1945 йилнинг январь ойига келиб, немислар икки фронтда ҳам чекина бошлайди ва бу уруш якун топгунча давом этади.

Қизил армия шарқда Германия ҳудудига яқинлашар экан, Эйзенхауэр штаби улар билан ҳамкорликда иш олиб бориш режасини тузади. Мана энди Иттифоқчилар тўлиқ биргаликда ҳарбий операция ташкил этиши мумкин эди. Эйзенхауэр ўзининг барча ҳаракат стратегиясини советларга юбориб, уларнинг ҳам режаларини олиб ҳаракатланиш тизимини яратиш тарафдори эди. Унинг фикрларини барча Иттифоқчи давлатларнинг раҳбарлари: Рузвельт, Сталин ва Черчилль 1945 йил январь ойидаги Қрим конференциясида маъқуллайдилар ҳамда урушдан кейинги кўпгина геосиёсий масалаларга ойдинлик киритадилар.

Урушнинг сўнгги кунлари немислар супер реактив ҳарбий самолёт яратишади. Ушбу қуролнинг кенг қўлланиши вазиятга таъсир этиши мумкин эди, аммо ёқилғи танқислиги туфайли самолёт учувчилари машғулотлар учун керакли вақтни учиб ўтмасди ва кўп тажрибага эга бўлмай фронтга отланардилар. Америка ва Буюк Британия махсус разведка органлари Эйзенхауэрга ҳар куни мана шунга ўхшаш қимматли маълумотларни етказиб турарди. Америка Қўшма Штатларида бу вазифани ўша вақти тузилган генерал Уильям Донован бошлиқ Стратегик хизмат-

лар бошқармаси²⁰ бажарса, Буюк Британияда ўша машҳур Ҳарбий разведка Ми-6 органи бу ишлар билан шуғулланарди.

Фашистлар уруш вақтида ўзларининг махсус ахборот хизмати “Энигма”дан фойдаланарди. “Энигма” махсус қурилма бўлиб барча топшириқлар у орқали ҳудудий бошқармаларга юбориларди. Инглизлар уни бузишга ва ўқишга кўп ҳаракат қилиб кўришади, аммо натижа бўлмайди. Маълумотлар шунчалар мустаҳкам кодлангандики уларни асло ечиб бўлмасди. Шунинг учун ҳам ҳарбийлар бу йўлда олимларга юзланадилар. Фан арбобларининг уруш жараёнига аралashiши улкан кашфиётларга олиб келади. Юқорида айтиб ўтилган “Фау” русумидаги ракеталар, атом бомбаси ва бошқа кўплаб ихтиролар бунинг намунаси. Мухтасар қилиб айтганда, уруш “олимлар курашига” ҳам айланиб кетади. Улардан бири инглиз олими Алан Тьюринг “Энигма” бу машина, машинани эса фақат машина фош қила олади, деган фикрга келади ва ўзининг қурилмасини ихтиро этади. Инглизлар у орқали уруш давомида фашистларнинг барча ҳаракатларидан хабардор бўладилар, аммо баъзида ўзларини билмаётганликка ҳам оладилар. Чунки фашистларнинг барча операциялари ўз вақтида тўхтатилганда, улар “Энигма”ни ўзгартириб бошқа ускуна яратардилар, шунинг учун ҳам инглизлар баъзи операцияларнинг олдини олиб, баъзиларига йўл очиб беради. “Ҳаммаси жойида”, деб ўйлаган фашистларда бу борада ҳеч қандай шак-шубҳа бўлмайди. Си-

²⁰ Стратегик хизматлар бошқармаси (Office of Strategic Services, OSS) – АҚШ биринчи разведка органи, Иккинчи жаҳон уруши даврида ташкил этилган, кейинчалик 1947 йили унинг ўрнида Марказий Разведка Бошқармасига (Central Intelligence Agency, CIA) асос солинади.

ёсатда бир олтин қоида бор – агар яхши жойни ушлаб олсанг, уни зинҳор қўйиб юборма. Британия раҳбари Черчилль ҳам шундай иш тутади, яъни жосусликнинг устуворлигини сақлаб туради. Уруш давомида инглизлар маълумотларни нафақат ўзлари, балки АҚШ ҳамда Совет Иттифоқига ҳам етказиб туради ва антигитлерчи кучларнинг ғалабасига ҳисса қўшадилар. Эйзенхауэр ва Сталиннинг кўпгина қарорлари, айнан, мана шу А.Тьюрингнинг қурилмаси натижалари орқали қабул қилинганди. Шу ерда урушлар тақдирида разведка, унинг маҳсули ахборот ва таҳлил қанчалар муҳим эканлигига иқроор бўламиз. Урушда ким кўп маълумотга эга бўлса ва ундан тўғри фойдалана олса, ўша ғолиб бўлади. Маълумот хавфсизликка йўл очади, у эса ғалабани инъом этади. Барча маълумотлар разведкадан келади, қарорлар ва стратегиялар штабда аниқланади, ижро эса аскарлар томонидан бажарилади. Бу разведкачиларнинг уруш тақдирини ҳал этилишидаги ўрни генераллар, сиёсатчилар ва бошқа бир кучлардан кам эмаслигини англатади.

Уруш ўз поёнига етиб борар экан Иттифоқчилар ўртасида Германия пойтахти Берлинни эгаллаш учун кураш кучаярди. Пойтахт давлат рамзи эди, уни эгаллаган армия тарихий урушни ютган сифатида эсда қоларди. Пойтахт таслим бўлса, перифериядаги кучлар ҳам енгиларди, бу эса урушни яқунлашнинг энг тез ва самарали йўли эди. Қолаверса, давлатнинг келгуси ҳаётини ҳам шаҳарни назорат қилган қўшин аниқлаб берарди. Берлинни эгаллашнинг ҳам сиёсий, ҳам ҳарбий аҳамияти улкан бўлгани туфайли ҳар қайси давлат сиёсатчилари нима бўлса ҳам уни забт этишга эътибор қаратади. Аммо Эйзенхауэр бунақа рақобатга киришишни хоҳламайди ва уни Ғарб давлатлари учун

ҳарбий жиҳатдан нотўғри, деб ҳисоблайди. Биринчидан, америкаликлар Берлиндан 300 чақирим нарида эди, советлар эса атиги 30 километр. Бор жон-жаҳди билан курашганда ҳам улар барибир кечикишарди. Иккинчидан, ҳамма кучларни Берлинга қаратиб йўл олишганда ҳам қўшин кенг ёйилиб улар ўртасидаги алоқа йўқолиб қоларди. Гитлер Берлинни осонликча бериш нияти йўқ эди. Москва остонасида немислар қандай мағлуб бўлган бўлса, улар худди шундай русларни Берлин остонасида енгмоқчи эдилар. Германия махсус СС хизмати ходимлари фашизм ғояларининг мутаассиблари бўлиб қолганди. Улар кўр-кўрона жанг олиб бориб бор кучлари билан курашардилар. Эйзенхауэр сиёсий мақсадни ўз ичига олган Берлинни руслардан олдин эгаллаш операциясини қувватламайди, унинг учун бу ҳарбий хатолик эди. Шунинг учун Берлинни советларга қолдириб, ўз қўшинини Любек шаҳрига қаратади. Ушбу шаҳарнинг эгалланиши Берлинни рейхнинг Дания ва Норвегиядаги кучларидан ажратиб қўярди. Дания ва Норвегия логистик воситаларидан мосуво бўлган Гитлернинг таслим бўлиши тезлашарди. Ушбу мантиқан ҳарбий манфаатлардан иборат операцияга Эйзенхауэр дарҳол киришади, лекин у бу билан сиёсатчилар томонидан айрим норозиликларга дуч келади.

Эйзенхауэрнинг бу ҳаракатлари Черчиллни янада газабга соларди. У уруш якунига етаётганини ҳамда энди урушдан кейинги ҳолат ҳақида бош қотиришни таклиф этарди. Эйзенхауэрни барча ҳарбий ҳаракатларни советлар билан мувофиқлаштириши ҳам унга унчалик хуш келмасди. Ўзининг бу қарашлари ва шикоятларини у Рузвельтга ҳам юборади. Бинобарин, Рузвельт Эйзенхауэр каби ҳали уруш якунламангани ва Иттифоқчилар

олдида етарлича муаммо борлигини ва шунинг учун ҳам улар бирдамликни йўқотмаслиги кераклигини эслатади. Черчиллнинг бу ҳаракатлари Эйзенхауэрга Иттифоқчилар ўртасида адоват кучаяётгани ва алоқалар совуқлашаётганидан хабар берарди.

Бирлашган кучлар немисларнинг 325 минг аскарлари ҳамда 30 нафар генералини асир олишга муваффақ бўлади, бинобарин, улар қанчалик Германия ҳудудига кирар экан, уруш шунчалар мушкуллашарди. Гитлер бу урушда болалар, ўсмирлар, аёллар ва қариялардан ҳам фойдаланарди. Кўпчилик фашистлар Бирлашган кучлар эгаллаган ҳудудларда тоғларга қочиб кетиб “Бўрилар” ташкилотини тузишади. Ушбу террористик ташкилот антигитлерчиларга қарши партизан урушларини олиб борарди.

Берлинни эмас, Германиянинг бошқа ғарбий шаҳарларини эгаллаш бир томондан америкаликларга фойда ҳам олиб келади. Биринчидан, кўп йўқотишларнинг олди олинади, бунга мисол, ушбу шаҳарни забт этишда 1 миллионга яқин аскар нобуд бўлади. Иккинчидан, АҚШ Германиянинг бор бойлигини қўлга киритади. Генерал Паттон аскарлари тасодифан туз шахтасига рейхнинг барча хазинаси яширилганини билиб қолишади. Бу ерда нархи қарийб 250 миллион долларга тенг²¹ олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо тошлар ҳамда юксак санъат асарлари бор эди.

Хазинадан хурсанд бўлган Дуайтнинг қувончини немисларнинг концлагери йўққа чиқаради. Гарчанд, бутун умр ҳарбий бўлса ҳам, уруш ва қон кечган бўлишига қарамай, концлагердаги аҳвол уни қўрқитиб ҳайратга солади. Наҳот, инсон қўли шунчалар ёвуз ишларга бориши мумкин деган савол пайдо бўлади. Дуайт

²¹ Ҳозирги кунда ушбу қийматнинг эквиваленти анча юқори, албатта.

фашистларнинг бу қилмишлари ҳақида кўп эшитган, аммо уларнинг кўпчилигини чўпчак деб ўйлар эди. Мана энди ўша гаплар рост эканига амин бўлади. Ушбу концлагерларда ва умуман фашистлар сиёсатидан энг кўп жабр кўрган халқлар бу яҳудийлар, славянлар, поляклар ва Болтиқбўйи давлатлари халқлари эди. Яратганнинг бандаларини ҳақорат қилишга, хўрлашга, азоб беришга, қийноққа солишга ва жонини олишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шундай экан, ушбу тубанликни амалга оширган ғаламислар муносиб жазоланишлари шарт эди, токи бу келажак авлодлар учун дарс бўлсин...

Ушбу кунларда АҚШ бошига яна бир қора кун келарди. Бу тўрт марта президентлик сайловларида ғолиб бўлган миллат лидери Франклин Рузвельтнинг ўлими эди²². Бу мусибат Эйзенхауэрни чуқур қайғуга солиб қўяди. Чунки президентнинг ўлими вице-президент Гарри Трумэнни президент этиб кўтарарди. У эса советлар билан Рузвельт каби яхши муносабатда эмасди. Рузвельтнинг халқаро майдондаги ўрни бекиёс эди, у Черчилль ва Сталин ўртасида медиатор бўлиб алоқаларни илиқ сақланилишини таъминлаб келарди. Трумэн бўлса Англия билан бирлашиб кейинчалик Совуқ уруш бошланиб кетишига сабабчи бўлади. Дуайтни ҳарбий сифатида узоқни ва тинчликни ўйлайдиган сиёсатчилар қизиқтирарди. Шунинг учун ҳам Рузвельтни йўқотиш унга оғир ботади. Ўзининг мемуарларида у Рузвельтга “ҳақиқий ҳарбий лидер”, дея таъриф бериб ўтади.

²² Ҳар ким икки муддатдан кўп президентлик лавозимига сайланмаслиги тўғрисидаги тузатиш АҚШ Конституциясига 1951 йил киритилган. АҚШ президентлари ичида фақат Франклин Рузвельт икки мартадан кўпроқ (1932, 1936, 1940 ва 1944 йилги сайловлар) ушбу мартабага сазовор бўлган.

1945 йил 25 апрель куни Эльба дарёси яқинида Таргау ҳудудида биринчи ҳамда иккинчи фронтлар туташади. Бирлашган америка-инглиз қўшинлари ҳамда Совет армияси икки томондан душманни маҳв этиб бирлашадилар. Ғалабанинг яқинлигини сезиб, бирлашган армиялар фронт байрамларини бошлаб юборишади, бу эса жанговар кайфиятни янада оширади.

Биргина апрель ойининг ўзида Эйзенхауэр аскарлари 1 миллионга яқин душман кучларини асирга олади. Мана энди Германия фалокат муқаррар эканини ҳис этади ва мурося йўлларини излай бошлайди. Эйзенхауэр ва Черчиллнинг хотираларига кўра, 1945 йил февраль ойининг охиридан бошлаб ғарбий фронтда немисларнинг қаршилиги деярли йўқ эди. Бинобарин, Совет Иттифоқи frontiда жанг янада авж олаётганди. Германия АҚШ ва Англия билан тинчлик келишувини имзолаб, бор эътиборини русларга қаратмоқчи эди. Германиянинг мурожаатида Ғарб қадриятларини сақлаб қолишга чақириқ бор эди. Бинобарин, Эйзенхауэр бундай келишувларга рози бўлмасди, чунки бу советларга хиёнат қилиш дегани эди. Инсоний ва ҳарбий қадриятларидан келиб, чиқиб у асло бундай йўл тутолмасди. У қатъиян Германиянинг ҳудудини босиб олиниши ва тўлиқ капитуляцияси, фашистларни жазоланиши, Бельгия, Голландия, Люксембург, Франция, Норвегия ва СССРга репарациялар тўланилиши ҳамда Германия ҳукумати ҳарбийлардан тўлиқ фуқароларга берилиши тарафдори эди. Кейинчалик бўлиб ўтган Потсдам конференциясида (1945 йил, июль) у АҚШни мана шу манфаатларни ҳимоя этишига тавсия этади. Лўнда қилиб айтганда, душман билан ҳеч қандай муросяга ўрин йўқ эди.

26 апрель куни СС махсус хизмати раҳбари Гиммлердан немис кучларини ғарбий фронтдаги фаолияти тўхтатилиши ва тинчлик шартномаси имзоланиши бўйича таклиф келиб тушади. Мурожаатда Гиммлер ўзини Гитлернинг вориси ва Германиянинг янги сардори сифатида тутарди. Эйзенхауэр бу таклифни ҳам инкор этади ва немисларнинг тўлиқ капитуляциясини барча фронтларда талаб этади. Агар у ушбу таклифни қабул қилиб АҚШ учун урушга барҳам берса, унда советлар олдида юзи шувут бўларди, бу эса унинг характериға ҳеч ҳам тўғри келмасди. Бундан ташқари, немис генераллари бу келишув билан вақтдан ҳам ютиши мумкин эди. Яъни аввалиға келишиб, фронтдаги барча аскарларни йиғиб олиб яна ҳужумға ўтиб кетиши мумкин эди. Уруш кўрсатдики, фашистлардан ҳар нимани кутса бўларди, шунинг учун ҳам Бирлашган кучлар муросаға бормайди. Бўлиб ўтаётган жараёнлар тўғрисида Совет давлати раҳбари Сталинға ҳам хабар берилади. Чунки у Иттифоқчиларнинг ўзидан эмас, бошқа бировдан шу ҳақида хабар топса, унда ўртадаги алоқаларға совуқлик тушарди. Хабарни эшитиб Сталин АҚШдан кўнгли тўқ эканлиги, аммо Англия раҳбари Черчилдан хавфсираётганлигини таъкидлайди.

Кўпчилик совет манбаларида ушбу воқеа АҚШ “разведка отаси” Аллен Даллес ҳамда Гиммлер ўртасида музокаралар ўтказилганлиги хусусида маълумотлар учраб туради. Бирок, 12 апрель куни АҚШ президентлигиға кўтарилган Гарри Трумэн ҳам ўзининг мемуарларида ушбу ҳодисани батафсил ёритиб ўтган. Уларға кўра, Черчилль Гиммлердан хабарни қабул қилиши билан бу ҳақида Сталинға маълум қилиш шарт эканлиги ҳамда унинг таклифиға Трумэн ҳам бир овозда

қўшилганлигига тарихий исбот бор. Демак, бундан келиб чиқадики, Сталин Ғарб раҳбарларидан ҳаддан зиёд хавфсираган, бинобарин, улар совет манбаларида келтирилганидек қабих инсонлар эмасди. Балки, биродарлари олдида масъулият ҳиссини тан оладиган олижаноб шахслар эди. Эйзенхауэрнинг ҳам бу борада қабул қилган қарорларининг маъқулланилиши бекорга эмас, албатта.

Уруш поёнига етаётган вақт Эйзенхауэр совет ҳарбий раҳбарияти билан алоқага чиқади. Ҳали Шимолӣ Африкадаги жанглар вақти ҳам у рус генерали Васильев билан томонларнинг умумий ҳарбий стратегияга тўлиқ амал қилиши бўйича иш олиб борарди. Энди эса у тўғридан-тўғри Советлар олий бош қўмондони Сталинга хат билан чиқади. Унинг бу ҳаракатларида айёрлик ҳам бор эди, чунки ўз режаларидан советларни воқиф этиб, у Черчиллнинг босимидан озод бўларди. Ўша вақти Черчилль урушнинг якуни билан эмас, балки ундан кейинги ҳолат билан кўпроқ қизиқарди ва Дуайтдан сиёсий манфаатлар йўлида иш тутишни талаб этарди. Эйзенхауэр эса Черчилль билан ҳам, Трумэн билан ҳам иш олиб бормасдан фақат штаб бошлиғи Жорж Маршаллга ҳисобот берарди. Чунки Трумэн ҳам сиёсатчи эди, ким билади, балки, у ҳам Черчиллдек сиёсий манфаатларни ўйлаб, Дуайтнинг ташаббусларини рад этиши мумкин эди, Маршалл эса зинҳор бундай иш тутмасди. Унинг бу ҳаракати Сталинга ҳам, Маршаллга ҳам ва барча ҳарбийларга манзур эди. Чунки айни дамда бирдамликни сақлаб, тезроқ урушга якун яшаш лозим эди. Уруш қанча чўзилса, шунча аскар қурбон бўларди. Бинобарин, Черчилль Эйзенхауэрнинг Трумэн билан келишиб иш тутмаслигини кўп танқид қиларди ва буни нотўғри, деб изоҳларди. Ўз навбати-

да, Сталинга Эйзенхауэрнинг америкаликлар томонидан Берлин забт этилмаслиги бўйича хабари хуш келадди, чунки у ҳам Черчилль каби сиёсатчи эди ва дунёга давлат манфаатлари орқали назар соларди. Германия пойтахтини советлар томонидан эгалланилиши келажакда ушбу давлат тақдирида уларнинг роли асосий бўлишини англатарди.

Таниқли шахсларни ўрганганда тарихчи, авваламбор, уларнинг образини холисона очиб беришга ҳаракат қилиши зарур, чунки ўтмиш дарсдир, у янада фойдалироқ бўлиши учун унинг нафақат яхши томонлари, балки салбий жиҳатлари ва хатоларини таҳлил қилиш керак бўлади. Эйзенхауэрнинг ҳам ўрганганимизда совет мутахассислари, хусусан, маршал Жуковнинг фикрлари у ҳақида жуда муҳим эканини инобатга олишимиз лозим бўлади. Жуков ўзининг “Хотира ва мулоҳазалар” асарида Ғарб мамлакатлари Совет Иттифоқидан олдинроқ Берлинни эгаллашни режа қилганлиги ва бунинг тагида сиёсий мақсад ётганлигини таъкидлаб ўтган. Бундан ташқари, у советларнинг Берлинга қаратилган ҳужумини кечиктириш ва ўзлари биринчи бўлиб пойтахтни забт этишлари учун Совет Иттифоқига немис армияларининг дислокацияси бўйича сохта маълумотлар берилганлигини хабар қилган. Биз буни Эйзенхауэр қилган дея олмаймиз, аммо сиёсатни дўстликдан юқори кўрган амалдорлар ҳар томонда бўлган ва буларнинг ҳаракатлари урушнинг якунини озгина бўлса ҳам чўзилишига олиб келган.

29 апрель куни “Учинчи фронтда”²⁵ жанг олиб бораётган генерал Александер бошлиқ кучлар Италиядаги

²⁵ Ўрта ер денгизи ва Италияда рўй берган жанглари айрим манбаларда “Учинчи фронт” ёки “Жанубий фронт” деб аташади.

немис ва италян кучларини батамом енгиб, ушбу давлатни тўлиқ мағлуб этишади. Италиянинг инқирози уруш якунлашаётганлигидан дарак берарди. 30 апрель куни Гитлер ўз жонига суиқасд қилади ва давлат тепасига адмирал Карл Дёниц кўтарилади. У барча қўл остидаги кучларини Ғарбий давлатларга таслим қилиш таклифи билан чиқади. Аммо Эйзенхауэр, барибир, бундай шартларга кўнмайди. Иттифоқчиларнинг аҳиллигини бузолмаган фашистлар охир-оқибат барча фронтларда сўзсиз капитуляция тўғрисидаги ҳужжатни имзолашга мажбур бўлади. Аммо улар бунинг учун, авваламбор, Эйзенхауэрга мурожаат қилади. 7 май куни Франциянинг Рэймс ҳудудида генерал Эйзенхауэр раҳнамолигида Германиянинг капитуляцияси бўйича акт имзоланади. Совет Иттифоқидан генерал Суслопаров ушбу жараёнда иштирок этади, Германиядан барчасига генерал Йодль имзо чекади. Унга кўра, ушбу ҳужжат 48 соат ичида, яъни 9 май кунидан кучга кириши лозим эди. Сталин бу шартномани тан олмайди ва Берлинда 8 май куни иккинчи бор капитуляция имзолаш маросимини ташкил этади. Ғарбда Сталиннинг бу ҳаракати 7 майда имзоланган акт 48 соат ичида кучга кириши билан боғлиқ деб ўйлашади. Яъни советлар немислар уларга ҳақиқатдан ҳам таслим бўлаётганига ишонмаяпти ва фашистлар ҳали яна икки кун уларга қарши жанг олиб бориши мумкин деган хулосалар пайдо бўлади. Бинобарин, Сталин ғалабада Совет Иттифоқи роли ҳаммадан ҳам кўпроқ деб биларди ва унга АҚШ генерали орқали имзоланган капитуляция керак эмасди. Бу буюк ғалаба эди ва унинг якунини советларнинг ўзлари ташкил этишлари шарт эди. Ва бу, албатта, қийинчилик билан совет жангчилари қони эвазига забт этилган фашистларнинг маркази Берлин-

да бўлиши зарур эди. Берлиндан чиқиб келган бу бало, ўша ерда йўқ қилиниши лозим эди. Шунда тарихий адолатга эришилган бўларди.

Берлиндаги жараёнга маршал Жуков бошчилик қилади. Эйзенхауэр иккинчи бор ушбу масалада иштирок этишни зарурият деб билмай, ўзининг ўрнига ўринбосари генерал Теддерни юборади. Ғалаба кунига тўхталганда, Ғарб раҳбарлари уни 8 май куни деб эълон қилишга келишади, чунки 7 май куни барчаси ҳал этилганди. Совет Иттифоқи эса ушбу кунни 9 кунга белгилаш тарафдори эди. Чунки биринчидан, 7 майдаги ҳужжат 9 майдан кучга кирарди. Иккинчидан, СССР 8 май куни Берлинда ўзининг келишувини ташкил этганди. Шунинг учун, 9 май куни ғалабани эълон қилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Эйзенхауэр 9 май санасига рози бўлади, унингча, советларни норози этиб, ғалабани 8 май куни эълон қилиш нотўғри эди. Шунинг учун у ҳаммага маъқул келадиган вариантни таклиф этади. Чунончи, 8 май куни уруш якун бўлганлигини эълон қилиб, 9 майни ғалаба куни деб белгилашни маъқул кўради. Аммо бунга Сталин рози бўлмайди, чунки Берлиндаги маросим 8 дан 9 га ўтар кечаси рўй бериши лозим эди, ҳали ҳужжатни имзоламасдан ғалабани эълон қилиб бўлмасди. 7 майдаги ҳужжатни советлар (ҳозирги кунда эса МДХ давлатларининг аксарият аҳолиси) “дастлабки” деб қабул қилишади. Ўз навбатида, ғарбликлар 8 май Берлинда бўлиб ўтган жараённи 7 май ҳужжатларини “ратификация”си ташкил этилган деб ҳисоблашади. Натижада, АҚШ ҳамда Буюк Британия раҳбарлари ўз давлатларининг парламенти олдида ҳисобот беришга мажбур эканликларини ва уни яна бир кун сир тутиб бўлмасликларини келтириб, ғалабани 8 май куни эълон қилишади, Со-

вет Иттифоқида эса бу 9 май куни рўй беради. Шундай қилиб, ғалаба куни Ғарбда 8 май куни, Шарқда 9 май кунига тўғри келадиган бўлади. Ғалаба куни бўйича бир тўхтамга келинмаганлиги уруш якун топиши билан иттифоқчилар орасида аҳиллик йўқолганлигидан далолат берарди. Фашизмдек балони гирифтор этган дўстлар якунда бир кунни умумий “ғалаба куни” деб эълон қилишга келишолмай қолишади. Таслим ва яқсон бўлган фашистлар ва ниҳоят, ўз орзуларига эришадди – иттифоқчиларнинг бирдамлиги йўқолади.

Германия мағлуб бўлгани билан уруш ҳали охир топмаганди. Энди бор эътибор Японияга қаратилади. Ҳали 1942 йили июнь ойида АҚШ адмирали Честер Нимиц япон флотилияси даҳоси ва фаҳри Ямамотони Мидуэй жангида ер тишлатганди. Ушбу самолётлар учиши ва қўниши учун мосланган ҳарбий кемалар ёрдамида эришилган ғалаба Тинч океанидаги урушда бурилиш ясаб, ташаббусни америкаликларга тақдим этганди. Бундан буёғига японлар фақат ва фақат химоялангандилар. Ялтада бўлиб ўтган конференцияга кўра, советлар Германия таслим бўлиши билан 3 ойдан кейин Японияга уруш эълон қилиши лозим эди (шу вақтгача бу икки давлат 1941 йил 13 апрелдаги шартномага кўра, бир-бирига уруш эълон қилмаганди).

Мағлуб бўлган Германия ҳудудида Иттифоқчи давлатларнинг назорати ўрнатилади. Бирлашган кучлар штаби бекор қилинади, Эйзенхауэр ҳам ушбу кучлар қўмондонлигидан туширилади, энди у фақат АҚШ армияси генерали ва Германияда ўрнатилган АҚШ назорат ҳудудидаги ҳарбий ҳукумат раҳбари (1945 йил май-ноябрь ойлари мобайнида) эди. Бу вақтга келиб унинг қўл остида 3 миллиондан ортиқ аскар хизмат қиларди. Эйзенхауэр ўзи ёшлигидан орзу

қилган саркардалар Наполеон, Александр Македонский ва Ганнибаллар каби миллионлаб жангчиларни олдинга етаклаб ғалаба қозонган тарихий генерал бўлишга сазовор бўлади. Бинобарин, фронтнинг нариги томонида яна бир буюк саркарда бор эди, унга ҳатто Дуайтнинг ўзи ҳам ҳавас қиларди. Бу афсонавий совет қўмондони маршал Георгий Жуков²⁴ эди. Москвадан Берлингача фашистларни қувиб келган Жуков жасорат бобида Дуайтдан кам эмасди. Урушнинг энг оғир кунлари Жуков матонат кўрсатади ва Она ватанини ғанимдан ҳимоя этади. Москва остонасида кечган жанг вақтида (1941 йил 16 ноябрдан 8 декабргача) у кунига 2 соатдан дам олган, қолган вақти уруш тактикаси ишлаб чиқиш ва тўғри жанг ташкил қилиш билан банд бўлганди²⁵. Булар натижа бериб, охир-оқибат фашистлар тор-мор этилганди.

Биз бу икки қахрамонни бир-бирига солиштирганимиз билан улар ўртасида ҳеч қачон адоват бўлмаган. Айтишади-ку, профессионаллар ўртасида рақобат эмас, ҳурмат бўлади деб. Уларнинг муносабатлари ҳам худди шундай эди. Илк учрашувдаёқ Эйзенхауэр унга “Мана энди билдик қанақа эканингизни”, деб айтади, чунки Жуков тўғрисида кўп эшитган бўлса ҳам, 1945 йилгача улар бирон марта юзма-юз келмагандилар, аммо шунга қарамасдан, у ҳамиша

²⁴ Георгий Константинович Жуков (1896-1974) – Совет давлати қўмондони, маршал, Иккинчи жаҳон уруши қахрамони, Олий бош қўмондон ўринбосари, 4 карра Совет иттифоқи Қахрамони, 2 маротаба “Ғалаба” ордени совриндори, 1955-1957 йилларда СССР Мудофаа вазири, “Ғалаба маршали”.

²⁵ Айтишларича, ўша кунлари у ухлаб қолмаслиги учун очик ҳавода қисқа, аммо мунтазам равишда бир неча бор спорт билан шуғулланган. Ғаним чекинганидан сўнг шунчалар қаттиқ ухлаганки, ҳатто Сталиннинг қўнғироқлари ҳам уни уйғотолмаган.

совет қўмондони тўғрисида ижобий фикрда бўлган. Ўз навбатида, Жуков ҳам ўз хотираларида Дуайтнинг очиқ кўнгилли ва хушчақчақ эканини ижобий сўзлар билан эътироф этган. Эйзенхауэр Жуковни АҚШ ҳукумати номидан “Шараф Легиони” мукофоти билан тақдирлайди. Жуков ҳам Совет Иттифоқи раҳбари Сталин номидан генерал Эйзенхауэр ва Монтгомери билан Совет давлатининг олий нишони – “Ғалаба” ордени билан тақдирлайди. Эйзенхауэр ва Монтгомери ушбу орден билан мукофотланган илк хорижликлар эди. Ушбу мукофотларни топшириш учун Жуков Берлинда Дуайтга бағишлаб тадбир ташкил этган бўлса, қаҳрамонимиз Жуков шарафига Франкфуртда кичик парад уюштиради. Бундай тадбирлар армияларни ва икки қўмондоннинг шахсий дўстлигини янада мустаҳкамлайди. Бинобарин, уларнинг давлатлари ўртасида алоқалар борган сари кундан-кунга ёмонлашиб бораётганди. Коммунизм билан демократия бир давлатда туташ келган ва энди бу икки куч ўртасида дунё назорати учун янги уруш ўчоғи аланга ола бошлаётган эди. Сиёсатдан нари бўлган ҳарбийлар эса, бир-бирини ҳурмат қилар ва дўстлик алоқалари сақланиб қолиниши тарафдорлари эдилар. Хусусан, қаҳрамонимиз Совет Иттифоқи ва АҚШ ўртасида биродарликни сақлаб қолиш учун аксарият ҳолларда советларга ён берганди. Ваҳоланки, унинг бу ҳаракатлари Черчилль ва радикал сиёсатчилар томонидан салбий қабул қилинган. Кейинчалик Дуайтнинг ўзи эканини ўришга мажбур бўлади ва бу ишларидан ҳатто афсусланиб ҳам қолади, бинобарин, ўша вақтдаги ҳолат у томондан ён беришни тақозо қилганди.

Жуков Эйзенхауэрнинг дўстликни асраш ва итти-

фоқчиларга бўлган садоқатини ҳурмат қилар, унга ҳамиша юксак эътироф берар эди. Хусусан, фельдмаршал Монтгомеридан Жуков Германиянинг советларга тегишли бўлган ҳудудидан чиқиб кетишни талаб этганда, инглиз қўмондони қаршилиқ кўрсатган, аммо орага қаҳрамонимиз аралашиб, ҳақиқатдан ҳам, улар иложи борича тезроқ Тюрингиядан чиқиб кетиб, Ялта конференцияси битимига содиқ қолишга ўз қуролдош дўстини чорлаган эди. Унинг имзоланган келишувга вафодорлиги Совет раҳбарияти кўз ўнгида генералга нисбатан ижобий таассурот уйғотарди.

Урушдан сўнг Германия ва Берлинда СССР, АҚШ, Буюк Британия ва Франция назорати ўрнатилади. Ушбу назоратчи кучлар маълум бир вақт ўтгач бўлажак Германияни шакллантириши ҳамда ҳокимиятни фуқароларга топшириши лозим эди. Лекин Совет Иттифоқи ва АҚШ ўртасидаги келишмовчиликлар биргаликда ҳаракатланишга тўсқинлик қиларди. Шунинг учун ҳам Эйзенхауэр ва Жуков бир-бирлари билан бўлаётган барча жараёнларга ойдинлик киритиб туриш учун алоқаларни сақлашга келишиб олади. Бу халқаро муносабатларда шахсларнинг ўрни деб аталади, яъни агар давлатлар сиёсий ва мафкуравий жиҳатдан келишишнинг имкони бўлмаса, орага шахслар тушиб масалани ҳал этиши мумкин. Жуков билан Эйзенхауэрнинг дўстлиги ҳам бир-бирига тўғри келмайдиган давлат тузумлари алоқалари сақланиб туришига хизмат қиларди. Қайсидир маънода, икки буюк давлат алоқалари икки генерал дўстлигига боғлиқ эди.

1945 йил июль ойида бўлиб ўтган Потсдам конференциясида Европанинг келажаги ҳамда Япония-

ни таслим этиш муаммолари муҳокама этилди. Европада уруш ниҳоясига етганди, шунинг учун ҳам Эйзенхауэр конференция жараёнларига ҳеч қандай таъсир ўтказолмасди. Потсдамда Совет Иттифоқи Японияга қарши урушга кириши ва эски рус манфаатларини ҳимоя қилиши ҳақида ҳам гап боради. Чунончи, 1905 йилги рус-япон урушида японлар Россиядан Курил ороллари ҳамда Сахалин оролини тортиб олишган, мана энди ўтмишни ҳисоб-китоб қилиш вақти келган эди. Америка Қўшма Штатлари ҳам янги қуролни ихтиро қилгани ва аскарлар ҳаётини сақлаб қолиш учун уни қўллаши тўғрисида хабар беради. Бу қурол атом бомбаси эди. Эйзенхауэр, гарчанд, аскар ҳаётини барчасидан устун деб билса ҳам, бундай қуролнинг ишлатилишига қарши чиқади. Чунки, унингча, биринчидан, Япония таслим бўлишга тайёр эди. Иккинчидан, у АҚШни бундай қўрқинчли, гуманизмдан йироқ бўлган, бир вақтнинг ўзида юз минглаб инсонлар ҳаётини йўқ қилиб юборувчи қурол номи билан тарихда қолишини истамасди. Унга қолса, одатдагидек ҳужум қилиб, рақибни енгиш лозим эди. Нега деганда, ушбу ҳолатда япон милитарист-ҳарбийлари ўққа тутилади, атом бомбаси эса бегуноҳ фуқароларнинг ҳам ўлимига сабабчи бўлади. Аммо кўп мутахассисларнинг хулосасига кўра, бундай ҳаракатлар урушни 1946 йилгача чўзилиб кетишига олиб келарди. Шунинг учун ҳам Президент Трумэн барибир ўз фикрида қолади ва атом бомбаси қўлланилиши тўғрисидаги буйруққа қўл қўяди.

АҚШда бу қуролнинг пайдо бўлиши Совет Иттифоқининг ҳам иштиёқини оширади, натижада, улар ҳам ушбу қуролни ишлаб чиқаришни бошлаб

юборади. Ушбу ҳаракатлар янги рақобат, янги пойга ва янги зиддиятлар ҳосил бўлишига олиб келади.

Потсдам конференцияси жараёнида Англияда сайловлар бўлиб ўтади ва уларда Уинстон Черчилль мағлубиятга учрайди. Бош вазирликка лейбористлар партиясидан Клемент Эттли тайинланади. Черчилль ҳам Дуайт каби истеъфога чиқади. Энди Дуайт уйга қайтиб осуда ҳаёт кечиришни истарди. Европа салиб юриши ҳам ўз ниҳоясига етганди. Аммо унга Президент Трумэннинг 1948 йилги президентлик сайловларида иштирок этишга қилган таклифи қаҳрамонимизни бирмунча шошириб, олдинда янги марралар турганидан дарак беради. Дуайт 1948 йилги сайловларда иштирок этишни ва умуман президентлик ҳақида ўйламасди, бинобарин, унинг обрўси АҚШ ва бутун жаҳонда кундан-кунга ошиб бораётганди.

Тинч океанидаги фронтда масала ҳали узоқ чўзилиши мумкин эди. Бу ерда армиянинг раҳбари Макартур бўлса, флот адмирал Честер Нимиц назоратида эди. Океанда адмирал Нимиц ғанимларни зир титратса, ҳали Австралия мудофаасини ўз бўйнига олган генерал Макартур ҳам кам йўқотишлар билан Япония ороллариغا ёриб киришнинг урдасидан чиқади. Бунда у японларнинг асосий кучлари зич бўлган ҳудудларни айланиб ўтиб, рақибни Япония маркази ва у ердан келаётган логистик воситаларини кесиб қўйишга эришади. Шу усулда милитаристик кучларнинг чекинишини тезлаштиради. Буларга қарамасдан, милитаристлар “камикадзе” самолётларини йўлга қўйиб, чекинишни зинҳор истамаётганлигини намоён қиладилар. Уларнинг захиралари оз бўлишига қарамай, яна бир ярим йилча урушни

давом эттира оларди. Шунинг учун ҳам уруш масаласини узил-кесил ҳал этиш мақсадида америкаликлар 6 ва 9 август кунлари Япониянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига атом бомбасини ташлашади. Саноқли дақиқалар ичида юз минглаб инсонлар ё нобуд, ё мажруҳ бўлиб қолишади. Бу қўрқинчли қурол японларни таслим этса-да, тинчлик ва умуминсоний қадриятлар учун буткул бегона қурол яратилганидан далолат берарди.

Атом бомбаси уруш олиб бориш санъатини ҳам мутлақ ўзгартириб юборади. Энди на аскарлар, на танклар ва на ҳарбий кемалар зарур эди. Ядро бомбасининг ўзи ва уни нишонга етказиб берувчи авиация етарли эди. Лоақал, ўша даврдаги ҳарбийлар шундай хулосага келишганди. Бинобарин, бу қўрқинчли қурол ўзида бутун инсониятни йўқ қилиб юбориш кучи бор экан, унинг тадбиқи олдидаги қўрқув жаҳон урушларига чек қўярди. Бу жаҳон ва халқаро муносабатларда янги қоидалар, тартиб ва давр бошланганидан хабар берарди. Иккинчи жаҳон урушининг энг катта сабоқларидан бири ҳам, айнан, шу эди...

Бу уруш АҚШ учун 4 йил давом этган бўлса, унинг иттифоқчилари 6 йил азоб кўришди. Яна бир қанча давлатларда бубало анча аввал бошлангани учун унинг заҳмати 8-10 йилча чўзилди. Совет халқи урушга 1941 йилдан қўшилгани туфайли ушбу давлат ҳудудида уруш тўрт йил давом этган дея қабул қилинади. Бинобарин, Совет армияси ҳали 1939 йили Германия билан биргаликда Польшага бостириб киргани ва 1940 йили Финляндияга агрессив хужум қилганини эътиборга олсак, у ҳам жаҳон урушида олти йил иштирок этган, деган хулоса келиб чиқади. Фақат ушбу олти йилнинг икки йилини Совет Иттифоқи Герма-

ния билан иттифоқдош бўлиб ўтказган бўлса, қолган тўрт йилида фашизмга қарши кураш олиб борди. Ғалабага эришгандан сўнг Совет Иттифоқини ўша икки йил учун айблайдиган давлатлар жуда оз эди. Социалистик лагерь, яъни Шарқий Европада эса ҳеч қайси давлат буни айтолмасди, чунки СССР супер-держава даражасига кўтарилган ва халқаро майдонда исталганини амалга оширар эди. Қолаверса, ўша икки йил ичида эгалланган ҳудудларнинг бир қисми урушдан кейин жаҳон ҳамжамияти томонидан Совет Иттифоқининг ҳудуди деб тан олингани ушбу тажовузкор ҳаракатларни оқлашга сабаб бўларди. Шунга қарамасдан, қилмишидан уялган совет тарғибот восталари ушбу икки йилни худди бўлмагандек қилиб оммага сингдирди. Бунинг сабаби, Совет Иттифоқи билан фашизм ўртасида ҳеч қачон дўстлик, ва умумийлик бўлмаганини уқдириш эди. Ушбу йилларда эгалланган ерлар эса Совет Иттифоқининг ҳудудлари деб топилиб, улар ҳақли равишда қайтарилгани ва Гитлердан ҳимоя буферини тузиш учун эгаллангани, Молотов-Риббентроп пакти эса Германияни иложи борича узоқроқда ва урушни кечиктириш учун тузилган режа сифатида келтирилади. Бироқ мақсадимиз тарихий холисликка эришиш экан, уни тарғибот таъсиридан йироқ ҳолда ўрганишимиз зарур бўлади. Тўғри, Совет Иттифоқи фашизм устидан эришилган ғалабада беқиёс ҳисса қўшди ва тарихий жасорат кўрсатди. 1941-1945 йиллардаги урушда фронт ва фронт ортида ватандошларимиз ҳам иштирок этдилар ва умумий ғалабага муҳим ҳисса қўшдилар. Улар орасидан минглаб қаҳрамонлар етишиб чиқдилар. Ушбу заҳматли тўрт йилга инсоният тинчлиги йўлида қилинган энг олий хизматлардан

бири бўлди, деб таъриф берсак муболага бўлмайди. Аммо тарихни ўрганар эканмиз, уни ўзимиз истагандек эмас, балки борича қабул қилишимиз зарур бўлади ва шарқий фронтдаги уруш ҳақида гап очилганида 1939-1941 йилларни эсдан чиқармаслигимиз мақсадга мувофиқ бўлади. Зеро, ёвузга дўст бўлиб алданган давлат кейин ўзи унинг захрини тотганлиги Иккинчи жаҳон урушининг энг катта сабоқларидан биридир.

Агар АҚШ, Британия, Франция ва бошқа Ғарб давлатлари учун 1938 йилдаги Мюнхен шартномаси дарс бўлган бўлса, Совет Иттифоқи учун ўша Молотов-Риббентроп келишуви ушбу вазифани бажариб берди. Сиёсатчилар, ҳарбийлар, олимлар ва оддий фуқаролар шуни англаб етдиларки, тажовуз маркази билан келишиб бўлмайди, уни ҳали газак олиб кетмасидан, вақтида превентив тарзда олдини олиш лозим. Германия Британия қўшниларига агрессив ҳужум қилаётган пайтда, ушбу давлатлар хавфсизлигига жавобгар бўлса-да, Бош вазири Невилл Чемберлен фашистларни ўз вақтида зарарсизлантормади. Аксинча, қўшимча ҳудудларни уларга ҳавола этиб, халқининг бошига ҳам уруш кунларини олиб келди. Совет Иттифоқида Сталин ҳам Гитлернинг барча ғояларидан воқиф бўла туриб, у билан дўстлашишга қарор қилди. Оқибатда, миллионлаб инсонларнинг уйи куйди. Ҳар икки томондан ҳам йўл қўйилган хато урушнинг асосий сабоғи бўлиб, у мамлакатларнинг жаҳон ҳамжамиятида хавфсизлик масалаларида бир-бирларига нисбатан масъул ҳамда умумий тинчлик учун жавобгар эканликларини равшан қилди. Бундан ташқари, ёнимизда кечаётган ғаразли жараёнларга бефарқлик билан ёндашиш эртага ўзимизга

қимматга тушиши мумкинлиги каби хулосалар келиб чиқди.

Дунё ягонадир. Ҳар бир давлат хавфсизликка интилади, аммо умумий тинчликка бетарафлик ё бўлмаса маълум бир гуруҳ давлатлар ёрдамида эришиб бўлмайди. Бир минтақа хавфдан холи бўлиб туриши мумкин, аммо жаҳонда агрессив кучларни олдини оладиган ташкилот бўлмаса, уруш бегуноҳ уйларга ҳам кириб келади. Иккинчи жаҳон уруши шуни тасдиқладики, маълум бир доираларга бирлашиб ҳеч қачон абадий тинчликка эришиб бўлмайди. Бунақа доиралар ичида ички тинчлик бўлиши мумкин, аммо ташқаридан хавф келмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Уруш якуни инсоният олдида нафақат бир давлат ё минтақа, балки бутун Ер юзида тинчлик ўрнатиш лозим эканлигини маълум қилди. Глобал хавфсизликка фақат жаҳон миқёсида эришса бўлади. Фақат ҳамма биргаликда ҳаракат қилса, урушдан холи бўлиш мумкин. Агар ҳамма ўзи билан ўзи бўлиб қолса ёки майда-майда гуруҳларга бирлашиб кетарверса, умумий тинчликка эришиб бўлмайди. Ахир, айнан, шундай бўлинишлар туфайли уруш бошланганди. Буни тушуниб етган халқлар уруш якунида бирлашиб, бутун жаҳон тинчлиги учун масъул идора – Бирлашган Миллатлар Ташкилотига асос солдилар.

Қолаверса, уруш шуни аён қилдики, давлатларнинг хавфсизлик масалалари ўзлари ҳамда халқаро умумжаҳон ташкилотларга боғлиқ бўлиши зарур. Польша ва Чехословакия каби давлатлар ўтган асрнинг 20-30 йилларида ўз хавфсизлигини Англия қўлига топшириб кун кечиришарди. Ваҳоланки, ўша Англиянинг ўзи уларни ёки мусодара қилиб юборди, ёки забт этилиш-

ларига қаршилик кўрсатолмади. Мустақил хавфсизлик тизими бўлмаган, глобал хавфсизлик ташкилотига аъзо бўлиб қирмаган ва бошқа бир давлатнинг армиясига ишониб ҳаракатланган юртнинг келажаги мўрт экани маълум бўлди.

Уруш барча халқлар учун оғир бўлиб, мусибатлар олиб келди. Унда эришилган ғалаба том маънода умумий ғалабадир. Уни Жуков ютиб чиқди, Америка ютиб чиқди... деб баҳолаш адолатсизликдир. Иттифоқчилар ғалаба йўлида қўлдан келгунча ҳаракат қилдилар ва бирдамликни баридан устун билдилар. Уруш давомида Британия вайрон бўлган бўлса ҳам, Франция ўз ҳудудини бой бериб қўйса ҳам, Совет давлати улкан йўқотишларга дуч келса ҳам, охир-оқибат қонли тўқнашувларда ютиб чиқдилар. Америка Қўшма Штатларининг ўрни эса ҳам фронт, ҳам унинг ортида сезиларли эди. Чунки фронтда Эйзенхауэр мисолида уларнинг салмоғини кўриб чиққан бўлсак, Иттифоқчиларга ленд-лиз дастури бўйича етказиб берилган ёрдам умумий ғалабага таъсири қанчалик беқиёс бўлганини аксарият давлатлар тарих манбаларида учратишимиз мумкин. Шунинг учун ҳам объективликдан узоқлашиб, маълум бир давлатнинг ёки бир шахснинг саъй-ҳаракатлари туфайли зафар қучилган деб таъкидлаш ноўриндир, албатта. Ғалабага барча тинчликпарвар халқлар интилдилар, оқибатда ёвузлик маҳв этилиб, инсон ва унинг қадрини олға сурувчи ғоялар ютиб чиқди. Ва бунга барча халқлар бор жон-жаҳди билан ҳисса қўшдилар! Юқоридагилардан келиб чиқиб, узоқ кутилган ғалаба – бу эзгулик ғалабаси, дея таъриф берсак, мақсадга мувофиқ бўлади, деган фикрга келдик.

Ушбу уруш истеъдодли генераллар, жасоратли жанглар, тарихий бурилишлар ва шарафли ғалаба билан бир қаторда миллионлаб инсонларнинг ўлими ва улкан талафотлар, қийноқлар ва бутун инсониятга қарши йўналган жиноятлар, шафқатсизлик ва адолатсизликлар, жудолик ва қурбонликлар билан хотираларда қолди. Ушбу урушда “ғалаба” тушунчаси қанчалар ёқимли бўлса, унинг ёнида доимо бирга келадиган “бахтсизлик” сўзи изтироб чекишга мажбур қилади.

Иккинчи жаҳон урушининг қамрови кенг эди. Унда олтмишдан зиёд давлатлар иштирок этиб, АҚШ томондан 16 миллион, Совет Иттифоқи томондан 35 миллионга яқин, Германия ҳамда Хитойдан 17 миллиондан ортиқ ва Япониядан 9 миллион аскар урушга сафарбар этилди. Сафарбар этилганларнинг умумий сони жами 128 миллион аскарни ташкил этди.

Уруш фронтларида америкаликлар 322188 нафар биродарларидан айрилдилар. Совет Иттифоқи учун бу кўрсаткич янада ачинарли эди – сал кам 27 миллион инсон йўқотилди. Фашист Германиясининг ўзи эса 7 миллионга яқин талафот кўрди. Уруш умумий ҳисобда 70 миллиондан зиёд аскар ва оддий фуқароларнинг ўлимига сабаб бўлди. Бу инсоният тарихидаги энг катта фожа эди. Ушбу рақамлар одамзод йўл қўйган жоҳиллик билан бир қаторда, тинчлик ва унинг қадри баридан устунлигини эслатади...



АҚШ генераллари: Симпсон, Паттон, Спаатс, Эйзенхауэр, Брэдли, Хожес, Жероу.



*АҚШ армия генераллари Дуглас Макартур
ва Дуайт Эйзенхауэр.*



Армия генерали Жорж Маршалл.



1938 йил Мюнхен шартномасини имзолаган Британия Бош вазири Невилл Чемберлен “Мен бир авлодга тинчликни олиб келдим”, дея ўз ҳаракатларини оқлаганди. Кейинчалик Британия, барибир, урушга дуч келади, Мюнхен эса тарихий хато сифатида ёдда қолади.



1939 йил 23 август III рейх ҳамда Совет Иттифоқи ўртасида шартнома (Молотов-Риббентроп пакти) имзоланиши.



*Президент Франклин Рузвельт ҳамда унинг
маслаҳатчиси Гарри Хопкинс.*



*Фельдмаршал Бернард Монтгомери ҳамда
генерал Эйзенхауэр.*




III рейх машхур қўмондони – генерал Эрвин Роммель.



“Фау-1” русумидаги самолёт-ракета.



*“Фау-2”. Илк баллистик ракета.
Вернер фон Браун ихтироси.*



*Алан Тьюринг ихтироси. У ёрдамида фашист алоқа
воситаси “Энигма” фош этилган.*



Генерал Эйзенхауэр иккинчи фронт очилиши буйича шарафли 101-дивизия десант-аскарлари билан суҳбатлашмоқда.



Генерал Дуайт Эйзенхауэр, Буюк Британия Бош вазири Уинстон Черчилль ва АҚШ генерали Омар Брэдли.



*Қўмондонлар: Монтгомери, Эйзенхауэр,
Жуков ҳамда Теддер.*



*1945 йил 7 май. Германиянинг сўзсиз таслим бўлиши
бўйича актнинг имзоланилиши.
Генераллар Суслонаров, Смит, Эйзенхауэр ҳамда Теддер.*

СОВУҚ УРУШ ВА МОСКВА САЁҲАТИ

Урушдан АҚШ ҳамда СССР қудратли, яъни супер-держава бўлиб чиқишди. АҚШ жаҳон саноат марказига айланган бўлиб, оламда таъсир кучи юқори даражага кўтарилди. Ўз навбатида, Совет Иттифоқи ҳам қудратли армияга эга бўлиб, улкан ҳудудни ўз назоратига олди. Иқтисодий жиҳатдан Совет Иттифоқи АҚШдан ортда бўлишига қарамай, армия салоҳияти ва жаҳонда таъсир кучи бўйича ундан кам эмасди. Энди халқаро муносабатлар ва халқаро тартиб улар ўртасидаги диалог орқали ҳал этиларди. Дунё Шарқ ва Ғарбга ажралиб қолди²⁶. Германия дунёда ўз ҳокимиятини ўрнатиш учун курашди, аммо у кўзлаган мақсад уни таслим этганларга буюрди. Ўзининг ҳарбий ва иқтисодий кўрсаткичлари бўйича олдинлаб кетган Германиянинг куни кўкка совурилди. Аммо уруш бу билан якун топмади. Энди кечаги иттифоқдошлар ўртасида жаҳонни назорат қилиш учун янги кураш бошланди ва бу тарихга Совуқ уруш²⁷ номи билан кирди.

Дунё учун кураш икки халқни бир-бирига беғона қилиб қўйди, ваҳоланки, Россия ва АҚШ ўртасида ҳамиша илиқ муносабатлар ҳукм сурганди. АҚШ ташкил топганидан то Россияда қизил инқилоб рўй бергунга қадар ва 1933 йилдан 1945 йилгача улар орасида алоқалар ва савдо анча яхши бўлган. АҚШ озодлик кураши, Наполеон урушлари давридаги ҳамкорлик, Россия

²⁶ Шарқ ва Ғарб сиёсий термин бўлиб, Шарқ деганда СССР ва унга иттифоқдош бўлган социалистик давлатлар тушунилса, Ғарб тушунчаси АҚШ ҳамда демократик тузумдаги бошқа давлатларни ўз ичига олади.

²⁷ 1946-1991 йиллар давомида АҚШ ва СССР ҳамда капиталистик ва социалистик давлатлар ўртасидаги бутун жаҳон миқёсидаги геосиёсий, мафкуравий, ҳарбий, иқтисодий қарама-қаршилик Совуқ уруш термини билан ифодаланади.

Аляскани АҚШга бериши²⁸, Иккинчи жаҳон урушидаги иттифоқ ва ленд-лиз²⁹ шартномаси буларнинг исботидир. Уларнинг сиёсий тузумида ҳаммиша фарқ бўлган. Россия чор ҳокимияти ҳам, коммунист давлати ҳам АҚШ танлаган давлатчиликка умуман тўғри келмасди, аммо алоқалар яхши эди. Бинобарин, негадир 1945 йилга келиб муносабатлар буткул қарама-қарши бўлиб қолди. Чунки манфаатлар тўқнашди. Бундан масала тузумда эмас, балки манфаатда, деган хулоса чиқади. Ҳар ҳолда, ўша вақтдаги аксарият сиёсатчилар шундай деб ўйлашарди. Ваҳоланки, масала негизида бир-бирини тушунмаслик омили ётганини улар инкор этарди.

Кескинлик уруш якунида кўзга кўрина бошлади. Кўпчилик олимлар Японияга ядро қуролини ҳарбий эмас, балки сиёсий мақсадда ишлатилганини эътироф этади. Чунончи, бу ҳаракат билан Ғарб бу ёғига дунёни ким назорат қилишини кўрсатиш учун ўз кучини намойиш қилди, деган фикр ҳосил бўлади.

Уруш охирларида Совет Иттифоқи бутун Шарқий Европани фашистлардан озод этиб, Германияга қадам қўйганди. Сталиндан рус аскарларини Берлинда кўриш ҳақида сўрашганда, у ўтмишда рус подшоши Александр I Парижгача борганини айтиб³⁰, бу ҳали ҳаммаси эмас

²⁸ 1867 йили Россия ўзига тегишли бўлган Аляска ҳудудини 7,2 миллион доллар олтин эвазига АҚШга сотиб юборган.

²⁹ Уруш тугаши билан ленд-лиз бўйича моддий ёрдам ҳам тўхтайди. СССР ва кейинчалик унинг вориси Россия АҚШга ушбу шартнома доирасидаги қарзларининг тўловини 2006 йилга қадар амалга оширган.

³⁰ Франция императори Наполеон Бонапарт Гитлердан фарқлироқ 1812 йил Россия билан бўлган урушда Москвани қўлга киритган, аммо оз вақт ўтиб ортга чекинишга мажбур бўлган. Россия подшоҳи Александр I уни Парижгача таъқиб қилиб тарихий галабага эришган ва бу билан бутун Европада Россиянинг таъсир кучи энг юқори бўлишини таъминлаган.

деган маънода жавоб қайтарган экан. Совет Иттифоқи ўзи озод этган ҳудудларда Ялта конференциясида ваъда қилинган эркин сайловларни ўтказмайди, чунки улар қай аҳволни тақозо қилиши номаълум эди. Кечагина уруш балосидан халос бўлган давлатга ўз ёнида дўстона кайфиятдаги қўшнилар зарур эди. Сталин геосиёсатчи эди, у ўз қўшини жойлашган ҳудудларни бировга бериш ниятида эмасди. Ахир улар учун Совет Иттифоқи миллионлаб жон товони тўлаганди. Натижада, уларнинг аксариятида коммунистик тузумли ҳокимиятлар ўрнатилди.

1945 йил 2 сентябрда АҚШ ҳамда Япония ўртасида имзоланиб, Иккинчи жаҳон урушига яқун ясаган шартнома ҳам Шарқ ва Ғарбнинг алоқаларига салбий таъсир этади. Чунки Ялта конференциясига кўра, Япония сўзсиз таслим бўлиши шарт эди, аммо японлар халқ бирлигини асраб қолиш мақсадида император ҳокимиятининг сақлаб қолинишини сўрашади ва америкаликлар бунга рози бўлишади. Сталиннинг ўзи биринчи бўлиб битимни бузишига қарамай, АҚШнинг бу ҳаракатини сотқинлик дея қабул қилади ва Совет Иттифоқи Япониянинг капитуляциясини қабул қилгани билан ўзаро тинчлик тўғрисидаги ҳужжатни имзоламайди³¹. Ўз навбатида АҚШ Президенти Трумэн ҳам Ялта конференциясида Рузвельт советларга ҳаддан зиёд ён босганини таъкидлаб, ушбу конференциянинг айрим келишувларига амал қилишдан бош тартади. Мисол, Узоқ Шарқдаги Япония ҳудудлари Совет Иттифоқи тасарруфига ўтиши энди маъқулланмайди.

³¹ Япония ва СССР вориси Россия ҳозир ҳам расман Иккинчи жаҳон уруши ҳолатида турганликлари кўп манбаларда эътиборли маълумот сифатида кўрсатилади.

1946 йили Уинстон Черчилль Ғарб давлатларини коммунизмга қарши бирлашишга чорлади ва алоқалар расмий даражада узилишига сабабчи бўлди. Черчилль ўзининг нутқида АҚШ ҳамда СССРнинг буюк держава эканини ва жаҳон сиёсати кўп маънода уларга боғлиқ бўлиб қолганини баён этади. Шу билан бирга, у Шарқий Европа мамлакатлари коммунизмнинг таъсир доирасига тушганлари ва буёғига социалистик лагерь вакилларида хар қандай хавфни кутиш мумкинлиги тўғрисида огоҳлантиради.

Америка Қўшма Штатлари Совет Иттифоқига нисбатан тескари сиёсат олиб боришига АҚШнинг Москвадаги элчи маслаҳатчиси Жорж Кеннаннинг 1946 йил 22 февраль куни юборган маълумотлари таъсир этади. Ушбу ахборот ҳаддан зиёд кўп бўлганлиги учун у “Узун телеграмма” номи билан тарихга киради. Кеннан ўзининг телеграммасида бутун совет ташқи сиёсати манфаатларини тубдан ёритиб беради. Унинг ахбороти совет сиёсатини агрессив қилиб қиёфалайди. Советлар ҳукумати Ғарб давлатларининг позицияларини кучсизлантириб ўз таъсир доирасини глобал миқёсида олиб боришга интилаётганиди. Уларни фақат куч билан тийиб туриш мумкин эди, бошқача усул фойда бермасди. Давлатнинг асосий ҳокимияти партия, бир шахс ва унинг атрофидаги ҳеч кимга маълум бўлмаган маслаҳатчилар қўлида эди. Бу ҳокимиятни марказлаштирса-да, бошқа томондан ички муҳит бутун давлатни хонавайрон қилиши эҳтимоли мавжуд эди ва АҚШ уларга нисбатан куч омилидан фойдаланиб, ички емирилишга, коммунизмни халқаро майдонда тийиб туришга эътибор қаратиши лозим эди. Бундан

ташқари, телеграммада ёрдамга муҳтож давлатларга биродарлик қўлини чўзиш алоҳида эътироф этилганди, чунки агар бу ишни АҚШ қилмаса, Совет Иттифоқи жон-дилдан амалга оширарди. Шундай қилиб, Кеннаннинг телеграммаси 1991 йилгача давом этган СССРга қарши АҚШнинг “Тийиб туриш” сиёсати, Трумэн доктринаси, НАТО ташкилотининг барпо этилиши, Маршалл режаси ва яна бир қатор лойиҳалар дунёга келишига сабабчи бўлади. Натижада, дунё икки ҳарбий лагерга бўлиниб, улар орасидаги алоқалар глобал даражада совуқлашиб кетади, Кеннан эса Совуқ урушнинг “меъмори” сифатида тарихда қолади. Бу 45 йил мобайнида давом этган зиддиятлар, қонли тўқнашувлар, қарама-қарши кутблар ҳамда НАТО ва Варшава шартномаси блоклари ташкил этилиши, қуролланиш пойгаси, космос учун кураш ва бир қанча ачинарли вазиятларга олиб келди. Ваҳоланки, Кеннаннинг ўзи кейинчалик “советларни тийиб туриши” деганда ҳарбий эмас, балки фақат сиёсий ва иқтисодий жиҳатларни назарда тутганини эътироф этади. Аммо ўша вақтлари уни тушунмаган АҚШ сиёсати умуман бошқа геосиёсий вектор бўйлаб ҳаракатланади. Корея, Вьетнам, Афғонистон, Конгодаги урушлар, Куба инқирози, Ҳиндистон ва Покистон рақобати, араб-исроил можаролари, Берлин ва қолган барча зиддиятлар, айнан, шу қарама-қаршилиқ қурбонига айланади.

Айтиб ўтиш жоизки, ушбу Совуқ уруш фақат Ғарб мамлакатларининг хатоси эмас. Бунда ҳар икки томон бирдек айбдор. Чунки Президент Трумэн ҳамда Бош вазир Черчиллларнинг шу тўғрисидаги бир неча бор огоҳлантириш мурожаатлари Сталин томонидан

инкор этилганди. Ҳали жаҳон уруши давом этаётган вақтида Ялта конференциясида томонлар Шарқий Европада очиқ сайловлар бўлиб ўтиши ва ушбу халқлар ўз келажагини ўзлари белгилаши тўғрисида келишилганди. Бинобарин, Совет Иттифоқи бу аҳдни бузади ва “давлат хавфсизлиги ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишни” рўкач қилиб, ушбу ҳудудда ўзига маъқул келадиган “укаларни” жорий этади. Ушбу ҳудудлар учун Сталин олдин фашистлар билан бирга, кейин демократик давлатлар билан Германияга қарши курашган эди. Мана, энди СССР Ғарб давлатларининг ишларига аралашмаса ҳам, улар негадир Сталиннинг ишларига аралашарди. Ғазабланган диктатор, энди керак бўлса, демократик давлатларга ҳам қарши курашишини билдиради. Унинг учун фашистлар ҳам, демократлар ҳам бари бир, яъни айёр капиталистлар эди. Бундан норози бўлган ва алданган Ғарб раҳбарлари советларга ишонмай қўйишади. Улар учун юридик характерга эга бўлган ҳужжатлар қанчалик муҳим эканини Сталин тушунмасди. Американи Америка қилган нарса қонунлар, ҳужжатлар ва шартномалардир, агар улар бўлмаганида ушбу давлат ҳам, халқ ҳам вужудга келмасди. Шунинг учун ҳам уларда қонунлар ва келишувларга итоат этиш долзарб эди. Ғарб томонидан Совет Иттифоқининг 1941 йилдаги шарқий давлат чегаралари тан олиншининг ўзи улкан дипломатик ютуқ бўлганди. Чунки юқорида кўриб чиққанимиздек, Советлар ушбу ҳудудларни фашистлар билан келишилган ҳолда эгаллаган ва энди уларнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинishi ушбу йўл қўйилган агрессияни бўлмагандек қилиб кўрсатар эди. Шулар-

га қарамасдан, эркин сайловлар бўлиб ўтмади ва Шарқий Европа коммунизм асирига айланди.

Тарихий манбаларга қараганда, АҚШ Президенти Рузвельт Европа келажagini Буюк Британия ҳамда СССРга қолдириб, америкалик аскарларни у ердан олиб чиқиб кетиш ниятида бўлган экан. Чунки Европага эгалик қилиш уни қайта иқтисодий оёққа турғазини талаб этар, бу эса, унингча, Америкага қўшимча муаммо эди. Лекин уруш якуни ўзгача тус олади. Ҳар икки томон ҳам эзгуликка интилгани билан, ўзаро ишончинг сўниши ва тушунмовчиликлар Американи қитъада қолишга ва коммунизмга қарши курашишга мажбур этади. Эзгуликка бўлган турлича ёндашувлар ўзаро ҳамфикрликни йўқотганди. Натижада, ғоялар устуворликни геосиёсатга бўшатиб беради ва сўнгра, айтганимиздек, Совуқ уруш бошланиб кетади. Демак, аввал бошидан таъкидлаганимиз каби, вазиятга бир томонлама баҳо бериб, кўп учраётган тарихий хатоликларга дуч келиб қоляпмиз. Уларга эргашмасдан, ўтмишни борича қабул қилиш, яъни ушбу вазиятда ҳар икки қутбда бўлиб ўтган зиддиятда хатолик бор деб айтсак нотўғри бўлмайди.

Черчилнинг фикрига кўра, қарама-қаршилиқни ҳали Совуқ урушнинг илк йилларидаёқ тўхтатиб, ягона бир ечимга келиш лозим эди. Чунки ўша вақтлари ҳали уруш даврининг биродарлик ҳислари сақланиб қолинган ва томонлар бир-бирларига ён босишлари эҳтимоли бор эди. Бундан ташқари, АҚШнинг ядро қуроли бўйича ўрнатган монополияси Совет Иттифоқи билан музокараларда дипломатик восита бўлиб хизмат қилиши мумкин эди. Бинобарин, АҚШ алоқаларни тўлиқ тўхтатади. СССР эса, ўз навбати-

да, атом бомбаси олдида қўрқув кўрсатмайди, чунки ушбу давлатда ҳам бу борада ишлар аллақачон бошлаб юборилганди.

Воқеаларнинг бундай ривожини тинчлик посбонига айланган Дуайт Эйзенхауэрни бирмунча тушкунликка солиб қўяди, чунки инсонпарвар киши сифатида у яна бир уруш бўлишини истамасди, аскарлар ҳам, оддий халқ ҳам бу бало захматларидан чарчаганди. Давлатлар ўртасидаги алоқалар яхшиланишида ва янги уруш бошланмаслиги йўлида қаҳрамонимиз яқинда тузилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ишонарди. Унинг фикрича, ушбу ташкилот тинчликни сақлаб турувчи энг муқобил восита эди. Агар бир ташкилот доирасида иш олиб бориш имкони бўлса, демак, жанжаллашмасдан биргаликда яшаса ҳам бўларди. Бу, ҳеч бўлмаса, Ғарб ва Шарқ ўртасида модус вивендига³² эришиш имкониятини берарди. Илиқ алоқаларни сақлаб қолишга икки томон ҳам интиларди. Хусусан, Совет раҳбари Сталин Эйзенхауэрни Совет Иттифоқига 12 август куни ташкиллаштирилаётган Миллий спорт парадига таклиф қилади. Генерал Россияда ҳеч ҳам бўлмаганди ва у бу таклифни катта қизиқиш билан қабул қилади. Расман маршал Жуковнинг меҳмони сифатида қабул қилиниши уни бирмунча хурсанд этади, чунки ушбу вазиятда у АҚШ вакили бўлиб эмас, балки уруш қаҳрамони, ҳарбий қўмондон ва генерал сифатида ташриф буюрарди. Бу эса ҳарбий киши учун ёқимли эди. Бунинг устига, Берлиндан Москвагача маршал Жуковнинг шахсан ўзи унга ҳамроҳ бўлиши Дуайтни янада шод этарди. Эйзенхауэр бу саёҳатга розилик билдириб,

³² Келгусида доимий алоқаларни кўзда тутган вақтинчалик ёки дастлабки дипломатик келишув.

Вест-Пойнтда ўқишни тамомлаб анчадан буён Европада хизмат қилаётган ўғли лейтенант Жон Эйзенхауэрни ҳам ўзи билан олишга қарор қилади. Отаси ва Жуковдек икки буюк саркарда билан сафарга отланиш Жон учун улкан бахт эди.

Улар Москвага етиб келганларида, аввалига, АҚШнинг Совет Иттифоқидаги элчиси Аверелл Гарриман меҳмони бўлишади, кейин эса Қизил армия Бош штаби бошлиғи генерал Антонов³³ қароргоҳига ташриф буюришади. Эртаси куни Москва Қизил майдонида катта парад ташкил этилади. Эйзенхауэр ҳам бир гуруҳ америкалик делегация аъзолари билан унда иштирок этади. Маросим чоғида Совет раҳбари Иосиф Сталин Дуайтни ўз ёнига, Ленин мавзолейида туриб парадни кузатишни таклиф этади. Бу таклифдан Дуайт бирмунча иккиланиб қолади, чунки АҚШ президенти вакили бўлган элчи Гарриманни ташлаб ўзи Сталиннинг ёнига кетиб қолса, бу, қайсидир маънода, ҳурматсизлик бўларди. Шунда Сталиндан Дуайт ўзи билан яна икки кишини олиши мумкинлиги тўғрисида хабар келади. Генерал ўзи билан элчини ҳамда АҚШ ҳарбий миссия раҳбари генерал Жон Динни ҳамроҳликка олишга қарор қилади. Ажабланирлиси, қаҳрамонимиз Ленин мавзолейига таклиф қилинган биринчи чет эллик фуқаро эди. Шу пайтгача совет амалдорлари бундай мулозаматни ҳеч бир хорижликка кўрсатмаганди.

Эйзенхауэр парадни Сталин билан ёнма-ён ту-

³³ Алексей Антонов (1896-1962) – совет қўмондони, армия генерали, 1945-1946 йилларда Штаб бошлиғи, Варшава шартномаси ташкилотининг Бирлашган қуrolли кучлар штабининг бошлиғи, Иккинчи жаҳон урушида Совет давлати амалга оширган барча ҳарбий операциялар тузилиши иштирокчиси.

риб томоша қилади. Бу вақтга келиб Сталин энг олий ҳарбий унвон генералиссимус даражасига кўтарилганди, Дуайт эса АҚШдаги энг юқори унвон соҳиби – армия генерали³⁴ эди. Парад 5 соат давом этади. Уларнинг суҳбати шундай мазмунли бўладики, чарчоқ аломати ҳеч ҳам сезилмайди. Сталин Эйзенхауэрда бўлажак АҚШ президентини кўради, шунинг учун ҳам ҳозирдан у билан илиқ муносабатлар ўрнатишга ҳаракат қилади. У Дуайтга АҚШнинг саноат, илм-фан, таълим ва ижтимоий ютуқларига қизиқишини ва АҚШ ҳамда Россия дўст бўлиб қолишини таъкидлайди. Бундан ташқари, у икки давлатнинг Берлиндаги муносабатлари совуқлашаётганидан хавотир олаётгани ва нима бўлса ҳам, ҳамкорликни асраб қолиш кераклиги тўғрисида фикрлар билдириб ўтади.

Россияда бўлган вақтида Дуайт бу ерда ватанпарварлик жуда кучлилигини ҳис этади. Совет Иттифоқида ушбу соҳага алоҳида эътибор бериларди. Кўпчилик олимларнинг фикрига кўра, айнан, ватанга бўлган муҳаббат туфайли ҳам СССР урушда ғалаба қозонганди. Чунки ҳарбий техника, қурол-яроғ ва жанг санъати бўйича немислар улардан анча олдинлаб кетганди. Аммо темир ирода ва ватанпарварлик ҳар қандай кучни тор-мор этиши мумкинлигини ушбу давлат вакиллари исботлайдилар. Эйзенхауэр ҳам уларнинг ватанпарварлигига тан беради. Ҳарбий киши сифатида у билардики, бу ғалаба учун зарур бўлган энг муҳим уч омилнинг бири эди. Жуков билан бўлган суҳбат вақтида ҳам у Совет Иттифоқи учун жанговар руҳ энг муҳим бўлганини тушунади. Ғанимни маънан синдириш мақсадида Қизил армия кутилмаганда қўққисдан

³⁴ Фельдмаршал даражасига тенглаштирилган унвон.

ҳужумга ўтиш тактикасини қўлагани маълум бўлади. Кутилмаганда ҳужумга учраган фашистлар саросимага тушиб қолар ва бу қўрқув пайдо бўлишига олиб келар эди. Яхши қуролланган қўрқоқ аскар эса қуролсиз, аммо жанговар руҳияти юқори бўлган аскарга осонгина енгиларди - қоларди. Булар хаммаси маънавий масалалар Қизил армияда фундаментал соҳа бўлиб шаклланигандан далолат берарди.

Сафар мобайнида Дуайтни Кремль музейига ҳам тақлиф этишади. Америка элчихонасидан ҳали ҳеч ким у ерда бўлмаган эди, шунинг учун ҳам қаҳрамонимиз 50-60 кишидан иборат бутун элчихона ходимларини ўзи билан олишга қарор қилади. Ўзига кўрсатилган бундай юксак илтифотдан унинг кўнгли ғоятда кўтарилади. Бунинг устига, ўша вақт шарқий фронтда Япония таслим бўлгани ва уруш ниҳоят яқун топгани хурсандчиликни янада оширади. Генерал учун аёвсиз тўрт йиллик уруш ортда қолган, энди уйга қайтиб тинчлик гаштини суриш вақти келган эди.

Меҳмонлар кейин Ленинград шаҳрига ҳам ташриф буюришади. Улар шарафига уюштирилган базмда маршал Жуков Дуайтнинг ўғли Жонга ҳам қадах сўзи айтишни илтимос қилади. Маршал, генерал ва адмираллар ичида юрган бу ёш лейтенант ўз сўзлари билан барчани лол қолдиради. У ғалабани таъминлаган энг муҳим инсон, яъни оддий аскар шарафига қадах кўтаришни тақлиф этади. Бу сўзлар маршал Жуковга жуда манзур келади ва у Эйзенхауэрга “биз иккаламиз қариб қоляпмиз, чунки урушда асли ким ғалаба қозонгани масаласи бўйича ёш лейтенантнинг оғзига қараб ўтирибмиз”, деган маънодаги гапларни айтади.

Россия сафари якунига етиб, Эйзенхауэр Ленин-

граддан Берлинга қайтиб келади. Унга хабар беришадикки, АҚШ Ҳарбий вазирлиги Президент Трумэн розилиги билан маршал Жуковни Америка Қўшма Штатларига таклиф этади. Совет учувчилари Атлантика океанини яхши билмагани туфайли, Эйзенхауэр Жуковга малакали учувчи ва ўз самолётини беришга қарор қилади. Бу хабарни эшитиб, Жуковнинг боши кўкка етади. Аммо совуқлашиб бораётган америка-совет алоқалари маршалнинг сафарга чиқишига тўсқинлик қилади. Бунинг устига, Жуковнинг соғлиги ҳам ёмонлашиб қолади ва белгиланган тарихий ташриф бекор қилинади. Кейинчалик Эйзенхауэр Жуков билан 1945 йил 7 ноябрь куни Берлинда учрашади. Учрашув вақтида Жуков биринчилардан бўлиб халқаро муносабатларда янги давр бошлангани ва янги тартибни АҚШ билан Совет Иттифоқи диалоги ҳал этишини таъкидлайди. Унга кўра, БМТ келажаги, айнан, ушбу икки давлатга боғлиқ эди. Жуковнинг: “Агар биз ҳамкорликни сақлаб қолсак, дунёдаги ҳеч бир давлат биз инкор этган вақтимиз уруш қилишга жазм этолмайди”, деган гаплари янги даврда барча масалалар икки супердержава хоҳиши орқали ечилишини англатарди. Бу қарашлари билан ҳарбий бўлган Жуков сиёсатни энг кучли сиёсатчилардан ҳам, сиёсатшунослардан ҳам кам билмаслигини исботлайди. Чунки дунё буюғига, ҳақиқатдан ҳам, у айтган сценарий бўйича ривожланади. Ҳолбуки, АҚШ ва СССР ҳамкорликни эмас, балки адоват йўлини танлашганди. Бу халқаро майдонда кескинлик янада ортишига замин яратади, ваҳоланки, уруш, айнан, ўша кескинликни йўқ қилиш учун олиб борилганди.

Ҳали ҳеч қачон инсоният тинчликка эришмаган,

барча вақтларда дунёнинг у ёки бу нуқтасида доимо уруш, зиддият ва тўқнашувлар бўлиб турган. Статистик маълумотларга қараганда, бутун инсоният тарихида фақат 300 йил одамлар урушларсиз яшаган экан. Бу ачинарли, албатта. Қаҳрамонимиз Дуайт инсониятни бирдамликка чорлайди, чунки унинг ёрдамида фашизмдек қудратли куч таслим этилганди. Ана шу бирдамликни халқаро майдонда сақланиши энг бебаҳо бойлик – тинчликка эришишнинг кафолатидир.

ТИНЧЛИК – БЕБАҲО НЕЪМАТ

Урушдан сўнг Дуайт Эйзенхауэр АҚШдаги ҳарбий киши эгаллаши мумкин бўлган энг олий лавозим Бош ҳарбий штаб бошлиғи даражасига кўтарилди. Германиядаги ҳарбий ҳукумат раҳбарлигидан озод этилган генералга бутун АҚШ армиясини демобилизация қилиш вазифаси юкланганди. Миллионлаб ҳарбийларни юртга қайтариб, янги, тезкор ва ихчам армия ташкил этиш унинг асосий мақсади эди.

У армия генерали унвони, штаб бошлиғи, тарихий шон-шухрат – барчасига эришганди. Булардан юқорисида фақат президентлик мансаби турарди, холос. 1945–1947 йилларда Вашингтондаги сиёсатчилар Дуайтни ушбу мақсадга йўналтиради. Бинобарин, унинг яқин ёрдамчисига айланган укаси Милтон, ҳали ички сиёсий масалалар бўйича ҳам меҳнат қилиб ном чиқариш лозим, ҳали президентликка эрта, деган хулосага келади. Бу вақтда дунёнинг бир нечта топ университетларининг илмий даражаларига эга бўлган Эйзенхауэр 1947 йил июнь ойидан бошлаб АҚШнинг энг нуфузли университетларидан бири – Колумбия

университетига ректор этиб тайинланади, Бош штаб бошлиқлигига эса эски қадрдони, Вест-Пойнтдаги курсдоши ва қуролдош дўсти генерал Омар Брэдли кўтарилади. Кейинчалик Брэдли 1949 йилда тузилган Бирлашган штаблар бошлиқлари қўмитасига биринчи раис этиб ҳам тайинланади.

Университетга келиши билан у ўқитувчи-профессорлар олдидан чиқиш қилиб, ҳарбий эканини, ректорлик даражасига илм-фан йўлидаги хизматлари учун эмас, балки урушда қўшган ҳиссаси учун эришганини ва ҳеч қандай илмий шухратга талабгор эмаслигини билдиради. Бу ҳаракати билан у олимлар саройида ўзи ҳақида ижобий фикр уйғотади.

Университет Нью-Йоркнинг хавфли ҳудудларидан бири Гарлемга яқин жойлашгани туфайли Дуайт ўзи билан олий ўқув юртида доимо тўппонча олиб юрарди. Унинг бу каби ҳаракатлари илм-фан вакилларига бир-мунча қизиқ эди.

Армия генерали унвонини умрбод сақлаб қолган Дуайт учун янги ректорлик вазифаси айни муддао эди, чунки энди бемалол ижод билан шуғулланиб, бошидан кечирганларини дунё билан бўлишса бўларди. Айнан, шу вақти юқорида эслаб ўтилган машҳур “Европага салиб юриш” асари чоп этилади. Дуайт китобни 1948 йил 8 февралдан 26 мартга қадар ёзади. Ўша вақтлари у эрталаб соат 6 дан кеч соат 11 гача ишларди. Бир ярим ой ичида у урушда кўрган барча кечинмаларини қоғозга туширади ва булар қаҳрамонимизга оламшумул жарангдор ном келтиради. Энди америкаликлар нигоҳида у нафақат ҳарбий, балки илм билан банд, ижодкор адиб бўлиб гавдаланарди. Ушбу асар бир неча миллион нусхада чоп этилиб, дунёнинг ўнлаб тилларига таржима эти-

лади ва муаллифга ярим миллион доллар атрофида гонорар олиб келади.

Университетдаги фаолияти даврида у кунига 15-17 соат ишлар ва унинг қабулхонаси ҳамма вақт барча учун очик эди. Ўша вақтларда у, асосан, ўз устида кўп меҳнат қилар, эътиборини сиёсат ва иқтисод соҳаларини янада мукамал ўрганишга қаратар эди. У советларни яхшироқ тушуниш учун уларнинг мафкурасини ўрганиш лозим, деб фикрларди, шунинг учун ҳам университетда коммунизм ва социализм бўйича тадқиқотлар авж олади. Советлар билан қанча кўп контакт бўлса, алоқалар шунча ривожланар ва яхшиланар эди, бунинг учун эса уларни тубдан ўрганиш талаб этиларди. Бунда университетга жаҳоннинг энг олди илмий марказларидан бири Халқаро муносабатлар бўйича Кенгаш (Council on foreign relations) ташкилоти яқиндан ёрдам беради.

Дуайт урушдан сўнг Американинг даври келганини яхши биларди ва ўз маърузаларида талабаларни “дунёнинг ҳар соҳасида ҳукмронлик қилишга ҳисса қўшиш миссияси”га чорларди.

Эйзенхауэрнинг бу тинч ҳаёти унча ҳам узоқ давом этмайди, халқаро майдонда бўлиб ўтаётган жараёнлар уни яна ҳарбий кителни кийишга мажбур этади. 1949 йили Совет Иттифоқи ядро қуролини омадли синовдан ўтказади. Бу билан АҚШ ядро монополиясига чек қўйилади. Энди Америка Россияга куч билан дўқ қилолмасди, чунки советлар ҳам муносиб жавоб қайтара олиш имкониятига эга эди. Совет Иттифоқи ядро қуролига эга бўлгач, дунёда кучлар мутаносиблиги тикланади ва кескинлик анча камаяди. Чунки бир-бирини йўқ қилиб юбориш омили бу икки супердержавани урушга киришдан сақлаб

турарди. Тўғри, ўша вақтлари советларнинг ядро бомбаси сон жиҳатдан АҚШникидан кам эди, аммо уларга шикаст етказишга имконлари етарди. Бу эса давлатлар ўртасида қуrollаниш пойгаси бошланишига сабаб бўлади. Яъни бор эътибор ҳарбий харажатларга қаратилиб, иқтисод қуroll саноатига йўналтирилади.

Ядро қуrollи АҚШга халқаро майдонда улкан устунликни тақдим этаётганди. Унинг ёрдамида исталган давлат ёки давлатлар комбинациясини яқсон этиш мумкин эди. Бу қулай дипломатик воситага ҳам айланиб улгурганди. Яъни хоҳлаган мамлакатга куч ёрдамида таъсир этса бўларди. Энди эса ҳаммаси пуч эди, чунки СССР унга эга чиққач, бошқа давлатлар ҳам бу борада бош қотира бошлайдилар.

АҚШ яқка ҳокимликни йўқотганидан сўнг ўзи ва Ғарб мамлакатларини коммунизм юришидан асраш мақсадида НАТО (North Atlantic Treaty Organization) ҳарбий блок ташкилотига асос солади. Ушбу блокка ўша йили АҚШ, Канада, Буюк Британия, Франция, Италия, Исландия, Нидерландия, Бельгия, Люксембург, Норвегия, Дания ва Португалиялар аъзо бўлиб кирадилар. Уларнинг бош мақсади умумий мудофаа масалалари эди, чунончи, агар бир давлат ташқи агрессияга учраса, қолган барча давлатлар унга ёрдамга келишга мажбур эди. Энди ушбу катта ҳарбий ташкилотнинг Бирлашган қуrollли кучларига раҳбар кадр лозим эди ва Эйзенхауэр бу лавозимга жаҳондаги ягона муносиб шахс эди. Шунинг учун ҳам Президент Трумэн ҳамда қолган мамлакатлар лидерларининг умумий розилиги ва талаби билан Эйзенхауэр бирлашган кучлар қўмондони этиб тайинланади. Бу улкан шараф бўлиши билан бир қаторда, ўта муҳим масъулиятни англатарди.

Фавқулодда глобал миқёсидаги уруш ва тинчлик масалалари ушбу ташкилотга боғлиқ эди. Ўзига ўринбосар сифатида Дуайт эски қадрдони, инглиз фельдмаршали Монтгомерини таклиф этади. Монти ҳам “йўқ” демайди.

Дуайт Европада НАТО ва унинг фаолияти билан банд бўлган бир вақтда АҚШ Корея ярим оролидаги можарога аралшиб қолганди. Шимолий ҳамда Жанубий Кореялар ўртасидаги уруш бир томондан Совет Иттифоқи ва Хитой, иккинчи томондан АҚШни жалб этади ва бу қутблар ўртасидаги зиддиятни янада оширади.

1949 йил АҚШ ўз қўшинларини Жанубий Кореядан олиб чиқиб кетганидан сўнг, орадан бир йил ўтиб Шимолий Корея бир ҳамлада жанубликларни мушкул аҳволга солиб қўяди. Президент Трумэн шу ондаёқ Япониядаги АҚШ кучларини можарога сафарбар этади. Уларга генерал Макартур қўмондонлик қилади. Макартур яшин тезлигида жанубликларни озод этиб, ғанимни илдизи билан маҳв этиш ва бутун Кореяни бирлаштириш истиқболларини таклиф этади. Аммо тўсатдан ёрдамга келган Хитой Халқ Республикаси армияси бунинг амалга ошишига йўл қўймайди. Макартур Хитойга ҳам тотал уруш эълон қилиш тарафдори эди. Аммо Вашингтон бунга рози бўлолмасди, чунки бунинг оқибатида жаҳон уруши бошланиб кетиши мумкин эди. Штаб бошлиғи генерал Омар Брэдли таърифига кўра, у ердаги ҳолат АҚШни “ўзи истамаган урушга, исталмаган ҳудудда ҳамда вақтда, исталмаган рақибга рўпара этарди”. Урушни тўхтатиш ва давлатлар ўртасида белгиланган 38 - параллель бўйича чегараларни тиклаш тўғрисида музокаралар чўзилиб кетади, аммо бир кесимга келинмайди. АҚШнинг уму-

мий йўқотишлари 156 минг кишини ташкил этади. Бу Иккинчи жаҳон урушидаги АҚШ йўқотишларининг сал кам ярми дегани эди. Мамлакатга тинчлик олиб келадиган раҳбар сув ва ҳаводек зарур эди. 1952 йили президентлик сайловлари бўлиб ўтишини инобатга олсак, Эйзенхауэр сиймосида Америка аҳли ўша раҳбарни кўради. Натижада, сиёсий партиялар ўртасида Дуайт учун кураш бошланади. У партиясиз бўлгани учун АҚШнинг ҳар икки партияси, демократлар ҳам, республикачилар ҳам уни ўз томонига оғдириб олишга ҳаракат қиладилар. Бу жараёнга ҳатто амалдаги Президент Трумэн ҳам аралашиб қолади ва у Дуайтга ўз ёрдамани таклиф этади, аммо сайловларда отаси ҳар доим республикачиларга овоз бергани учун АЙК республикачилар партиясини танлашини билдиради. Маълум бир вақтдан сўнг у НАТОдан, 1952 йилнинг ёз фаслига келиб эса, бутунлай армиядан кетади ва президентлик сайловлари учун тайёргарлик кўра бошлайди.

НАТОдан кетиши билан у яна ректорлик вазифасига киришади ва 1953 йилнинг январь ойигача Колумбия университети ректори лавозимида ишлайди. Чунки НАТО Конгресс ва оддий Америка фуқаролари учун унчалик ҳам муҳим эмасди. Шунинг учун ҳам Эйзенхауэр ректор сифатида сайловларда иштирок этишни режа қилади, чунки бу унга сайловчилар нигоҳида яхшироқ қиёфа яратарди.

Республикачилар партияси съездида Эйзенхауэр билан бир қаторда генерал Макартур номзоди ҳам кўриб чиқилади. Макартур ҳам Тинч океанидаги Япония билан бўлган урушда ғалаба қозонган, унинг ҳам обрўси Дуайтникидан кам эмас эди. У ишлаб чиққан тактика иш бериб, Япониянинг енгилиши

Макартурнинг ҳарбий даҳолигини исботлаганди. Бунинг натижасида, икки буюк армия генерали, устоз ва шогирд ўртасида рақобат вужудга келади. Аммо Макартур амалдаги Корея урушига қўмондон этиб тайинланган ва шунинг учун ҳам халқда ижобий ном қозонмаган эди. Шимолий Корея юта бошлагандан сўнг Макартур уларга ва Хитойга ядро қуролини ишлатишни Пентагондан талаб қилади. Бир марта бундай разилликка борган ҳукумат ушбу вариантни иккинчи бор рад этади ва Макартур қўмондонликдан туширилади. Улкан йўқотишлар ва омадсиз Корея юриши Трумэн жамоаси, демократлар партияси ва можарога алоқадор бўлган барчага салбий имиж олиб келади. Бунинг устига, 1949 йилда Хитойда ҳам Мао Цзэдун бошчилигида коммунистлар инқилоби ютиб чиқади. Бу Совет Иттифоқининг ғалабаси эди, чунки АҚШ қўллаб-қувватлаган Чан Кайши ҳукумати фақат кичкина Тайвань ороли билан чекланади. Генерал Макартурнинг сиёсий карьераси ҳам мана шу геосиёсий мағлубиятларни деб поймол бўлади.

Эйзенхауэр етарли фарқ билан праймеризда (партиянинг ички сайловлари) ғалаба қозонади. Ўзига вице-президент этиб у ёш Калифорния штати сенатори Ричард Никсонни танлайди. Антикоммунист номи билан машҳур миришкор сиёсатчи Никсон Дуайтга керак эди. Чунки у Трумэн администрациясини советларга аксарият позицияларни бериб қўйгани учун танқид қилар ва ўзининг сайловолди дастурида бундай ишларга ҳеч ҳам йўл қўймаслигини таъкидлар эди. Шунинг учун ҳам унга Никсондек антикоммунистчи керак эди. Бунинг устига, Никсоннинг характери унга хуш ке-

ларди (кейинчалик Эйзенхауэр ва Никсон куда ҳам бўлишган, яъни президентнинг невараси Никсоннинг қизи – Жулияга уйланган).

Айк сайловолди дастурига ўзи раҳбарлик қилишни лозим топади. Унга унчалик ҳам кўп ва чигал сиёсий ўйинлар, манёврлар керак эмасди. Чунки, биринчидан, халқ ичида етарлича обрўга эга эди, иккинчидан, Америка катта бизнес олами (Рокфеллерлар, Морганлар ва Дюпонларга тегишли бўлган “Женерал моторс”, “Женерал Электрик”, “Стандарт ойл оф Калифорния” каби компаниялар) унинг тарафида эди. Армия ва ҳарбийларни айтмаса ҳам бўлади. Ўша давр учун у президентликка идеал номзод эди.

Тарғибот масалалари бўйича барча маъруза нутқларини ўзи шакллантирарди. Филиппиндаги хизмат йилларида Дуайт генерал Макартурнинг спичрайтери бўлиб ҳам ишлаган, ўша тажрибаси энди унга қўл келар эди. Нутқларида у америкаликларни ва оламни тинчлик ва эзгуликка чорларди. “Учинчи жаҳон урушида ғалаба қозонишнинг ягона йўли – унинг олдини олиш”, деб уруш балосидан воз кечиш тарафдори эканини ифода этарди. Кореяда кечаётган урушга эса у “бу осиеликларнинг иши, ўзлари ҳал этсин”, деб муносабат билдирарди. Яъни у урушга барҳам бериш тарафдори эди. Баъзи маърузаларида у тинчликни “ҳазина” деб номласа, яна баъзиларида “бебаҳо бойлик” деб таърифларди. Булар унга сайловчилар нигоҳида Айк – тинчлик побони деган қиёфани яратарди. Қахрамонимиз, айнан, шундай сиёсий йўналишни танлаган ва президентлик даврида урушларга қарши бўлган сиёсат олиб бориш тарафдори эди. Мана шу маслак унинг ғалабаси гаровига айланади.

Демократлардан Дуайт икки жиҳатдан устунлигини айтарди. Биринчиси, у Корея урушини давом эттириш тарафдори эмасди, аксинча, бунга дарҳол чек қўйиш ниятида эди. Иккинчиси, кучайиб бораётган коммунизмни фақат НАТО ёрдамида жиловлаб туриш мумкин, деб ҳисобларди. НАТО генерали бўлгани учун унинг таъсири ушбу ташкилотга кучли ва бу орқали у коммунизм хавфидан халқини асраб қолишга қодир эди.

1952 йилги президентлик сайловларида телевидение илк бор ишлатила бошлайди ва тарғибот воситаларини янада кучайтиради. Журналистлар берган саволларга Дуайт эркин, самимий ва ҳақиқий ҳарбий киши каби аниқ ва лўнда жавоб қайтарарди. Унинг соддалиги халққа манзур келади. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида 1952 йилги президентлик сайловларида Дуайт Эйзенхауэр ғалаба қозонади ва АҚШнинг 34-президентига айланади³⁵. У Қўшма Штатлар тарихидаги ўнинчи қўмондон-президент эди. Генерал Жорж Вашингтон, генерал Улисс Грант каби Эйзенхауэр ҳам генералликдан президентликка кўтарилади³⁶. Шунинг учун ҳам кўп манбаларда унга генерал-президент дея таъриф беришади.

Администрация вице-президенти Ричард Никсон бўлса, Давлат департаментига (Ташқи ишлар вазирлиги) раҳбар этиб Жон Фостер Даллес тайинланади.

³⁵ АҚШ тарихида фақат икки президент ўз лавозимиغا киришгунга қадар сиёсатчи бўлиб фаолият олиб бормаган. Уларнинг биринчиси генерал ва ректор Эйзенхауэр бўлса, иккинчиси тадбиркор Дональд Трамп.

³⁶ Эътибор беринг, АҚШ тарихида бўлган барча йирик урушлардан сўнг давлат тепасига ҳарбийлар келган. Ж.Вашингтон Озодлик учун бўлган урушдан кейин, У.Грант Фуқаролар урушидан кейин, Д.Эйзенхауэр Иккинчи жаҳон урушидан кейин.

Жоннинг укаси Аллен Даллес эса 1947 йили ташкил этилган Марказий Разведка Агентлигига генерал Уильям Доновандан раҳбарликни мерос қилиб олади. Мудофаа вазирлигига “Женерал моторс” компаниясининг собиқ директори Чарльз Вильсон кўтарилади. Вильсоннинг бу лавозимни эгаллаши катта бизнеснинг Эйзенхауэр администрациясига таъсири кучли эканидан далолат берарди. Вильсон орқали улар ҳукуматда “ўз одамига” эга эдилар³⁷. Дуайтнинг укаси Милтон Президентнинг ёрдамчиси ҳамда яқин маслаҳатчиси эди. Шундай қилиб, 50-60 йилларда АҚШ ҳукуматига хос бўлган ака-укалар ҳокимияти даври бошланади. Ака-ука Эйзенхауэрлар, Даллеслар ва Кеннедилар³⁸ шулар жумласидандир.

Администрацияга таъриф берилганда шуни инобатда олиш керакки, вазир ва маслаҳатчиларнинг ҳаммалари кекса эди. Ёш сенатор Жон Кеннеди Эйзенхауэрнинг бизнес олами билан чуқур ўралашиб қолганини ва “энди у эски ҳарбий дўстлари билан эмас, балки 1945 йилдан кейин танишган бойваччалар билан гольф ўйнайди”, деб танқид қиларди. Яна баъзи бировлар мамлакатнинг барча соҳалари президентнинг ўзига боғлиқ экани ва вазирлар мустақил эмаслигини таъкидларди. Мисол учун, ташқи ишлар масалаларида Жон Даллес Эйзенхауэрсиз бирон-бир қарорга келолмасди. Ҳатто бир сафар президент: “Даллес ташқи сиёсатни яхши билади, ундан бу ишларни яхши тушунадиган ягона инсон – бу мен”, деб эътироф этганди. Дарҳақиқат, давлат аҳамиятига

³⁷ Кейинчалик ҳам шундай бўлиб чиқади ва администрация кўпроқ монополиячи тадбиркорлар йўлида ишлай бошлайди.

³⁸ АҚШ 35-Президенти Жон Кеннедининг администрациясида унинг укаси Роберт Кеннеди Бош прокурор ва акасининг энг яқин маслаҳатчиси бўлган.

молик ишларнинг барчасини Дуайтнинг шахсан ўзи ҳал этарди. Қарта устаси бўлган Эйзенхауэр бутун ташқи сиёсатда покер ўйинидагидек интрига сақлаб туриш орқали рақибларга ён бермасликка ҳаракат қиларди.

Эйзенхауэр администрацияси тўғрисида унинг рақиблари “У ҳеч қачон масалаларга профессионал даражада ечим топадиган сиёсатчиларни ўз ёнига йиғмасди”, дея таъриф беришарди. Бу билан улар Эйзенхауэр ўз ҳокимиятини мустаҳкам қилиш учун кучли шахслар билан бамаслаҳат иш кўрмасди, деган хулосаларни келтириб чиқарардилар. Ҳолбуки, Дуайт демократлар партияси раҳбарларидан бири Линдон Бэйнс Жонсон³⁹ билан кўп музокаралар олиб борар ва иложи борица муаммоларга мантиқ орқали ёндашар эди.

Эйзенхауэр билан республикачилар ҳокимиятга қайтишади, аммо бу партиянинг эмас, балки Дуайтнинг шахсий ғалабаси эди. Чунки ушбу сайловларда партиядан кўра, генералнинг обрўси катта ўрин тутганди. Унинг тинчликни тиклашга йўналган сиёсати, Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан эришган ғалабаси, Корея урушини қоралаши америкаликларга хуш келган эди. Сайлов давомида халқда кенг тарқалган “Урушга якун қўйиш фақат Эйзенхауэрнинг қўлидан келади”, “I like Ike” деган бир қатор шиорлар бунинг исботидир.

³⁹ Линдон Бэйнс Жонсон (1908-1973) – АҚШнинг 36-президенти.



*Президент Гарри С. Трумэн ҳамда
генерал Дуайт Д. Эйзенхауэр.*



*Президент Трумэн генераллар – Эйзенхауэр, Паттон ва
Брэдлилар билан бирга.*



*1945 йил 2 сентябрь – Иккинчи жаҳон уруши якун топган кун.
Адмирал Честер Нимиц Япония капитуляцияси буйича
актни имзоламоқда.*



Буюк саркарда Георгий Жуков.



*Г.Жуков, Д.Эйзенхауэр, И.Сталин, А.Гарриман.
1945 йил 12 август, Москва.*

ПРЕЗИДЕНТ ЭЙЗЕНХАУЭР



ПРЕЗИДЕНТЛИК САРИ

Урушдан сўнг АҚШ ўз олдига жаҳон бўйича янги тартибни жорий этишни мақсад қилиб қўйди. Бу, авваламбор, эркин, демократик оламни барпо этиш эди. Бунинг учун кураш олиб бориш ташқи сиёсатда бош мақсад этиб олинганди. Унинг мазмуни Америка халқининг озодликка бўлган муҳаббатини акс эттирарди. Ахлоқий меъёрлар устувор топилиб, колонияларга барҳам бериш ва инсоният йўлида хизмат қилиш каби олий мақсадлар олиб чиқилади. Мамлакат хавфсизлиги йўлида ўзга давлатларга ёрдам қўлини чўзиш ва умуминсоний тинчликка эришиш каби фикрлар амалиётга жорий этилади. Бунда бирон-бир минтақа эмас, балки бутун дунё назарда тутилади. Бу билан АҚШ ҳақиқий сардорга айланар ва ўз хавфсизлигини дунё тинчлиги орқали таъминлар эди. Чунки Ғарб олимларининг фикрига кўра, демократик давлатлар бир-бирлари билан уруш олиб бормасдилар, дунёни хавфсиз қилиш учун тоталитаризмга қарши туриш лозим эди. Ўз навбатида, коммунистлар ҳам шу фикрда эди, яъни умумтинчликка эришиш учун дунё пролетариат инқилобини амалга ошириш керак эди. Бу икки мафкуравий тафовут глобал миқёсда мисли кўринмаган янги авантюраларни тақозо қиларди.

Бундан ташқари, Иккинчи жаҳон урушидан олинган Мюнхен сабоғи ташқи сиёсатда кучли эди. Яъни агрессияни вақтида зарарлантирмаса, эртага у каттароқ талафот етказиши мумкин, деган фикр ҳосил бўлганди. Негаки, Ғарб давлатлари 1938 йили Мюнхен шартномасини имзолаб, Германияга кенг имкониятлар яратиб беришади. Натижада, уруш эълон қилинганидан сўнг ҳам ҳарбий, ҳам руҳий зарба қабул қилишади.

Халқнинг ишончини поймол қилган сиёсатчилар бу хатони келгусида бошқа такрорламасликка қарор қилишади. Шунинг учун эндиликда хавфга айланган коммунизмни илк қадамларидаёқ ушлаб қолиш шарт эди. Қаҳрамонимиз Эйзенхауэр АҚШда мана шундай сиёсий кайфият ҳукм сураётган вақт давлат тепасига кўтарилади.

Дуайт Эйзенхауэрнинг президентлик даври Совуқ урушнинг юқори даврларига тўғри келди. Халқаро муносабатларда алоқалар янада кескин тус олди. Дунёнинг барча тош-тарозиси АҚШ ва СССР муносабатларига боғлиқ бўлиб қолди. Эйзенхауэр хавфсизлик учун турли минтақаларда турли ҳарбий блоклар тузиб, “пактоман” лақабини олишга ҳам улгурди. Жанубий-шарқий Осиёдаги СЕАТО, Яқин Шарқдаги СЕНТО блоклари буларнинг мисолидир⁴⁰. Бинобарин, ўз минтақасида ҳам йўқотишлар бўлди. 1959 йили Кубада Фидель Кастро бошчилигидаги коммунистлар америкапараст Фульхенсио Батиста ҳукуматини ағдаришди. Кастро ҳам Эйзенхауэр каби Клаузевицни яхши ўзлаштирганди, яъни Батиста қўшинининг қаршилиқ қилиш салоҳиятини эмас, балки қаршилиқ қилиш истагини йўқ қилади. Куба автоматик равишда Совет Иттифоқининг иттифоқчисига айлангани АҚШ учун ташқи сиёсатда улкан мағлубиятни англатарди. Куба Лотин Америкасига домино эффектини бериши мумкин, яъни у туфайли қолган давлатлар ҳам социалистик блок томон ўтиб кетишлари мумкин эди. Шу билан бирга, Куба масаласи АҚШнинг Монро доктринасига⁴¹ мутлақо тўғри келмасди. Вазиятни ўнглаш

⁴⁰ Чиндан ҳам унинг даврида ташқи сиёсатдаги аксарият масалалар иттифоқчи давлатлар ёрдамида ечим топади.

⁴¹ 1823 йил Президент Жеймс Монро томонидан қабул қилинган ташқи ишлар бўйича Декларация. Асоси “Америка

учун Кубага ҳужум қилиш режаси эса Совет Иттифоқи билан можарога боришни тақозо этарди. Шунинг учун ҳам ушбу муаммо бир оз вақт ортга сурилади⁴².

Корея ярим оролида уруш, ниҳоят, ўз якунига етади. Шимолий ва Жанубий Корея ўртасидаги чегара 38-параллель бўйича тортилади. Эйзенхауэр узоқ кутилган тинчликка эришади. Сайланганидан сўнг ҳали қасамёд қабул қилмасдан у Кореяга ташриф буюради ва вазиятни ўнглашга ҳаракат қилади. Булар, албатта, ўз самарасини беради. Айрим олимларнинг фикрига кўра, бунга Сталиннинг ҳам ўлими сабаб бўлган, натижада, раҳнамосиз қолган Шимолий Корея ҳам, Хитой ҳам урушни давом эттиришга жазм этолмаганлар. Бошқа манбаларга кўра, бунга Эйзенхауэр “куч омили” ёрдамида эришган. Чунончи, охириги чора сифатида ядро қуролидан фойдаланишидан огоҳлантирган ва икки дона атом бомбаси АҚШнинг Япониядаги Окинава ҳарбий базасига жойлаштирилган. Шундан сўнг Шимол битимга боришга қарор қилган. Мана шундай “куч омилидан” фойдаланиш ва сиёсий масалаларга куч билан қўрқитиш ўша даврларда ташқи сиёсатнинг бир воситасига айланиб қолади⁴³.

америкаликлар учун” ғоясидан иборат, яъни Америка қитъасидаги барча масалалар фақат АҚШ орқали ечим топиши керак, бирон-бир Европа ёки Осиё мамлакатининг Америка ишларига аралашшига йўл қўйилмайди. Ўз навбатида, доктрина АҚШга Лотин Америкаси давлатларининг ички масалаларига аралашшига ҳуқуқий шароит яратади.

⁴² Эйзенхауэрдан сўнг Президент Ж.Кеннеди Кубани “қайтаришга” ҳаракат қилиб кўради, аммо бу омадсизлик билан якун топади.

⁴³ Бунда АҚШ ташқи сиёсатига катта таъсир ўтказган Ж.Кеннанинг “Узун телеграмма”сидаги советлар фақат куч омилини тан олади, деган таҳлилий фикрларининг ўрни катта эди.

Қўрқитишнинг энг таъсирчан усули “ядро шантажи” эди, яъни манфаатлар тўқнаш келганда, АҚШ атом қуроллари билан таҳдид қиларди. Эйзенхауэр 1945 йили ҳали Ҳарбий штаб бошлиғи бўлган вақт Россияга қарши “Тоталити” режасини ишлаб чиққанди, кейинчалик 1949 йили Миллий хавфсизлик кенгаши “Дропшот” режасини қабул қилади. Бу қўрқинчли режалар тагида ядро уруши ва ўнлаб бомбалар билан ғанимни бомбардимон қилиш ғояси ётарди. Президент бўлганидан сўнг Эйзенхауэр бу режаларни давлат дастури даражасига олиб чиқиб, “Ялпи қасос олиш” доктринасини қабул қилади. Дастурга кўра, АҚШ биринчи бўлиб рақибга зарба бериши лозим эди. Шундай қилиб, дунёнинг ядро уруши сценарийси вужудга келади, яъни худди шохмотдагидек олдин оқ тошлар билан АҚШ ҳужум қилади, СССР эса жавоб қайтаради. АҚШ тизими ҳужум қилишга мўлжалланса, Совет Иттифоқиники иккинчи бўлиб қадам ташлаш бўйича шаклланади.

Аммо, бироз вақт ўтгандан сўнг бу қурол фақат қоғозда дипломатик қўрқитиш воситаси бўлиб хизмат қилиши маълум бўлади. Чунки унинг ҳақиқатдан ҳам ишлатилиши оламни вайрон қиларди. Олимлар томонидан бир-бирини йўқ қилиш назарияси ишлаб чиқилади. Унга кўра, ядро урушида икки томон ҳам мағлуб бўларди. Ҳатто бир томон ғалаба қозонса-да, портлаш оқибатида ҳосил бўлган радиация уни ҳам пароканда қиларди. Натижада, ядро соҳасида хавфсизликни кучайтириш чоралари кўрила бошлайди ва унга эга бўлган давлатлар қуролнинг тарқаб кетмаслиги учун масъул деб топилади.

* * *

Яқин Шарқда Эйзенхауэр ҳукумати муаммолар ботқоғига ботиб қолади. Урушдан сўнг бу минтақадаги юртларда миллий давлатчилик руҳи устун эди. 1948 йили Исроил давлатига асос солинади ва бу билан кўп қисмли араб-исроил можаролари бошланади. АҚШ дипломатияси, табиийки, ҳар икки томонни ҳам қўллаб-қувватларди. Исроил демократик ва цивилизациян форпост бўлса, араб мамлакатлари нефть манбаси эди. АҚШ бирига қурол сотиб сиёсий ёрдам кўрсатарди, иккинчисидан нефть сотиб олиб бойитарди. Эйзенхауэр минтақанинг жоловини ушлаб туришда бир томонда эмас, ҳар икки тарафда бўлиш кераклигини яхши билар ва шу йўналишда сиёсат олиб борар эди.

1951 йили Эронда ҳукумат тепасига кўтарилган Мусаддиқ Ғарб давлатларини анчагина қийнаб қўйди. У кўп мамлакатларнинг ёқилғи манбаига айланган “Бритиш петролуим” компаниясини миллийлаштирди.

Мусаддиқ Эроннинг таниқли сиёсатчиси бўлиб, мамлакатда биринчилардан сиёсат йўналиши бўйича докторлик диссертациясини ёқлаганди. Ҳаёти давомида у турли хил юқори мансабларда ишлаб, сиёсатнинг устаси бўлиб кетганди. Яқин Шарқда, айнан, у биринчи бўлиб радиодан сиёсий мақсадларда фойдалана бошлаган. Кучли нотик бўлган Мусаддиқ эронликларни нутқлари билан ўзига махлиё этиб қўярди. Боши кўп оғригани учун у Бош вазир бўлганида ҳам ётган ҳолда давлат ишларини олиб борарди. Шунинг учун ҳам уни дунёда “Пижамадаги кекса Мосси” деб аташарди.

Мусаддиқнинг сиёсати Ғарб оламини, хусусан, Буюк

Британияни хавотирга солиб қўяди. Чунки “Бритиш петролиум” уларнинг ёқилғи манбаига айланиб улгурган ва Англия нима бўлса ҳам уни яна ўзиники қилиб олмоқчи эди. Натижада, Англия Эронга қарши урушга чоғланади, ўзини “дунё миршаби” даражасига кўтарган АҚШ эса бунга жим қараб туролмайди. Шунинг учун ҳам аввалига АҚШнинг Совет Иттифоқидаги собиқ элчиси ҳамда мултимиллионер Аверелл Гарриман бу ишларга жалб этилади. Унинг мақсади Англия ва Эрон ўртасидаги алоқаларни сақлаб қолиб, муросага олиб келишдан иборат эди. Гарриман Эронга ташриф буюради ва Мусаддиқ билан бир неча бор музокарага киради. Аммо натижа бўлмайди. Шу вақтда АҚШ Конгрессининг ёш аъзоси Жон Фицджеральд Кеннеди ҳам Техронга келади ва англиялик дипломатларга “агар сизлар Эрондан чиқиб кетсаларингиз, биз сизларнинг ўринларингизни эгаллаймиз” маънодаги огоҳлантириш гапларини айтади ва англияликларнинг ёнаётган алангасини янада кучайтириб юборади.

Англияликлар қанчалик ҳаракат қилмасинлар Мусаддиқ рози бўлмайди, чунки розилик халқ томонидан салбий қабул қилиниб, унинг ҳокимиятини якунига олиб келарди. Англияликлар ҳам, америкаликлар ҳам Мусаддиқни ағдариш тарафдори эди. Уларга кўра, Мусаддиқнинг ҳаракатлари тез орада социалистик инқилобга сабаб бўлиб, юрт коммунистик блокка ўтиб кетиши мумкин эди. “Тийиб туриш” доктринасига мувофиқ бунга АҚШ зинҳор йўл қўёлмасди. Шу мақсадда, АҚШ Ташқи ишлар вазири Жон Фостер Даллес ҳамда унинг укаси Марказий Разведка Агентлиги директори Аллен Даллес томонидан “Аякс” махфий операцияси шакллантирилади. Даллеслар оиласи

қадимдан Америка элитаси бўлиб, уларнинг ота-боболари АҚШ ташқи ишларида хизмат қилганлар. Шунинг учун ҳам ташқи давлатларда махсус вазифаларни бажариш уларнинг қонларига сингиб кетганди. Қолаверса, Жон Даллес Совуқ урушнинг бошида дипломатияга йўл очилмаганлиги ва Трумэн администрацияси томонидан рақибларга нисбатан жуда секин ҳаракатлар олиб борилганидан норози эди. Мана энди ўзининг даври келганида, у ташқи сиёсатда қандай иш олиб бориш кераклигини исбот қилмоқчи эди. Бунинг учун дипломатик босим ҳамда воситалар, ҳарбий операциялар ва улар орқали вужудга келадиган музокаралардан кенг фойдаланиш кўзда тутилганди. Операцияда кам харажатлар билан, Ғарб мамлакатларининг қуролли кучлари билан эмас, аксинча, маҳаллий кучлар ёрдамида Мусаддиқ ҳокимиятини ағдариш кўзда тутилганди. Ушбу операцияга собиқ Президент Теодор Рузвельтнинг невараси Кермит Рузвельт раҳбарлик қилади, Буюк Британия махсус хизмати органи “Ми-6” эса ташкилий масалалар билан шуғулланади. Улар оломонни Мусаддиққа қарши кўтаради, натижада, инқилоб юз бериб Бош вазир қўлга олинади. Эрон шоҳи эса заифлашиб қолган ҳокимиятини мустаҳкамлаб олади. Буларнинг барчаси Эрон 1979 йилги ислом инқилобига қадар Ғарб мамлакатларининг назорати остида туришига замин яратади. Юртнинг нефти ва географик жойлашуви АҚШ позициялари йўлида хизмат қила бошлайди. Эронда амалга оширилган операция билан Кермит Рузвельт президент олиб бораётган “тийиб туриш” сиёсатига ўз ҳиссасини қўшади ва шахсан Эйзенхауэрнинг ўзига операция тўғрисида ҳисобот беради.

* * *

Яқин Шарқда Эйзенхауэр даврида юз берган яна бир ёрқин воқеалардан бири бу Сувайш инқирозидир. Маълумки, Сувайш канали 1869 йили машхур муҳандис Фердинанд Лессепс томонидан қурилиб, дунё геосиёсатида катта бурилиш ясаган. Чунки у туфайли Ўрта ер денгизи ҳамда Қизил денгизлари бирлашиб Европадан Ҳиндистонга бўлган денгиз йўллари бир неча бор қисқаради. Канал барпо этилгунга қадар кемалар Африка қитъасини айланиб ўтишига тўғри келарди. Кам харажатларни кафолатлаган канал савдо ва логистика масалаларини тезлаштиради, натижада, Ғарбий мамлакатларнинг иқтисоди олдинга силжийди.

Канал ривожланишга восита экан, унинг назорати ҳам жиддий тус олади. Аввалига Франция, кейин эса Буюк Британия бу канал ҳудудида ўз тартибини ўрнатади. Сувайш Миср ҳудудига тўғри келгани учун ушбу юртда ҳам Юнион Жек⁴⁴ байроғи ўрнатилади. Иккинчи жаҳон уруши вақтида ҳам Англия ушбу ҳудудни генерал Роммельдан тиш-тирноғи билан ҳимоя этади. Чунки Роммель каналга чиқиб олса, Германия учун улкан геостратегик имкониятлар очиларди. Канал нафақат иқтисод, балки ҳарбий ва сиёсий восита ҳам эди. Агар Гитлер унга чиқишга муваффақ бўлганида, Бирлашган кучлар қуршовига тушиб қолмаган бўларди. Шунинг учун ҳам фельдмаршал Монтгомери бор кучини ишга солиб, ғанимни Ал-Аламайда тўхтатиб қолишнинг уддасидан чиқади.

Урушдан сўнг барча ҳудудларда колониализмга барҳам берила бошлайди ва бирин-кетин дунёнинг

⁴⁴ Юнион Жек – Буюк Британия байроғининг номи. Мажозий Буюк Британия империяси, колониялари ва унга тегишли ҳудудлардаги инглиз ҳукмронлиги маъноларига эга.

барча бурчакларида миллий озодлик ҳаракатлари авж олади. Хусусан, Буюк Британиянинг ҳам қуёши сўнади. 1947 йили Ҳиндистон қўлдан берилади, Моҳандас Карамчанд Ганди бошлиқ озодлик курашчилари ғалабага эришадилар. Франция давлати ҳам ўзининг колонияларини бой беради. Олдинига Ҳиндихитой (Вьетнам) дан чиқиб кетган бўлса, кейинчалик Жазоирни ҳам йўқотади. Африка қитъасида ҳам давлатлар озодликка эриша бошлайди. Бунинг натижасида, 1960 йил ҳатто “Африка йили” номини ҳам олади. Озодлик ҳаракати Мисрни ҳам четлаб ўтмайди ва 1952 йили у ерда шунга ўхшаш инқилоб рўй беради. 1954 йили Миср давлати тепасига полковник Жамол Абдул Носир келади ва унинг биринчиларидан қилган иши Сувайш каналини миллийлаштириш бўлади. Канал Миср ҳудудида эди, аммо ундан бор фойдани Буюк Британия кўрарди, шунинг учун ҳам Носир катъиян каналда ўз назоратини ўрнатишини билдиради. Бинобарин, Англия бунга рози бўлолмасди, чунки канал қўлдан кетса, савдо ҳам тўхтарди, тўхтамаганда ҳам каналдан фойдаланганликлари учун кемалардан тушган бож инглиз ғазнасига эмас, Мисрникига ўтарди. Бунинг устига, энди инглизларининг ўзлари ҳам Мисрга тўлов билан кемаларини олиб ўтишига мажбур эди. Бундай аҳволга тушишни истамаган Буюк Британия Бош вазири Энтони Иден канални уруш билан бўлса ҳам ўз тасарруфида сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Чунки сўнаётган империя учун бу ҳаёт-мамот масаласига айланиб улгурганди.

Ушбу можарога Буюк Британия яқин иттифоқдошлари – Франция ва Исроилни ҳам жалб этади. Исроил билан араб мамлакатлари ўртасида шундоқ ҳам можаро бор эди, Франция эса Британия каби канал-

дан манфаатдор эди. Шунинг учун ҳам ушбу давлатлар биргаликда Мисрга бостириб кириш режасини ишлаб чиқадилар. Бинобарин, масаланинг иккинчи томони бор эди: бири АҚШнинг муносабати бўлса, иккинчиси Совет Иттифоқининг. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Иккинчи жаҳон урушидан кейин икки қутбли тартиб ўрнатилганди. Барча масалалар ушбу икки давлат ўртасида ҳал этила бошлагани боис, Англия, Франция ва қолган эски кучлар супердержаваларнинг рухсатини олишлари лозим эди. Шундай ҳам бўлади, аммо на советлар, на америкаликлар бунга кўнади. СССР тўлиғича Миср томонга ўтади. Америка Қўшма Штатлари ҳам бу авантюрани қўллаб-қувватламайди. Бунинг қуйидаги сабаблари бор эди:

Биринчидан, Америка Қўшма Штатлари бутун дунёда озодликни ёйишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганди. Бутун жаҳонни демократлаштириш зарур экан, эски чириб қолган колониализм тарафдорлари бўлмиш Англия ва Францияга бундай ишларда зинҳор ёрдам қўлини чўзолмасди. Колониализмни илгари сурган АҚШни жаҳон лидер сифатида тан олмасди ва бу билан барча қилинган ижобий имиж йўққа чиқарди. Ўзининг нутқида Эйзенхауэр “биз дунёдан маълум бир қоидаларни талаб этиб, ўз дўстларимиздан бошқасини талаб этолмаймиз”, деган ва бу билан қонун барчасидан устун эканини эслатиб қўйган эди.

Иккинчидан, Америка Қўшма Штатларининг дипломатияси ўта мослашувчан қилиб тузилганди. Эйзенхауэр ташқи сиёсатда тўлиқлигича Исроилнинг ҳам, араб мамлакатларининг ҳам тарафида эмасди. У иккала томон билан ҳам илиқ алоқада эди. Исроил унга Яқин Шарқда стратегик нуқта, демократик форпост вазифасини бажарса, Саудия Арабистони, Қатар,

Ироқ каби давлатлар Американи нефть билан таъминларди. Шунинг учун АҚШ бир томонни танлолмасди. Агар ушбу можарода Англия, Франция ва Исролни қувватласа, араб мамлакатлари нефтга эмбарго эълон қилиб, АҚШни мушкул аҳволга солиб қўйиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам Америка бетараф туриб, можаронинг олдини олишга ҳаракат қилади.

Учинчидан, 1956 йили ноябрь ойида АҚШда президентлик сайловлари ўтказилиши лозим эди ва Эйзенхауэр иккинчи муддатга ўз номзодини қўйганди. Дуайт биринчи муддатда Кореядаги урушга яқун ясаганди ва бу билан тинчликпарвар инсон сифатида ном чиқарганди. Энди сайловга санокли кунлар қолганда уруш бошлаб, мисқоллаб йиғган обрўсини хавф остига қўёлмасди. Ғарб давлатларининг хатоси, айнан, шунда эди, чунончи, ўз йирик лойиҳаси Америка президентлик сайловларига тўғри келиб қолганини инobatта олмадилар. Чунки ўша даврда номзодлар президент бўлиш учун ўзларини “яхши” қилиб кўрсатишга мажбур эди ва иложи борича зиддиятлардан ўзларини узоқ тутарди.

Тўртинчидан, Миср Совет давлатининг иттифоқчиси эди ва агар АҚШ Ғарб давлатлари билан у ерга кирса, Совет Иттифоқи Мисрга ёрдамга отланиб, Учинчи жаҳон уруши бошланиб кетиши мумкин эди. Эйзенхауэрга бундай муаммо ортиқча эди. Чунки тинчлик учун уруш кечган Аёк энди ўзи янги жаҳон урушига сабабчи бўлиб қолишни зинҳор истамасди.

Бошиданоқ Эйзенхауэрдан “йўқ” жавобини олган Буюк Британия ва Франция Бош вазирлари Энтони Иден ҳамда Ги Молле АҚШни кўндиришга ҳаракат қиладилар. Улар Миср билан СССР ўртасида шартнома имзолангани ва унга кўра, советлар мисрликларга

қурол-яроғ етказиб бераётганларини хабар қилишади. Мухтасар қилиб айтганда, улар Миср шундоқ ҳам қўлдан кетгани ва Совет Иттифоқининг иттифоқдошлиги АҚШ учун минтақада барчаси барбод бўлганлигини тушунтиришади. Аммо Дуайт, барибир, рози бўлмади, чунки Совет Иттифоқи билан Миср ўртасида тузилган шартнома советларнинг можарога тўғридан-тўғри аралашларига имкон берарди, АҚШ эса бир канал учун янги жаҳон урушига боришни истамасди. Ғарб давлатлари АҚШ билан НАТО бўйича иттифоқдош эканини рўқач қилганларида, давлат котиби Фостер Даллеснинг айёрона мулоҳазалари орқали буларнинг барчаси рад этилади.

Эйзенхауэр Сувайш канали мисрликларнинг ҳам қўлида қолиши тарафдори эмасди, аммо можарони ҳам хохламасди, чунки у Англия ва Франция Жамол Абдул Носир ўрнига муносиб инсонни олиб кела олади, деб фикрламасди. Унингча, бу икки давлат ўз қудратини йўқотиб, минтақанинг жиловини оладиган кучга эга эмасдилар. Натижада, ўртага советлар аралашиб бутун Яқин Шарқни “ўзиники” қилиб олишлари мумкин эди. Бинобарин, унинг ўзи ҳам буларга аралашолмасди. Бошқа томондан, АҚШга Яқин Шарқда коммунизмга қарши ҳарбий блок тузиш учун Носирдек кучли лидер керак эди, бироқ уни деб эски иттифоқчиларидан ҳам воз кечиб бўлмасди. У ким томонда эканига ҳеч кимнинг ақли етмасди. Давлат котиби Даллес ўз иттифоқдошлари Ги Молле ва Иденларни қатъиян қўллаб-қувватласа, Эйзенхауэр ташқи сиёсатда бу тўғрисида умуман тескари топшириқлар берарди.

Эйзенхауэрнинг таъсири халқаро муносабатларда жуда кучли эди, унинг инкори билан иш тутиш яхшиликка олиб келмасди. Аммо Иден ва Ги Молле та-

ваккал қилишга қарор қиладилар. Дуайт ҳам қонли тўқнашувнинг олдини олиш мақсадида Саудия Арабистони Қироли Саудга махсус вакилини юборади. Вакил Саудия Арабистони Жамол Абдул Носирга таъсир ўтказишини ва Мисрни ён беришга ундашини илтимос қилиб кўради. Аммо Саудия бунга кўнмайди. Дипломатик музокаралар давом этаётган бир вақтда бирлашган Англия, Франция ва Исроил кўшинлари Мисрга кўққисдан зарба берадилар. Уларнинг мақсади канални тўлиқ эгаллаб, Носир ҳокимиятини ағдаришдан иборат эди. Ваҳоланки, улар АҚШдан берухсат пинҳона бу ишни амалга оширишади. Бунинг сабаби, биринчидан, АҚШ бунга тўсқинлик қилиши мумкин эди, иккинчидан, юнон мутафаккири Арасту айтганидек, қайси шира овоз соҳиби ўзидан жарангдор ва чиройли овозли ҳофизни ўзи билан жўр бўлиб ашула айтишига имкон беради. Арасту буни қандай қилиб аргонавтлар Гераклнинг ёрдамидан воз кечгани билан қиёслайди. Ушбу ҳолатда эса, мабодо, АҚШ ҳам инглиз ва французлар билан бирга Мисрга кирса, у албатта, барча шоншухратни ўзиники қилиб оларди. Англия ва Франциянинг мақсади эса канал билан бирга ўзларининг эски обрўсини тиклаш ҳам эди. Иккинчи жаҳон уруши якунига қадар бу давлатларнинг ҳам ўрни халқаро муносабатларда юқори эди, аммо урушдан сўнг улар ўртамиёна давлатлар бўлиб қолишади. Шунинг учун ҳам уларга глобал даражада ишончли ғалаба зарур эди.

Давлат манфаатлари ва йўқотилган шухратни тиклаш мақсадида бирлашган кучлар бир неча кунда Мисрни остин-устин қилиб, унга катта талафот етказдилар. Чорасиз қолган Носир ўз иттифоқчиси СССРга мурожаат қилишига тўғри келади. Совет Иттифоқи

дарҳол уч давлат раҳбарига дипломатик нома тайёрлайди. Номада бугуноқ жанг ҳаракатларини тўхтатиш, барча аскарларни Миср ҳудудидан олиб чиқиб кетиш ҳамда агар бу ишлар амалга оширилмаса, бу масалани биронта аскар юбормасдан ҳал этиши маъносидаги сўзлар мужассам эди. Мухтасар қилиб айтганда, бу билан Совет Иттифоқи агар уруш давом этса, масалага ядро қуроли билан ечим топишини ифодалаганди, яъни Лондон, Париж ва Тель-Авив пойтахт-шаҳарлари бомбардимон этиларди.

Бу тўғридан-тўғри Ғарбий мамлакатларга йўналган таҳдид эди. Масала жиддий бўлгани туфайли, босқинчилар АҚШга мурожаат этишади, чунки ўзлари Американинг ёрдамисиз Совет Иттифоқига бас келолмас эдилар. Тўғри, Буюк Британия ҳарбий флоти ва авиацияси ҳар замондагидек кучли эди, аммо бу сафар унинг рақиби кемаларда ёки самолётларда келишни ният қилмаганди, гап ядро қуроли ҳақида кетаётганди ва бу ўта хавфли эди. Лекин, қарангки, бу ҳодисадан АҚШнинг жаҳли Совет Иттифоқиникидан кам эмасди. Эйзенхауэр бу хабарни эшитиши билан Иденга телефон қилиб яхшигина танбех беради ва бу авантюрани зинҳор қўллаб-қувватламаслигини айтади. Кучли хотира соҳиби бўлган Эйзенхауэр ушбу масала аланга олган пайт кадрдони Жуковнинг “дунёдаги ҳеч бир давлат биз (яъни АҚШ ва СССР) инкор этган вақтимиз уруш қилишга жазм этолмайди” деган сўзларини ёдга олган бўлса ажаб эмас. 1945 йилдан кейин янги икки қутбли тартиб ўрнатилганига қарамасдан, Англия ва Франция ўзларини бундай тутишлари биринчи навбатда АҚШга минус эди, чунки ушбу икки давлат Америка қутбига тегишли бўлиб, уларнинг бу ҳаракатлари субординация қоидаларига зид эди. Шунинг учун ҳам Эйзенхауэр

эр Ғарбда “катта” ким эканини кўрсатиб қўйиши шарт эди. Аммо бир вақтнинг ўзида советларнинг ҳам ядро шантажига жим қараб бўлмасди. Шу мақсадда президент уларга жавобан “бу, ўз навбатида, худди кун тунни алмаштирганидек, АҚШ томонидан Совет давлати ҳам ядро ҳужумига учрашидан” огоҳлантиради. Ўша кунлари Совет Иттифоқидан АҚШ президенти-га ҳам мурожаат хати келиб тушади, унда биргаликда агрессив руҳдаги давлатларга қарши туриш ҳамда агар АҚШ улар томонга ўтиб кетса, бу яна бир жаҳон уруши бошланишига замин яратиши мумкинлиги маъносидаги гаплар мужассам эди. Эйзенхауэр советлар билан иттифоқ тузишга бормади, аммо жаҳон уруши таҳдидини жиддий қабул қилади. Ўз навбатида, у советларнинг ҳам исталган ҳаракатларига қарши чиқиши тўғрисида огоҳлантириб ўтади.

Шу масала бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг йиғилиши бўлиб ўтади. Унинг Хавфсизлик кенгашида камдан-кам учрайдиган вазият рўй беради: Америка Қўшма Штатлари ҳамда Совет давлати биргаликда Британия ва Францияга қарши чиқадилар. БМТдан ёрдам ололмаган босқинчилар тақдир ҳукмига бўйсунушга мажбур бўладилар.

6 ноябрь куни Эйзенхауэр иккинчи муддатга президентлик сайловларида ғалабага эришади, лекин бу пайтда, унинг соғлигида муаммолар бор эди. Унга ҳозир Мисрдаги бошоғриқлар керакмас эди. У нима бўлса ҳам араб мамлакатларини ранжитмасликка ва нефтга эмбарго қўйилмаслигига ҳаракат қиларди, чунки Америка манфаатлари айни дамда НАТО ташкилоти бўйича иттифоқдошларига ёрдамга боришдан муҳимроқ эди.

Бунинг устига, Ғарб давлатлари АҚШдан берух-

сат ҳаракатлангандилар. АҚШ ўз норозилиги билан халқаро муносабатларда Британия ва Франция ўз ўринларини йўқотгани ва энди Сувайшдаги авантюрага ўхшаган ҳолатларда “янги хўжайин”дан рухсат олиш кераклигини эслатиб қўяди. Машҳур сиёсатшунос Генри Киссинджернинг фикрича, ушбу ҳолат, ўз навбатида, АҚШга демократик оламда танҳо лидерликни туҳфа этганди. Ғарб давлатлари АҚШдан “Маршалл режа”си орқали тақдим этилган ёрдам эвазига оёққа тураётгандилар. АҚШнинг пулини олдими, демак, у билан келишишлари шарт. Чунки, аслида, бу тадбирлар шунчаки ёрдам бериш учун эмас, балки лидерликни сақлаб қолиш учун кўрилганди⁴⁵.

Интервенция натижасида, араб давлатлари босқинчи юртларга эмбарго эълон қилишади. Ёқилғисиз қолган инглизлар нефть ортилган танкер-кемаларини энди Африкани айланиб ўтиб Лондонга олиб келишларига тўғри келарди. Бу эса яна харажат дегани эди. Бунинг устига, энди нефть ҳам йўқ эди. Энди уларни на нефти, на орқасидаги “катта акаси” бор эди, чунки АҚШ ҳам бу масалада уларга ёрдамга бормайди. АҚШсиз СССРга қарши туриб бўлмасди, шунинг учун ҳам Англия, Франция ва Исроил Мисрни тарк этадилар. Улар халқаро муносабатларда куч омили устун эканини тушуниб етишади ва Сувайш тўлиғича Миср томонидан миллийлаштирилишига халақит бермайдилар. Бу можарода Жамол Абдул Носир ғалаба қозонади, натижада, унинг обрўси бутун ислом мамлакатларида ошиб кетади. Бошқача қилиб айтганда, у араб дунёсида лидерга айланади. Натижада, 1958 йили Миср ҳамда

⁴⁵ Европаликларга СССР ҳам ёрдамга боришга тайёр эди, аммо АҚШ биринчи бўлиб уларга қўл чўзади. Чунки ким пул берса, ўша таъсир кучи ричагига ҳам эга бўларди, бу эса янги даврда энг муҳим омил эди.

Сурия давлатлари Бирлашган Араб Республикасини тузишади ва Носир унинг раҳбари бўлади. Кўпчилик тарихчиларнинг фикрича, ушбу Сувайш инқирозида ғалабага эришган ягона шахс бу Носир эди. Англия ва Франция шармандаларча қочиб қолишди, АҚШ таваккал қилиб ўтирмади, Носир эса ишончли ҳаракатланди ва ютиб чиқди. Президент Эйзенхауэрнинг эса шахсий ғалабаси шундан иборат эдики, у, биринчидан, қатъийлик намоён қилиб, халқаро имижини янада оширди. Иккинчидан, мослашувчан дипломатия олиб боришнинг уддасидан чиқди, чунки Англия ва Францияга қарши чиққани билан давлатлар ўртасидаги ўзаро алоқалар бузилмади. Аксинча, кейинчалик АҚШ моддий ёрдам орқали Ғарб мамлакатлари билан ижобий алоқаларни сақлаб қолади ва шу орқали ўз лидерлик даражасини йўқотмайди.

Сувайш канали инқирози билан бир вақтнинг ўзида Европа минтақасида ҳам қонли тўқнашувлар бўлиб ўтади. Бу Венгриядаги можаро эди. Маълумки, советлар урушдан сўнг эски чор империясига тегишли бўлган шарқий ҳудудларни керагидан ортиғи билан ўз назоратларига олишга муваффақ бўлганди. Сталин ушбу ҳудудлар иқтисодий жиҳатдан катта эътибор талаб этиб, ўз давлатининг бор салоҳиятини уларга қаратилишини яхши биларди. Шунинг учун ҳам ўз халқи тўқ яшаши учун назоратдаги ҳудудлардан воз кечилса тўғри бўлиши ҳақида маслаҳат олади. Бинобарин, у давлат хавфсизлигини баридан юқори қўяди ва нима бўлса ҳам Шарқий Европани ушлаб қолишга қарор қилади. Чунки агар у ўша ердан воз кечса, эртага Ғарб державалари кириб келишини яхши биларди. Натижада, иқтисод эмас, балки стратегия муҳимроқ дея қабул қилинади. Иккинчи жаҳон уруши якуни

бўйича келишилган Париж шартномасига кўра, Совет Иттифоқи ўз қуролли кучларини Австрия ва Венгрияда сақлашга ҳақли эди. 1955 йили совет армияси Австрияни тарк этади, аммо Венгрияда бир қисм кучлар қолади. Бунинг устига, ўша йили Варшава шартномаси ҳам имзоланади ва Совет Иттифоқи ўзининг позицияларини Шарқий Европада янада мустаҳкамлаб олади. Совет Иттифоқи минтақада тотал ҳукмронлик ўрнатди ва барча давлатларда коммунистик тузум жорий этилади. Бинобарин, венгерлар коммунистик диктатурага қарши чиқадилар ва бу инқилобга олиб келади. Улар кўппартиявийликни, СССР қўшинларини юртдан чиқиб кетишини ҳамда Варшава шартномаси доирасида ҳаракат қилмасликни талаб этишарди. Бундай ҳаракатларга Эйзенхауэрнинг ҳам таъсири бор эди, чунки ҳар Янги йил байрамида у Шарқий Европа мамлакатларига озодликка чорловчи маънодаги хатлар ёзарди. Шунинг учун ҳам у ушбу давлатларда совет қарамидан озод этувчи Санта-Клаус бўлиб гавдаланарди. Қолаверса, ҳали Маршалл режаси эълон қилинган вақт, уни барча ёрдамга муҳтож Европа халқлари учун дейилгани, ушбу кўмакни Шарқий Европа мамлакатлари ҳам олишлари мумкин, деган пинҳона ишораси бор эди. Шу орқали АҚШ у ерда озодлик ҳаракатини кучайтириб, Совет Иттифоқи назоратини йўқотмоқчи эди. Совет Иттифоқи бунга рухсат бермайди. АҚШнинг таъсир кучи ушбу ҳудудда озлиги туфайли минтақанинг эркинлик масаласи узоқ муддатга режа қилинади.

Совет давлати Венгриядаги чиқишларни фашистик ҳаракат деб эълон қилиб, танклари билан бостириб киради. Интервенцияга Эйзенхауэрнинг эски дўсти маршал Жуков раҳбарлик қилади. Ўша вақтлари Жуков

Мудофаа вазири эди⁴⁶. Совет Иттифокининг Венгриядаги элчиси Юрий Андропов эса бу тарихий воқеада алоҳида жонбозлик кўрсатади. Ушбу саъй-ҳаракатлар Андроповнинг сиёсий юксалишига ва кейинчалик СССР раҳбари даражасига кўтарилишига ижобий замин яратади.

Маршал Жуков ва Коневларнинг ҳарбий тактикаси иш беради ва Венгрия халқининг коммунизмга бўлган ҳаракати тўлиқ бостирилади. Совет Иттифоқи Шарқий Европада ҳам, Яқин Шарқда ҳам ўз позицияларини йўқотмайди, аммо унинг обрўси Бирлашган Миллатлар Ташкилотида тушиб кетади, чунки жаҳон ҳамжамияти нигоҳида у агрессор бўлиб қиёфаланади. Ўз ўрнида унинг бу хатти-ҳаракатларига на Англия, на Франция жавоб қайтара олади, чунки улар канал инқироzi билан банд эдилар. Эйзенхауэрнинг ҳам диққати сайлов ва Мисрга йўналганди. У қанчалик ҳаракат қилмасин Венгрия Совет давлати назорат ҳудудида жойлашганди ва АҚШнинг бу можарога аралашishi икки супердержава ўртасидаги урушга айланиб кетиши эҳтимоли мавжуд эди. Бундан ташқари, Совет Иттифоқи Венгрия учун барча кучларни ва бор эътиборни қаратишини америкалик амалдор яхши биларди. Ҳар ҳолда, совет раҳбарлари ушбу минтақада ўта кескин чораларга боришини

⁴⁶ Эйзенхауэрдан фарқлироқ Жуковнинг қисмати бирмунча оғир бўлади. Агар Дуайт урушдан сўнг ректор, НАТО генерали ва АҚШ президенти бўлган бўлса, Жуков бир неча бор сиёсат ва армиядан тўлиқлигача четлаштирилади. Чунки унинг обрўси юқори эди ва бу Совет давлати раҳбарлари Сталинга ҳам, Хрущёвга ҳам маъқул келмасди. Жуковни сиёсий рақиб кўрган амалдорлар уни ўйиндан чиқарадилар. Аммо кўпчиликнинг фикрига кўра, буларга Жуковнинг ўзининг ҳам ҳокимият тепасига чиқиш истаги бўлмаганлиги сабаб бўлган, чунки у сиёсатдан йироқ, оддий ҳарбий киши эди.

намойиш қилишарди. Ўз навбатида, Венгриядаги манфаатлар АҚШ учун СССРникидек муҳим эмасди. Қолаверса, у ерга ёрдамга боришга ҳам Америка учун сабаблар етарлича эмасди. Олимлар бу ҳодисани АҚШ бир вақтнинг ўзида икки йирик можарога аралашолмайди, деб ҳам таърифлайдилар. Бунинг сабаби шундаки, АҚШ фақат Совет Иттифоқиға таҳдид қилмайди, балки Венгрияни деб алоқалар бундан-да совуши тўғрисида огоҳлантирмайди ҳам. Улар бўлиб ўтган фактни борица қабул этишга қарор қилади. Шундай қилиб, АҚШ ушбу зиддиятларда қанчалик иштирок этишни истамасин, нейтрал бўлишга мажбур бўлади, чунки вазият ўта қалтис эди. Ҳар қандай кичик учқун жаҳон урушиға олиб келиши мумкин эди.

Ушбу Сувайш каналидаги тарихий воқеа бутун халқаро муносабатлар тизимининг ўзгаришиға олиб келади. У буёғиға чиндан ҳам дунёда куч марказлари АҚШ ва Совет Иттифоқи эканини исботлайди. Буюк Британия ҳамда Франция қанчалик уринишмасин глобал миқёсда ҳаракатлана оладиган давлатлар қаторидан чиқишганди. Уларнинг ўзлари янги тартиб ўрнатилганиға иқдор бўлишади. Бекорға 1956 йили совет раҳбари Англияға сафар уюштирганида Бош вазир Энтони Иденға “Англия – бу кечаги кун” демаганди. Буюк Британия империяси сўнганди ва энди барча масалалар Кремль – Оқ уй линияси орқали ечим топарди.

1957 йили Буюк Британия Бош вазири Э.Иден ҳам лавозимидан озод этилади. Лондон “Таймс” журнали унга “Британия буюклигиға ишонган охири ва амалда бунинг тескарисини исботлаган биринчи раҳбар” дея таъриф беради. Чиндан ҳам Иден биринчи бўлиб

бундан буюғига Британия буюк державалар қаторидан тушиб қолганлигини Сувайш инқирозида намоён қилганди. Идендан эстафетани қабул қилган янги раҳбар Гарольд Макмиллан ҳокимиятга келиши билан “бизнинг тақдиримиз энди Вашингтондаги амалдорлар томонидан ҳал этилади”, деб баёнот беради ва рўй берган фактни очиқчасига тан олади.

Францияда ҳам ушбу инқироз ҳамда 1958 йили бошланган Жазоирдаги миллий озодлик ҳаракати Бешинчи Республика тузилиши ва давлат тепасига генерал Шарль де Голльнинг қайтишига олиб келади.

Бундан ташқари, араб мамлакатлари Европага нисбатан эълон қилган нефть эмбаргоси Европа кўмир ва пўлат уюшмаси асосида 1957 йили Европа иқтисодий ҳамжамияти тузилишига сабабчи бўлади. Кейинчалик ушбу ташкилот замонавий Европа Иттифоқи таъсис этилишига замин яратади. Ушбу ташкилотларнинг негизида “Умумий бозор” тушунчаси ётарди, чунки ёқилғисиз қолган европаликлар бирлашиб ўз араваларини ўзлари тортишларига тўғри келганди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг АҚШ “Маршалл режаси” доирасида кўмаклашган, аммо энди орадан ўн йилдан зиёд вақт ўтган ва вазият умуман бошқача эди.

Сувайш инқирози мобайнида Совет Иттифоқининг ядро таҳдиди Ғарб мамлакатларини чуқур ўйлантириб қўяди. Натижада, Франция ядро қуролини ишлаб чиқиш устида бош қотира бошласа, Британия ўз ядро захирасини кучайтиришни давлат дастурига киритади ва тез орада бу икки давлат нафақат атом, балки водород бомбаларининг ҳам соҳибига айланадилар.

Ушбу ҳодисалар СССРнинг ҳам жаҳон иқтисодида

ўрни ортишига олиб келади. Совет давлати раҳбари Никита Хрущёв вазиятдан фойдаланиб нефть тижоратини кенг йўлга қўяди. Бу ҳам араб дунёсини, ҳам Ғарб оламини хавотирга соларди. Нега деганда, асосан, нефть савдосига ихтисослашган араб юртлари учун Совет давлати иқтисодий жиҳатдан рақиб эди. Европа давлатлари эса совет нефтига боғлиқ бўлиб қолишдан қўрқардилар, чунки бу эртага иқтисодий қарамликка олиб келиши мумкин эди. Натижада, 1960 йилга келиб нефтнинг савдо ва нарх масалаларини тизимлаштирувчи ОПЕК (ОPEC, The Organization of the Petroleum Exporting Countries) нефть экспорт давлатлари ташкилотига асос солинади. АҚШ ва Европа мамлакатлари эса ўзларининг мустақил нефть манбаларини йўлга қўйишни асосий вазифа этиб белгилайдилар, чунки Сувайш инқирозига ўхшаш яна бир воқеа бутун Ғарб тараққиётини хавф остига солиб қўйиши мумкин эди. Буларнинг натижасида, Аляска ҳамда Шимолий денгизда янги нефть конлари очилади ва кенг амалиётга жорий этилади.

Сувайш канали инқирозидан сўнг Британия ва Франция Яқин Шарқ минтақасидан чиқиб кетишга мажбур бўлади. Энди уларнинг вазни ҳам, авторитети ҳам йўқ эди. Шунинг учун ҳам АҚШ уларнинг ўрнини эгаллашни ва бўш қолган вакуумни тўлдиришини эълон қилади. Бу билан у янги стратегик позицияларга эга бўлади. Юқоридагилардан ташқари, айнан шу АҚШнинг Ғарб давлатларига ёрдамга келмаганининг сабаби эди. Бундан икки йил аввал Франция Вьетнамни йўқотганда ҳам Эйзенхауэр администрацияси айтарли реакция билдирмагани, чунки Франциянинг Ҳиндихитойдаги колониализмига чек қўйиб, ўзига эргашадиган демократик ҳокимиятни ўрнатиш

фойдалироқ эди⁴⁷. Дўстлар билан баҳам кўриш яхши, аммо якка лидерлик ундан-да ёқимлидир. Тўғри, энди ҳам АҚШ ёлғиз эмасди, чунки минтақада Совет Иттифоқининг таъсири кучли, шу сабабли АҚШ унга қарши туриш учун майда кучсиз дўстларининг улушини ўзига олишга қарор қилади. Чунки бир давлат билан мулоқот олиб борса, масаланинг ечими анча енгиллашарди.

1957 йили Дуайт барча Яқин Шарқ давлатларига ёрдам қўлини чўзиши тўғрисида баёнот беради. Ўз нутқида у минтақада жойлашган муқаддас Макка ва Қуддус шаҳарлари зинҳор атеистик мафкурани ёювчи коммунистлар давлати назорати остига тушиб қолмаслигини айтиб огоҳлантиради ва бу билан аҳолининг эътиборини қозонади. Унинг ушбу баёноти тарихга “Эйзенхауэр доктринаси” номи билан киради.

“Эйзенхауэр доктринаси” бўйича АҚШ ташқи агрессияга учраган исталган давлатга иқтисодий ва ҳарбий ёрдам бериши мумкин эди. Бу билан АҚШ дунёда давлатлар чегаралари дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлашни назорат қиларди. Бинобарин, ушбу доктрина Америка-совет муносабатларининг янада кескинлашишига олиб келади. Чунки ёрдам бериладиган давлат демократик бўлиши шарт эмасди, у шунчаки коммунизмга қарши бўлса етарли эди.

⁴⁷ Кейинчалик шундай ҳам бўлиб чиқади. АҚШ Вьетнамда ўз назоратини ўрнатишга уриниб кўради ва у ердаги можароларга аралашиб, муаммоларга ғарқ бўлади.

* * *

Сувайш ва Венгриядаги муваффақиятлардан мағрурланган Хрушчёв АҚШ раҳбарини ҳам чиғириқдан ўтказиб кўришга уринади. 1958 йили у Эйзенхауэрдан Америка қуроли кучларини Ғарбий Берлиндан олиб чиқишни талаб этади, чунки шартнома бўйича бунинг вақти келганди. Гап шундаки, урушдан сўнг Берлиннинг ғарбий қисми АҚШ назоратидаги ҳудуд деб топилган, аммо у совет оккупацион зонасида жойлашган эди. Германиянинг ўзи эса тўртта бўлинганди ва ҳар бир ҳудудда Совет Иттифоқи, АҚШ, Буюк Британия ва Франция назорати ўрнатилганди. Келажакда улар ягона немис давлатини барпо этишлари лозим эди. Ғарб давлатлари ўз ҳудудларини бирлаштирадилар ва Германияда янги пул ислохотини жорий этадилар. Совет Иттифоқи бунга қарши чиқади, чунки у АҚШ ташаббуси билан қабул қилинган ҳеч қандай ҳаракатни қўллаб-қувватламасди. Ташаббус кимда бўлса, ҳокимият ҳам ўшанга тегишли эди. Германияда ўзининг ҳукмронлиги ва коммунистик давлатчилик қуриш билан овора бўлган советлар Ғарбга зинҳор қўшилолмасдилар. Натижада, 1948 йили Совет Иттифоқи Германиядаги ҳудудини тўлиқ ёпиб қўяди. Бу Шарқий ҳамда Ғарбий Германиялар ўртасида чегара таъсис этилишига олиб келади. Ғарбий Берлин эса ҳар томондан қамал этилади. Ғарб давлатлари у ерга ўтишлари учун Совет Иттифоқи ҳудудини босиб ўтишига тўғри келарди, советлар эса йўлларнинг таъмирланишини баҳона қилиб, барча кириш-чиқиш пунктларини бекитганди. Натижада, АҚШ ўз транспортларини у ерга ўтказолмай, “ҳаво кўприги”ни жорий этишга мажбур бўлади, чунончи, самолётлар ёрдамида озиқ-овқат ва бошқа керакли бўлган анжом-

лар билан Ғарбий Берлинликларни таъминлаб туради. Бу воқеа бир йилча давом этади. Ғарбий Берлиндаги АҚШ генерали Клей Президент Трумэндан СССРга ҳужум қилишни талаб этади, аммо Трумэн бир шахар учун миллионлаб инсонларнинг ҳаётини хавф остига қўйишни истамаётганини билдиради. Америка, Англия ва Франция оккупацион ҳудудларида Германия Федератив Республикаси тузилса, Совет Иттифоқи ҳудудида Германия Демократик Республикаси барпо этилади. Немислар Бисмаркнинг⁴⁸ насиҳатларини ёддан чиқариб, яна бўлинишга рози бўлади. Бинобарин, бу икки немис давлати бир-бирларини расман тан олмайди, ҳар иккиси ўзини келажакда ягона немис давлати йўлида асосий давлат деб ҳисобларди. Бир-бирини тан олиш коалицион ҳукумат тузиш муқобилини яратарди, бунга эса уларнинг “акалари” рози бўлолмасди. Чунки АҚШ ҳам, Совет Иттифоқи ҳам Германияни ўз назоратига олганди. Ягона немис давлати учун ўз ҳудудини бериш Совуқ урушда ҳал этувчи воситадан маҳрум бўлишни англатарди. Негаки, Берлин ушбу зиддиятнинг асосий марказларидан бирига айланган ва унинг назорат масаласи, қайсидир маънода, Совуқ урушда ким ғалаба қозонишини аниқлаб берар эди⁴⁹.

Совет Иттифоқининг Ғарбий Берлинни қамал қилгани дунё ҳамжамиятида салбий қабул қилинади, натижада, у бир йилдан кейин Берлинни яна очишга мажбур бўлади.

⁴⁸ Отто фон Бисмарк – Германия канцлери, сиёсий арбоб, дипломат. Сиёсатдоннинг фаолияти уруш, дипломатия ва музокаралар ёрдамида бирлашган ягона Германия империясини таъсис этишга қаратилганди. Натижада, 1871 йил унинг саъй-ҳаракатлари эвазига бу амалга ошади.

⁴⁹ Дарҳақиқат, 1989 йил Берлин ГФР назоратига ўтиши ва 1990 йил икки немис давлати бирлашиши, коммунистларнинг бутун минтақада ўз позицияларини йўқотишига олиб келади.

Германия АҚШнинг келажақдаги манфаатлари учун географик жиҳатдан муҳим эди, шунинг учун 1955 йили ГФР НАТО блокига қабул қилинади. Германияга киритилган қўшинлар АҚШга бир томондан Совет Иттифоқини “тийиб туриш”ни берса, иккинчи томондан Ғарбий Европа мамлакатлари ўртасида лидерликни ҳам тақдим этарди. Чунки урушдан кейинги даврда давлатларга миллий руҳ қайтаётган эди ва баъзи раҳбарлар АҚШнинг ҳам, СССРнинг ҳам босимидан озод бўлиш ниятида эдилар⁵⁰. Энг қизиғи, Совет Иттифоқи ҳам ушбу ташкилотга аъзо бўлиб кириш таклифи билан чиқади. Аммо НАТО буни инкор этишга мажбур бўлади, чунки НАТО асли коммунизмга қарши тузилган ташкилот эди, Совет Иттифоқининг аъзолиги унинг бош мақсадини йўққа чиқарарди. Рад жавобини олган Совет Иттифоқи қасддан Шарқий Европа давлатлари билан Варшава Шартномаси ҳарбий блокени тузади. Мана энди дунё ҳақиқатдан икки қарама-қарши ҳарбий қутбга бўлинади.

1958 йили Совет Иттифоқи АҚШдан Берлинни олти ой ичида тўлиқлигача тарк этишни талаб қилади. Эйзенхауэр бўш келмайди ва АҚШ ўз позициясидан воз кечмаслигини эълон қилади. Қонга-қон, жонга-жон эди. Эйзенхауэр ушбу масалада энг кўп масъулият унда эканини яхши биларди, чунки вазият Сувайш инқирози каби жиддий тус олса, ГФРни ундан бошқа ҳеч ким ҳимоя этолмасди. Рақибга ён бериш нияти икки томонда ҳам йўқ эди. Айнан, шу вақт “Ялпи қасос олиш” доктринаси ҳам тўлиқ кучга киради, яъни агар Берлин туфайли уруш бошланса, АҚШ СССРнинг асосий шаҳар-объектларини ядро қуроли билан бомбар-

⁵⁰ 1966 йили Франция АҚШ таъсиридан чиқиб кетиш учун НАТО ташкилотидан ўз аъзолигини бир қанча муддатга тўхтатади.

димон қилишни режалаштиради. Дунё яна ядро уруши ёқасига келади, Ғарбий Европа мамлакатлари ҳам бундан саросимага тушишади, чунки уруш уларнинг ҳам ҳудудига тўғри келарди. Британия Бош вазири ҳатто ўз халқини Канада ва Австралияга эвакуация қилиш режасини ҳам тузиш устида бош қотира бошлайди. Эйзенхауэрнинг нуқтаи назаридан, Ғарбий Берлин учун уруш ҳарбий жиҳатдан хато эди, чунки шаҳар жаҳон уруши бошланишига арзимасди, аммо сиёсий томондан назар солсак, шаҳарни рақибга бой бериш халқаро майдонда АҚШнинг обрўсини ер қиларди. Рақиб “АҚШ мендан кўрқди” деб яна янги талаблар билан чиқиши мумкин эди, шунинг учун ҳам президент қатъян Берлинни бермаслик қарорини қабул қилади. Бинобарин, масала урушгача етиб бормайди. Бироз вақт ўтгач Эйзенхауэрнинг ўзи бу борада ядро қуролини ишлатиш мантиқсизлик экани тўғрисида сўз очади ва ҳатто Берлиннинг БМТ тасарруфидаги эркин шаҳар бўлишини ҳам таклиф этади. Унингча, бу шаҳар Ер юзида тинчликни барпо этиш учун эгалланганди. Унинг ўзи 13 йил аввал бунга гувоҳи бўлган. Энди, айнан, ушбу шаҳар янги можарога сабаб бўлаётгани уни бирмунча таажжублантирарди.

Ўз навбатида, ГФР раҳбари Конрад фон Аденауэр ҳам Берлинни зинҳор бермасликни ўз иттифоқчиларига эслатиб қўяди. Агар Берлин қўлдан кетса, Аденауэрга ҳам ишонч сўниб, ГФР ҳокимиятга социалистлар чиқарди, бу эса советлар билан алоқалар ўрнатилишига олиб келарди. Биргина ярим Берлинни деб бутун ГФР Совет Иттифоқи назоратига ўтиб кетиши мумкинлигидан огоҳлантиради.

Франция раҳбари Шарль де Голль Аденауэрни қўллаб-қувватлай бошлайди. Бу икки Европа давлати

учун янги дўстликни исботлаш учун имкон эди. Франция раҳбарининг хавотири Германия тўлиқ советларга ўтиб кетиши эҳтимоли билан боғлиқ эди. ГФР Совет Иттифоқи босимига бардош беролмасдан, ГДРни тан олиб қўйиши мумкин эди⁵¹. Бу эса яқунда ягона немис давлатининг совет модели бўйича ривожланишига замин яратарди. Шундай бўлган тақдирда, Франция советлар билан чегарадош бўлиб қоларди. Де Голль Германияга ёрдам берса, Европада лидерликка эришарди. Ёрдам бермаса, коммунизмни Европада жиловлаб туриш заҳмати бўйнига оларди.

Де Голль советларнинг Берлиндаги талабини давлат манфаати йўлидаги ишлар деб эмас, балки сиёсий тизимнинг ҳосиласи деб баҳо беради. Яъни Хрушчёв ўзининг ҳокимиятини ушлаб қолиш учун ташқи сиёсатда улкан ғалабаларга эришиши лозим эди, акс ҳолда, у партия томонидан четлаштириларди⁵². Шунинг учун ҳам унга Берлин, кейинчалик Кубадаги Кариб инқирозига ўхшаш можаролар зарур эди. Айти шу мақсадда де Голль вазиятга ўзгача нигоҳ билан ёндашишни таклиф этади. Аммо у қанчалик жон куйдирмасин, барибир, масала ўз чўққисига етганида Германияни АҚШчалик ҳимоя этолмасди. Буни яхши билган Аденауэр Президент Эйзенхауэрга кўпроқ ишонч билдиради.

Вазиятни ўнглашга Британия ҳам уриниб кўради. 1959 йили Бош вазир Гарольд Макмиллан Москва-

⁵¹ Тан олиш мағлубиятга тенг деб қабул қилинганди. Бинобарин, кейинчалик ГФР раҳбари В.Брандт даврида бу фикр нотўғри эканлиги исботланади.

⁵² Кейинчалик 1964 йили бу ҳодиса, барибир, юз беради. Халқаро майдонда катта ўйинларни бошлаб, улар учун улкан харажатларни сарф этган Хрушёв давлатга айтарли ҳеч қандай глобал даражадаги ютуқни олиб келмайди ва шунинг учун ҳокимиятдан туширилади.

га ташриф буюради, аммо ҳеч қандай натижага эриша олмайди. Хрушчëв ўз фикрларини қуйидагича билдиради: “Давлат чегаралари конференцияларда ўзгармайди. Улар фақат урушдаги ғалаба ва мағлубият ёки шунга ўхшаш омиллар туфайли вужудга келади”. Бу билан у Германия бўйича музокаралар олиб бориш бекор, ҳаммаси 1945 йилдаёқ ҳал этилганини эслатади. Хрушчëвга истаётганини Эйзенхауëрдан бошқа ҳеч ким тақдим этолмасди, шунинг учун бошқа Ғарб давлатлари раҳбарларининг таклифлари рад этилиб, АҚШ президенти билан учрашувга тайёргарлик кўрилади.

Бу вақтга келиб Ғарбий Берлинда сайловлар бўлиб ўтади ва унга кўра, коммунистик тузумни фақатгина 2фоиз аҳоли қувватлайди. Мағлубиятдан жазавога тушган Совет Иттифоқи 1959 йили такроран талабини эълон қилади, аммо энди гап ягона немис давлатчилиги тўғрисида кетарди. Ушбу масала бўйича Женевада йиғилиш бўлиб ўтади. Афсуски, ўша вақтга келиб АҚШ Давлат котиби Жон Фостер Даллес касаллик туфайли вафот этади ва музокараларнинг барчасини Дуайтнинг ўзи ўтказишига тўғри келади. Женева конференцияси давомида АҚШ ва Совет Иттифоқи ўртасидаги алоқалар илиқлашади. Орадан яна бироз вақт ўтиб, Хрушчëв АҚШга ташриф буюради, бу СССР ўз шаштидан қайтиб, ультиматумни бекор қилишига олиб келади. Ушбу Женевадаги учрашув ҳамда Америка ташрифи, умуман, Совуқ урушнинг ҳам келажакда ниҳоясига олиб келиши мумкин эди, аммо “У-2” самолёти билан боғлиқ бўлган инцидент барчасини остин-устин қилиб юборади (Бу ҳақда кейинроқ батафсил сўз очамиз).

Эйзенхауэр билан Берлин муаммосини ҳал этиб бўлмаслигини тушунган Хрушчëв ушбу масалада кейинги АҚШ президенти билан ечим излашга қарор

қилади. Аммо бу сафар ҳаммаси охиригача узил-кесил ҳал этилиши лозим эди. Бир сафар у ўзининг генерал-лейтенант формасида пайдо бўлса, бошқа сафар Англияни олтига, Францияни эса тўққизта ядро бомбаси билан йўқ қилиш мумкинлиги билан таҳдид қилади.

Эйзенхауэрдан фарқли ўлароқ Кеннеди Совет Иттифоқи билан музокараларга бориб, зиддиятни батамом йўқ қилмоқчи эди. Эйзенхауэр советларнинг ҳаракатларини “тийиб туриш”га интилса, Кеннеди Берлин орқали икки давлат ўртасидаги барча кескинликдан воз кечмоқчи эди. Эйзенхауэрга Берлин муаммо бўлса, Кеннедига бу янги тартибни жорий этишга имконият эди. Биринчиси масалани ечишга ҳаракат қилса, иккинчиси у орқали барча зиддиятни йўқ қилмоқчи эди.

Хрушчёв 1961 йили Вена анжуманида Президент Кеннеди билан масалани муҳокама этади, аммо Кеннеди ҳам ён бермайди. Натижада, ўша йили Берлин девори қурилади ва шаҳар икки қисмга ажралиб қолади⁵³. АҚШ Венгриядаги 1956 йилги можарога аралашмаганидай, Берлинда девор қурилганига ҳам ҳеч қандай ҳарбий қаршилик билдирмайди, чунки СССР томонидан агрессия ишлатилмаган, девор ГДР худудида эди, у эса Совет Иттифоқи назорати остидаги давлат эди.

Эйзенхауэр ҳам, Кеннеди ҳам Совет Иттифоқи ядро захираси бўйича АҚШдан анча ортда эканини яхши билишарди, шу боис Хрушчёвнинг бундай ёлғон-яшиқ таҳдидларига учмасдилар. Бинобарин, ГФР раҳбари АҚШнинг бундай ҳавойи ҳаракатларидан хавотирга тушиб, масалага танҳо ечим топиш тўғрисида ўйлай

⁵³ Шарқдан Ғарбий Берлинга фуқароларнинг қочиб кетаётгани девор қурилишини тақозо этган. Девор Совуқ урушнинг рамзи эди ва 1989 йили унинг қулаши дунёда янги тартиб ўрнатилаётганидан дарак берарди.

бошлайди ва бу НАТО бирдамлигига ҳам салбий таъсир ўтказади. Айни шу вақтда, Хрушчëв Кубага ядро ракеталарини жойлаштириб, Ғарбнинг янада ўзаро жипслашишига сабабчи бўлади. У Кубадаги ҳолат Берлин масаласида дипломатик ютуқни беради, деб ўйларди, лекин Кеннеди вазиятдан уддабуронлик билан чиқиб кетишга муваффақ бўлади.

Ультиматум вақти келганида эса Хрушчëв уни бир неча бор олдинга суради, чунки унинг охири жаҳон уруши эди, бунга эса у рози бўлолмасди. АҚШга ён берган тақдирда, Кремлдаги сиёсатчиларнинг танқидига учраб, барчасини йўқотарди. Халқаро муносабатларда кўркмасдан кескин инқирозларни яратишга қодир бўлган Хрушчëв, ушбу масалаларни қандай ҳал этишни баъзида ўзи ҳам билмасди. Охиригача талаб этолмасдан ва мақсадини бажаролмасдан у 1963 йили Берлин инқирозини шу ҳолича қолдириб, унга яқун ясайди. Бу билан у совет назорати ҳудудида кичик Ғарб шаҳарчаси бўлишига кўнади. Унинг ушбу можародан эга бўлган ягона ютуғи бу фақат девор бўлади. Аммо у ҳам советларнинг халқаро имижининг пасайишига хизмат қилади.

1963 йили Берлин “ҳаво кўпригининг” 15 йиллиги муносабати билан илк бор ушбу шаҳарга АҚШ президенти расман ташриф буюради. Жон Кеннеди ўзининг “Мен берлинликман” нутқи билан АҚШ нима бўлса ҳам, уни советларга бериб қўймаслигини ифода этади. У билан бирга келган генерал Клей Кеннеди кези келса, шаҳар учун урушга ҳам боришининг бир ишораси эди. Агар Эйзенхауэр шаҳар учун урушдан воз кечган бўлса, Кеннеди бу учун барчасига тайёр эканини намоён қилади.

Бинобарин, СССР раҳбарияти ҳам бир шаҳар учун дунёни вайрон қилишга бормасди, бир-бирини йўқ қилиб юбориш назарияси уларни бу янги жаҳон можа-росига боришидан тийиб турарди. Кеннеди ҳам ярим шаҳарни деб Россияга ядро уруши очмаслиги аниқ эди. Бу жаҳон урушини бошлаш учун ҳаддан кичик баҳона эди.

* * *

1953 йилнинг март ойида Сталин оламдан кўз юмади. Унинг ўлими билан Совет Иттифоқида “Илиқлик” («Оттепель») номи билан тарихга кирган давр бошланади. Халқаро муносабатларда кескинлик сусаяди. Халқаро алоқаларда баъзан шахсларнинг ўрни беқиёс бўлади, яъни маълум бир кишиларнинг хатти-ҳаракатлари жаҳондаги жараёнларга кучли таъсир этади. Сталиннинг ҳам феномени худди шундай эди. Унинг ўлиши, албатта, кўпгина ўзгаришларга олиб келарди, аммо, айнан, қандай узгаришларга олиб келишини ҳеч ким билмасди. Тўсатдан юз берган ўлим АҚШнинг ташқи сиёсатини ўйлантириб қўйди. Энди Совет Иттифоқи қай томонга қадам ташлайди, деган савол уларни қийнади. Мухтасар қилиб айтганда, улар бу кескин бурилишга тайёр эмасдилар. Баъзи ахборотларга кўра, Ғарб мамлакатлари учун Сталиннинг ҳаётлиги ўлиmidан хавфсизроқ эди. Чунки Ғарб Сталиннинг характерини пухта ўрганиб чиққан ва у яна бир жаҳон урушига бормаслигини яхши билар эди. Унинг ўрнини ким эгаллашини ҳеч ким билмасди ва шунинг учун Совет давлатидаги ўзгаришлардан улар биров ҳайқиб турардилар. Бинобарин, Сталиннинг ўлими Совет Иттифоқининг ташқи сиёсатида унчалик ҳам сезилмайди, давлат, барибир, ўз асосий принци-

пларидан воз кечмайди ва ўз таъсир доирасини кенгайтиришда давом этади. Ҳокимият тепасига кўтарилган Никита Хрушчёв Сталинни қоралаб, ўзининг обрўйини мустаҳкамлаш учун улкан ишларни бошлаб юборади. Олдинига сиёсий вазнга эга раҳбарлар Берия ва Маленков йўлдан олинса, кейинчалик Молотов ва Жуковлар суриб ташланади. Сталиндан фарқли ўлароқ ушбу раҳбар Совет Иттифоқига чегарадош бўлмаган ҳудудларда (1956 йил Мисрда, 1959 йил Кубада) ҳам АҚШга талаб қўя бошлайди ва кескинликни янада ошириб юборади.

Эйзенхауэр ҳам Сталин каби халқаро муносабатларга таъсир ўткази оладиган шахс эди. Жаҳондаги кўпгина муаммоларга осонлик билан ечим топарди. Бунда унинг Европа давлатларининг раҳбарлари билан шахсан танишлиги ёрдам беради. Мисол учун, генерал де Голль Франция президенти бўлса, Буюк Британияда ҳокимиятга яна Черчилль қайтган, ундан кейин эса Ташқи ишлар вазири Энтони Иден Бош вазирликка кўтарилган эди. Де Голль, Иден ва ҳатто ГФР раҳбари Конрад Аденауэрга ҳам Эйзенхауэр телефон орқали тўғридан-тўғри чиқиб масалаларни ҳал этарди. Ўз вақтида ушбу лидерларга қўмондонлик қилган Эйзенхауэрнинг салобати ва сўзи таъсир кучига эга эди. Булар АҚШнинг ташқи манфаатларини ҳимоя этишда жуда ҳам қўл келарди.

* * *

Эътиборимизни қаратишимиз зарур бўлган воқеалар Вьетнам, Ливан ҳамда Тайвань билан боғлиқ. Ушбу ҳудудларда ҳам Эйзенхауэр коммунизмни “тийиб туриш”га ҳаракат қилди. Унинг администрацияси ушбу давлатлардаги коммунистик ҳаракатларни “до-

мино эффекти” назарияси билан таърифлайди. Чунончи, агар бир давлат советларга “ўтиб кетса” ўз-ўзидан минтақадаги қолган давлатлар ҳам унга эргашади. Шунинг учун хавфни жойида, биринчи қадам ташланган вақтидаёқ бартараф қилиш керак деган, хулосага келинади.

Озодлик учун курашаётган Вьетнам Франциянинг колонияси эди. Аммо ушбу озодлик ҳаракатига коммунистик Хитой ва Совет Иттифоқининг таъсири ўта кучли эди. АҚШ коммунизмга қарши туришда Францияга ён босса, колониализмни қўллаб-қувватлаган бўларди, аксини қилса, бутун минтақани йўқотарди. Президент олдида “дилемма” ҳосил бўлади: давлат принципларими ёки геосиёсий ҳукмронликми, яъни антиколониализм олий ғоясими, ё бўлмаса таъсир доирасини сақлаб қолишми? Фостер Даллес департаменти олдинга французларни қўллаб, кейин улардан Вьетнамга озодлик беришни таклиф этади. Яъни олдинга асосий рақиб коммунистларга қарши туриш керак эди. Бу ўша замонда танлов келганида геосиёсий манфаатлар ахлоқий нормаларга қараганда устунроқ эканлигини кўрсатиб қўяди. Аммо ўша вақтлари АҚШ кучлари асосий эътиборни Германия ва Кореяга қаратган ва администрация қанчалик истамасин Ҳиндихитойга киришга салоҳият етарли эмас эди. Шунинг учун ҳам француз армиясини моддий қувватлаш режасига киришилади, яъни АҚШ тўлайди, Франция уруш олиб боради. Бу режа ўзини узоқ оқламайди ва Франция минтақадан кетишга мажбур бўлади. АҚШ эса унинг ўрнини эгаллайди. Натижада, Вьетнам Шимолий ва Жанубий қисмларга ажралиб қолади. Шимол социалистик давлатчилик қуриш тарафдори эди. Бутун минтақани коммунизмдан қутқариб қолиш учун сиёсий брандмауэр қуриш

лозим эди. Шу мақсадда АҚШ Франция Вьетнамдан чиқиб кетганидан сўнг, у ерда аста-секинлик билан ўз ҳарбийларини жойлаштиради. Эйзенхауэр мингга яқин ҳарбий маслаҳатчиларни Жанубий Вьетнам армиясига сафарбар этади ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари хавфсизлиги учун масъул СЕАТО ҳамда АНЗЮС ташкилотларини тузади. Эйзенхауэр Британия раҳбари Черчиллга ҳам мурожаат этади, ammo инглиз даҳосининг даври ўтганди ва у бу масалада айтарли ёрдам кўрсатолмайди. Дуайтнинг якка ўзи урушга боришга ботинолмайди. Бунинг сабаби, биринчидан, ҳарбий киши сифатида у бу урушга Хитой аралашishi ва бу охири кўринмайдиган можарога айланиб кетишини биларди. Иккинчидан, унинг сиёсати тинчликка йўналтирилганди. Учинчидан, барибир, империализм ва колониализм ғояларидан қутулиш даври келганини АҚШ ўз мисолида кўрсатиши ва дунёни шу маромда етаклаши лозим эди. Гарчанд, АҚШ минтақани йўқотса-да, улуғ ғоялар тарафдори бўлгани сабабли халқаро лидерликни сақлаб қоларди. Бу АҚШга муҳим эди, чунки у ички сиёсатда ҳам, ташқи сиёсатда ҳам ўзини янги ғоялар, янги кадриятлар ҳамда янги тартиб “ҳимоячиси” деб ҳисоблар ва бунга ишонар эди. Франция колониализмини қувватласа, биргина минтақани қўлга киритарди, унга қарши турса, глобал лидерликка эришарди. Натижада, француз колониализмидан тўлиқ воз кечилади ва бор эътибор коммунизмни “тийиб туриш” сиёсатига қаратилади. Бундан келиб чиқадики, Эйзенхауэр ғояни ҳам, геосиёсатни ҳам танлайди, фақат меъёрида. Мухтасар айтганда, АҚШ ҳужум қилмайди, аксинча, мавжуд бўлган статус-кони сақлаб туради. Бинобарин, кейинчалик Президент Линдон Жонсон буларнинг барини тескарисини амал-

га оширади ва мамлакатни охири кўринмайдиган муаммолар ботқоғига фарқ этади. Ушбу ташқи сиёсатдаги Жонсоннинг муваффақиятсизлиги АҚШни Мюнхен синдромидан Вьетнам синдромига олиб келади. Яъни давлат маълум бир муддат агрессияни вақтида олдини олиш фикри билан эмас, балки талафотли авантюра-ларга бормаслик қарори билан яшай бошлайди.

1958 йили Эйзенхауэр Ливан давлатидаги воқеаларга эътиборини қаратади ва АҚШ манфаатларига тўғри келадиган ҳукуматни ҳимоя қилиш мақсадида у ерга 15 мингга яқин аскарни сафарбар этади. Ушбу кучлар ёрдамида ҳукумат асраб қолинади ва минтақадаги домини қисман тўхтатилади. Бу ерда ҳам СЕНТО ва Бағдод пакти каби ҳарбий блокларга асос солинади.

Агар АҚШ-СССР алоқаларида Берлин асосий низо ўчоғига айланган бўлса, Америка-Хитой муносабатлари Тайвань атрофида шаклланарди. Хитой Халқ Республикаси ва АҚШ алоқалари Тайванда Америка кўмагида ўрнатилган Чан Кайши ҳукумати туфайли кескинлашади. Минтақада ўз таъсирини янада кучлироқ сақлаб туриш учун АҚШга Тайвань зарур эди. Шунинг учун Эйзенхауэр администрацияси оролни нима бўлса ҳам Хитойга бериб қўймасликка интилади ва бу учун ҳатто ядро қуролидан фойдаланишни режа қилади. Аммо вазият ядро урушини тақозо қилган вақт президент бундан воз кечади. Унинг администрациясидаги сиёсатчилар бир неча бор босим ўтказиб, Хитойга қарши вайронкор қуролни қўллашни талаб этишади, аммо Дуайт “йўқ” дейди, чунки ядро урушида ҳеч қайси томон ютиб чиқмаслигини яхши биларди. Оролни сақлаб қолиш учун эса у бутун Тинч океани бўйлаб жойлашган АҚШ флотилияси, ҳарбий базалар ва минтақадаги юз минглаб аскарлар кучига таянар-

ди. Ҳақиқатдан ҳам, ушбу ҳарбий қисмлар Жанубий-шарқий Осиёни АҚШ манфаатларининг жилови остида сақлаб туриш ҳамда коммунизм тарқалиб кетишидан қисман тўсиб турарди.

Умуман, Эйзенхауэр коммунизмни ҳар томонлама бўғиб қўйиш ниятида эди. Шунинг учун Совет Иттифоқи ҳамда Хитой атрофида НАТО, СЕАТО, СЕНТО, АНЗЮС ва Бағдод пакти каби турли хил ҳарбий ташкилотларга асос солинади. Ҳарбий, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан ўралган рақиб вақти келиб тиз чўкиши узоқ муддатли дастурга киритилади.

* * *

1952 йилда АҚШда водород бомбаси ихтиро этилган бўлса, орадан бир йил ўтиб советлар ҳам бу қуролга эга бўлдилар. Ядро қуролининг сони ортиб бориши давлатларни ваҳимага соларди, шунинг учун ҳам бир-бирларини назорат этиб туриш учун улар “Open sky”, яъни “Очиқ осмон” лойиҳасини имзолашга қарор қиладилар. Унга кўра америкаликлар Совет Иттифоқи, советлар эса Америка узра парвоз қилиб, керакли бўлган фотосуратларни олиши мумкин эди. Бу кучлар мутаносиблигини, ядро қуроли сонининг назорати ҳамда шаффофликни сақлаб туришга ёрдам берарди. Эйзенхауэр ушбу лойиҳа тўғрисида 1955 йили Женева конференциясида сўз очади.

Ушбу конференциянинг чақирилишига ҳали 1952 йил Сталиннинг Совуқ урушни тўхтатиш бўйича қилган таклифи ва унинг янги сайланган Президент Эйзенхауэр билан юқори даражадаги учрашувга ҳозирлик кўриши замин яратганди. Ҳали 1945 йили Сталин Эйзенхауэрнинг президент бўлишини тахмин қилган ва генералнинг Москвага қилган ташрифидаёқ у билан

дўстлашишга уринган эди. Аммо Сталиннинг таклифлари рад этилади, чунки Ғарб унга ишонмасди ва унинг ҳаракатларини яна бир шумлик ё стратегик қадам дея қабул қилишарди. Чунки, ҳақиқатдан ҳам, Кореядаги уруш туфайли Ғарб давлатларининг бирдамлиги ортган ва ким билади дейсиз, балки, Сталин бунга тўсқинлик қилиш учун яна бир дипломатик ўйинни бошлаганмикан, деган гумон пайдо бўлар эди. Шунга қарамасдан, Британия Бош вазири Черчилль Потсдам конференциясида ҳал этилмаган масалаларни давом эттириш мақсадида яна бир бор АҚШ, Совет Иттифоқи ва Буюк Британия давлатларининг йиғилишини ташкиллаштиришни таклиф этади. Дунёни шу аҳволда қолдириб бўлмасди, шунинг учун олдинга 1954 йили Ташқи ишлар вазирлари учрашуви, кейин 1955 йили давлат раҳбарлари мажлиси ташкиллаштирилади.

Конференцияга Советлар томондан Эйзенхауэрнинг қуролдош дўсти маршал Жуков ҳам делегация вакили бўлиб келгани томонларнинг муносабатларида илиқлик сақланиб туришига сабаб бўлади. Бу билан икки ҳарбийнинг дўстлиги халқаро майдондаги алоқаларга ҳам таъсир ўтказишини кўришимиз мумкин. Бинобарин, Жуков ўз хотираларида ушбу Дуайт билан учрашув сўнггиси бўлгани ва президент бўлганидан сўнг Эйзенхауэр анча ўзгаргани, дадиллашгани ва АҚШ манфаатларининг ҳимоячисига айланганини эътироф этган. Бунда Жуков умрининг охирида Дуайтга нисбатан муносабати бирмунча ўзгарганини сезамиз.

Женевада Эйзенхауэр қутблар ўртасидаги зиддиятни психологик деб атайди. Яъни қарама-қаршиликнинг тагида манфаатлар эмас, балки ўзаро тушунмовчиликлар ётган. У конкрет муаммоларни эмас, балки ушбу

муаммоларни вужудга келтираётган муҳитни яхшилаш тўғрисида гап очади. Бу Совуқ урушни якунлаш бўйича фундаментал ҳаракат эди. Чунки амалдаги можаролар ечим топгани билан муҳит ўзгармаса, янги-янги тўқнашувлар ҳосил бўлаверарди. Муҳит ижобий тус олса, келажақда умуман зиддиятлар бўлмасди. Эйзенхауэр тарафларни муросага келтириш учун катта қадам ташлаган эди. Агар 1945 йили у жаҳон урушини якунлаб, тинчлик олиб келган бўлса, орадан ўн йил ўтиб – 1955 йили яна глобал миқёсдаги тинчлик учун платформа ҳозирлаётганди. Бинобарин, буларнинг барчасига қарамаздан, адоват йўқ бўлиб кетмайди, барибир геосиёсат устунлик қилади...

* * *

Термоядер қуроолларнинг ихтироси уларни етказиб берувчи воситаларнинг ҳам ривожланишига олиб келади. Хусусан, АҚШда бу авиация соҳасининг гуркираб яшнашига сабаб бўлади, чунки аввалига самолётлар асосий восита сифатида қабул қилинганди. Рақиб ҳудудига икки водород бомбасини етказиб беришга қодир “БИ-52” русумидаги самолётларнинг фаолияти кескин ошиб кетди. Ўз навбатида, бу ушбу соҳага кенг эътибор қаратган Ҳарбий саноат комплексининг ҳам яшнашига олиб келди. Кейинчалик Совет Иттифоқида ҳам, АҚШда ҳам ядро қуролини етказиб беришда қитъалараро баллистик ракета-лардан фойдаланиш устувор деб қабул қилинди. Совет давлатида уни ишлаб чиқиш бўйича атоқли олим Сергей Королёв меҳнат қилса, Америкада бу иш собиқ фашист офицери ва даҳоси, бир вақтлар “Фау-2” ракета-ларини ихтиро этиб англияликларни ўққа тутган Вернер фон Браунга юкланади. Амери-

ка ва Эйзенхауэр бу олимни афв этади, кейинчалик у ҳатто АҚШ фуқаролигини олиб, юқори мансабларга ҳам эришади.

Баллистик ракеталар синовлардан ижобий ўтгандан сўнг ҳарбий саноат ушбу ракеталарни фазога чиқариш ва сунъий йўлдош орқали рақибни кузатиш вазифаларини олға суради. Шу билан супердержавалар ўртасида космос учун кураш бошланади. 1957 йили Королёв қўйилган вазифани мувафақиятли якунлайди ва советлар биринчи бўлиб космосда ўз йўлдошига эга бўладилар. Бу АҚШ учун қўрқинчли эди, чунки советлар уларни юқоридан бевосита кузатиб турарди. Кузатиб туришга АҚШ қарши эмасди, чунки ўз вақтида улар биринчи бўлиб “Очиқ осмон” лойиҳасини таклиф этишганди, аммо Совет Иттифоқи бунга рад жавобини берганди. Энди эса СССРга америкаликларни кузатиш учун ҳеч қандай келишув керак эмасди, чунки фазода “менинг” ва “сенинг худудинг”, деган тушунча йўқ эди, сунъий йўлдош исталган томонга ҳаракатлана оларди. Советлар биринчи бўлиб сунъий йўлдошга эга бўлиши Эйзенхауэрнинг ҳам мағлубияти эди. Чунки у бу лойиҳани ҳарбий флотга топширганди, бинобарин, фазо кемаси бу оддий кема эмасди, шу туфайли флот бу вазифани вақтида бажаролмайди. Кейинчалик орадан тўрт ой ўтиб Брауннинг саъй-ҳаракатлари туфайли улар ҳам шундай қурилмага эга бўладилар. 1958 йили космонавтикага масъул этилган NASA (National Aeronautics and Space Administration) ташкилоти жорий қилинади, аммо барибир, кейинги беш йилликда Совет Иттифоқи ушбу соҳада етакчиликни сақлаб қолади. Космос соҳасида Эйзенхауэр ҳукумати ортда қолаётгани унга муҳолиф бўлган де-

мократларга қўл келади, хусусан, сенатор Жон Кеннеди ўз маърузаларида айнан шу соҳага чуқур урғу бергани кейинчалик уни президентлик сайловларида ютиб чиқишига бир омил бўлади.

* * *

Космонавтика ва илм-фаннинг ривожланиши икки давлат ўртасида ютуқларни ўзаро бўлишишга ҳам олиб келади. Нью-Йоркда совет халқ хўжалиги ютуқлари кўрғазмаси ташкил этилса, Москвада АҚШ кўрғазмаси очилади. Нью-Йоркдаги совет кўрғазмасига ташрифи чоғида Эйзенхауэр рус мусаввирларининг бадий ишларига алоҳида эътибор қаратади. Бунда шуни инобатга олиш керак эдики, Айкнинг ўзи ҳам ҳаваскор рассом эди. Ушбу санъат билан у президентлик даврида ҳам кечки вақт дам олиш учун шуғулланарди. Умри давомида у 260 ортиқ турли хил суратлар чизишга муваффақ бўлади, улар ичида ўз қахрамонлари Жорж Вашингтон, Авраам Линкольн, дўсти Бернард Монтгомери ва ҳатто аёли Меймининг ҳам портретлари бор эди.

Орадан биров вақт ўтиб вице-президент Ричард Никсон Москвага ташриф буюриб, совет кўрғазмасида иштирок этади. Унга Совет давлатининг раҳбари Никита Сергеевич Хрушчёв ҳамроҳлик қилади. Ўз навбатида, Хрушчёв ҳам 1959 йил сентябрь ойида АҚШга расмий ташриф буюради ва Эйзенхауэр ҳамда Никсон билан бир қаторда бир қанча маҳаллий раҳбарлар билан ҳам учрашади. Бундан ташқари, у машҳур Голливудга боради ва Америка юлдузи актриса Мэрилин Монро билан ҳам кўришади. Нью-Йоркда бўлган вақти у штат губернатори Нельсон Рокфеллер ва БМТ Бош котиби

Д.Хаммаршельдлар билан суҳбатлашади. Ўз маърузасида у ядро қуроллари синовлари ва қуролланишга чек қўйилиши тўғрисида сўз очади. Умуман олганда, Америка унга манзур келади ва Эйзенхауэрда у ўзининг янги дўстини кўра бошлайди. Хрушчёв билан суҳбат чоғида Дуайт унга ўзининг иккинчи муддати яқунланаётгани ва қонунга кўра, бошқа раҳбар бўлолмаслиги тўғрисида хабар берганида, Хрушчёв: “Муаммо нимада? Қонунни ўзгартиринг”, дея маслаҳат беради. Қонунларга қатъий амал қилиш АҚШ демократиясининг асосий принципи эканини у қаёқдан ҳам биларди.

Ташриф шуни маълум қиладики, Совет Иттифоқи ҳамда АҚШ сиёсатчилари бир-бирлари билан келиша олишлари мумкин экан. Демак, улар ўртасидаги адонат давлат манфаатларининг тўқнашуви билан эмас, аксинча, ўзаро ҳамфикрликнинг йўқлиги туфайли вужудга келган экан. Давлатлар келиша олмаганлари билан, инсонлар келиша оларди, чунки инсон барча жойда инсондир ва бу Эйзенхауэр-Хрушчёв муносабатларида яққол намоён бўлади. Совет раҳбари Америка халқи президентидадан тортиб ҳамма-ҳаммаси ўзи каби тинчликни истаётганини ва, ўз навбатида, америкаликлар ҳам Хрушчёвнинг таҳдидлари муболаға эканини, у ҳам тинчлик бўлишини хоҳлаётганлигини тушунишади. Бу икки томон ҳам бир-биридан хавфсираётганликларини ва алоқалар бўлмагани учун бир-биридан кўрқаётганини кўрсатиб қўяди. Аслида, ҳар икки томон тинчликни ўйлаб иш тутарди. Орадан бироз вақт ўтиб, бекорга Президент Кеннеди “музокаралар олиб боришдан кўрқмайлик”, деган чорлов сўзларни айтмаганди. Чунки қанча кўп фикр алмашуви учун имкон яралса, шунча кўп бир-бирини тушуниш кўникмаси

ҳосил бўлади. Бу эса якунда тинчлик ва барқарорликни ҳамда уларнинг натижасида тараққиётни беради. Ташриф мобайнида алоқалар шу даражага етадики, ҳатто Эйзенхауэрнинг ҳам Москвага ташрифи режа қилинади. Бундай тадбирлар давлатлар ўртасида савдо-сотик масалаларини кичик ҳажмда бўлса ҳам ўсишига хизмат қилади. Аммо ушбу алоқаларга асос бўлувчи ҳеч қандай расмий ҳужжат йўқ эди, шунинг учун ҳам томонлар 1960 йилги Париждаги музокара-ларга ҳозирлик кўрадилар. Аммо, афсуски, “У-2 инциденти” барчасини чиппакка чиқаради.

* * *

Гап шундаки, АҚШ жосус-самолёти “У-2” совет ос-мони узра парвоз қилиб, разведкага керакли фотосу-ратларни олаётган вақт уриб туширилади. АҚШ дарҳол у адашиб қолган метеорологик самолёт эди, деб расмий баёнот беради, аммо учувчи Фрэнсис Гэри Пауэрс тирик қолади ва бор гапни тергов вақти айтиб қўяди⁵⁴. Муш-кул вазиятда қолган Эйзенхауэр бутун масъулиятни ўз зиммасига олади ва бунга фақат ўзи жавобгар эканини айтади. Аллен Даллес ушбу парвозларга масъул эди, у бутун айбини тан олиб, президентдан истеъфо сўрайди, аммо Дуайт рози бўлмайди, чунки Даллес истеъфога чиқариб юборилса, дунё ҳамжамиятида “Эйзенхауэр етарлича раҳбарлик салоҳиятига эга эмас, қўл остида-

⁵⁴ Г.Пауэрс ўн йилга жазони ўташ учун совет колониясига маҳкум этилади, аммо икки йил ичида озодликка чиқади. Президент Кеннеди уни АҚШда қўлга олинган совет жосуси полковник Рудольф Абельга алмашади. Ушбу жосуслар алмашуви операциясига Марказий Разведка Бошқармаси ҳамда музокаралар устаси бўлмиш Нью-Йорклик адвокат Жеймс Донован раҳбарлик қилади.

гилари ўзбошимчалик билан ҳаракатланияпти” мазмундаги миш-мишлар тарқаб кетар, бу эса унга умуман керак эмас эди. Мардонавор ҳаракат қилган бўлса-да, бу воқеа Париж анжумани бекор қилиниши ҳамда Совет Иттифоқи билан алоқалар совуқлашишига олиб келади. Парижга келган Хрушчёв янги ўртоғидан қаттиқ ранжиган ва унинг ишини сотқинлик деб қабул қилган эди. У беш маротаба Эйзенхауэрдан кечирим сўрашни талаб этади, аммо Дуайт сўрамайди. Тўғри, у айб иш қилганини тан оларди, аммо биргина узр сўраши билан бошқа Ғарб мамлакатларининг кўз ўнгида нафақат ўзининг, балки бутун АҚШнинг обрўси ер бўлишини биларди. Бунинг устига, у бу ҳаракати билан АҚШнинг хавфсизлиги ва манфаатларини ҳимоя қилди ва бунинг учун кечирим сўраш мантиқсизлик эди. Аламзада бўлган Хрушчёв конференцияда иштирок этмасдан Парижни тарк этади, бу эса АҚШнинг ҳам, Эйзенхауэрнинг ҳам обрўси пасайишига олиб келади, чунки олдинда турган ва жаҳон тарихида бурилиш яшашга қодир бўлган учрашув бекор қилинганди. Ҳатто президентни коммунистларга нисбатан юмшоқ сиёсат олиб боришда айблашади. Бинобарин, мантиқан кескинлик кучайиб кетмаслиги учун ўша ҳолатда Аик бир қадам ортга ташлашга мажбур эди.

Бошқа бир томондан, ушбу воқеа Ғарбнинг янада жипслашишига олиб келди. Франция раҳбари де Голльнинг Эйзенхауэрга: “Нима бўлса биз сиз билан биргамиз”, деган сўзлари бунинг яққол исботидир. Ушбу икки генералнинг муносабатлари ҳали уруш давридан буён унчалик ҳам яхши эмасди, аммо энди вазият бошқа эди. Энди иккиси ҳам давлат раҳбарлигига кўтарилган ва ҳар бир қадамда давлат манфаатини шахсий ҳиссиётдан устун қўйишлари шарт эди. Бир-

гина хатони деб Ғарбий Европа давлатлари Дуайтдан воз кечолмасдилар, чунки уруш бўлса, АҚШдан бошқа уларни ҳеч қайси давлат ҳимоя этолмасди, шунинг учун ҳам улар Эйзенхауэр атрофида янада кучлироқ бирлашадилар.

Дуайт Эйзенхауэр даврида мамлакат кенгайиши ҳам рўй беради. Хусусан, 1959 йили 3 январда улкан Аляска ҳудуди Америка Қўшма Штатларига 49 штат сифатида қўшилади, 21 августда эса Гавайи ороллари ҳам 50 штат бўлиб АҚШнинг маъмурий қисмига айланади. Бу икки стратегик ҳудудларнинг мамлакатга кириши АҚШга Совуқ уруш вақтида хавфсизликни кафолатларди. Чунки Гавайи Тинч океанида тактик устунликни тақдим этса, Алясканинг Россияга жуда яқин жойлашганлиги ядро шантажи сиёсатида ташаббусни берарди.

Мамлакат тақдирига ёшларни бефарқ қилиб тарбияламаслик ва давлатнинг маданий таъсирини халқаро майдонда кенг ёйиш мақсадида президент администрацияси 1956 йилдан “People to people international” лойиҳасини йўлга қўяди. Унга кўра, Америка ёшлари ўзга давлатларга маълум муддатга элчи бўлиб бориб, ўз маданиятини тарқатиш билан бир қаторда ўша юртларнинг маҳаллий кадриятларини ҳам ўрганардилар. Бу каби халқ дипломатияси воситалари оламда бағрикенглик ва тинчликнинг ривожланиши учун самарали эди. Ахир, юқорида айтиб ўтганимиздек, томонлар ўртасида қанча кўп фикр алмашуви бўлса, муносабатлар шунча илиқ бўлади.



*1955 йил Женева конференцияси.
Раҳбарлар: Н.Булганин (Совет Иттифоқи),
Д.Эйзенхауэр (АҚШ),
Э.Фор (Франция), Э.Иден (Буюк Британия).*



Эйзенхауэр, Никсон ҳамда Ибн Сауд.



Эрон Бош вазири Мусаддиқ ва АҚШ элчиси Гарриман.



*АҚШ президенти ҳамда Эрон раҳбари
Муҳаммад Ризо Паҳлавий.*



*Эйзенхауэр ва Ҳиндистон Бош вазири
Жавоҳарлал Неру.*



*Эйзенхауэр ҳамда Чан Кайши.
Президентнинг Тайванга таширифи.*



Шарль де Голль ва Конрад фон Аденауэр.



*Куба ва Миср раҳбарлари:
Фидель Кастро ҳамда Жамол Абдул Носир.*



*Совет Иттифоқи раҳбари Никита Хрушчёв
АҚШ президенти ва вице-президенти қабулида.*



Раҳбарлар ва Биринчи хонимлар.



Ака-ука Даллеслар.



*Германия Совуқ уруш даврида.
Ғарбий ва Шарқий Берлин.*

* * *

Ички иқтисодий масалаларга тўхталганда Эйзенхауэр “бу нарсаларни унчалик ҳам яхши тушунмаслиги ва оддий қишлоқ фарзанди эканини” таъкидларди. У бу масалаларда давлат иқтисодга аралашмаслиги ва эркин иқтисодий алоқалар ривожланиши тарафдори эди. Машҳур Президент Авраам Линкольндан иқтибос келтирган ҳолда у “давлат фақат фуқаролар яхши бажаролмаган ишларни қилиши керак”, дея сиёсат олиб борарди. Унинг иқтисод бўйича асосий ишларини укаси Милтон ва Колумбия университети профессори Артур Бёрнс юритардилар.

Ушбу соҳада Эйзенхауэр қилган ишларнинг энг йириги бу бутун мамлакатни бирлаштирувчи автомагистраль йўлларнинг жорий этилишидадир. Ҳали 1919 йили ёш офицер Айк давлатнинг логистик салоҳиятини текширишга мўлжалланган автотест синовларида иштирок этган эди. Унинг олдига бутун давлатни шарқдан ғарбгача қисқа муддат ичида босиб ўтиш қўйилганди. Айк икки ой ичида ушбу вазифанинг урдасидан чиқади. Саёҳат давомида у фақат уч кунгина соатига 70-100 мил босиб ўтишга муваффақ бўлади. Бу ўша йиллари АҚШ йўллари ачинарли аҳволда эканидан далолат берарди. Айк буларни инобатга олади ва давлат раҳбари этиб тайинланганидан сўнг, айнан, ушбу муаммога кучли урғу беради.

Ҳаётга автомобилларнинг кириб келиши катта ўзгаришларни талаб этарди. Урушдан кейин АҚШда фаровон давлатчилик қуриш ишлари олиб борилади. Унга кўра, деярли барча оилада камида битта машина бор эди. Машиналарнинг кўплиги улар учун мўлжалланган авто йўлларнинг яхшиланишини талаб этарди. Давлат иқтисоди халқаро миқёсга

кўтарилганди ва бу мослашувчанлик ҳамда мобилликнинг ривожланишига эътибор қаратишдан дарак берарди. Бундан ташқари, тинчлик бермаётган ядро уруши хавфи тезлик билан ҳаракатланишни тақозо этганди.

Буларнинг натижасида, бутун АҚШнинг барча штатларини бирлаштирувчи улкан автомагистраллар лойиҳаси ишга тушади ва кўзда тутилган йўллар барча ҳудудларни бир-бири билан боғлайди. 1956 йилдан бошланган лойиҳага шунчалик кўп бетон ишлатиладики, улар билан олти марта Ойга пиёдалар йўлакчаси қурса бўларди. Лойиҳанинг сарф-харажати ҳозирги кунда тахминан ярим триллион долларни ташкил этарди. Бу инсоният тарихида Қадимги Миср пирамидаларидан кейинги йирик ижтимоий лойиҳа эди. Йўллар қон артериялари инсон организмини бирлаштириб турганидек мамлакатнинг барча бозорларининг ягона тизимини ташкил этади. Иқтисодий алоқалар тезлашади, машиналарнинг ишлаб чиқарилиши ҳамда сони янада ортади булар эса нафақат ички, балки ташқи савдонинг ҳам ривожига олиб келади.

Йўллар қурилиши иқтисодга таъсир ўтказибгина қолмай, ижтимоий соҳада ҳам сезиларли янгиликларга сабабчи бўлади. Мисол учун, мамлакат бўйлаб саёҳатга чиқиш ва ички туризм оддий ҳол бўлиб қолади. Узоқ йўлларда нафас ростлаб олиш учун мўлжалланган миллионлаб мотеллар (кичик меҳмонхоналар), ёқилғи қуйиш шаҳобчалари, fast food туркумидаги овқатланиш масканлари (машҳур McDonald's трансмиллий компанияси ҳам, айнан, ўша вақтлари ривож топади) жорий этилади. Автомобиль балоғат ёшини англатувчи рамз ҳисоблай бошланади. Натижада, унга барча ёшлар эгалик қилишга интиладилар. Статистик маълумот-

ларга қараганда, ўша вақтлари 40 фоиз турмуш қуришга бўлган изҳорлар, айнан, автомобилда рўй берган экан. Бу ёшлар ўртасидаги учрашувларда машина ажралмас восита сифатида кириб келганидан далолат беради.

Шундай қилиб, Эйзенхауэр ўтказган ислохотлар юртнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларини ўзгартириб юборади. Бутун дунёда автомагистраллар, fast food овқатлари, мотеллар ривожланишнинг босқич андозаси сифатида қабул қилина бошласа, улар оқибатида келиб чиққан ижтимоий ўзгаришлар янги кадриятлар қаторига қўшилади.

* * *

Ички сиёсатдаги масалаларда у партиялар ўртасидаги адоватга унчалик ҳам эътибор бермасди. Бир кишини ишга олиб бўлганидан сўнг “Сиз ўзи республикачимисиз?” деб берган саволи бунинг исботидир. Коррупцияга зинҳор йўл қўймасди. Бирон бирдўсти, яқин ўртоғи у билан таниш эканини тасдиқлаб ишини битириб кетолмасди. Унинг “Агарда кимдир президентнинг дўстиман, деб мансабга эришмоқчи бўлса, ўша инсонни кабинетдан ҳайдаб қувинг”, деган сўзлари бунинг далилидир. У учун бу каби иллатлардан йироқ бўлиш таррақиётнинг кафолати эди.

Бинобарин, унинг даврида ҳарбий саноат комплекси иқтисодга бевосита боғланиб қолади. Улар генерал Эйзенхауэрда “ўз одами” кўрадилар ва исталганча давлат бюджетини совуришни мақсад қиладилар. Ядро қуроли, баллистик ракеталар, қурулганиш пойгаси, космос учун кураш бюджетнинг анчагина қисми ҳарбий саноатга қаратилишига сабаб бўлади. Ҳарбийлар ҳар сафар янги урушни эски қурол билан бошлашни хато деб кўрсатардилар

ва янги қуруллар харажати учун кўпроқ маблағ талаб этардилар. Бу билан ҳарбий саноатнинг вазни сиёсат ва иқтисодда ортиб, давлат ичидаги давлат ташкил этилишига олиб келади. Ҳарбий саноатнинг сўзи администрацияда эътиборли эди, баъзилар ҳатто “У-2” самолётини улар советларга фош этган деб фикр юритарди. Чунки алоқалар совуқ бўлиб турса, ҳарбий саноатга бюджетдан кўп эътибор бериларди. Совет-америка илиқ муносабатлари қурулланишни пасайтирарди. Ҳарбий саноат сунъий урушларни ҳам жорий этиб мамлакатнинг эътиборини ўзига қаратишга мажбур қиларди. Эйзенхауэр афсонавий генерал бўлгани туфайли бу радикал “қирғийлар”ни ўз авторитети билан жиловлаб турар, аммо баъзида у ҳам бу ишни бажаролмас эди. Ҳарбий харажатларга тўхталганда, давлатнинг иқтисодий имкониятларини инобатга олиш кераклигини эътироф этарди. Чунки бир масалага ечим излаб, бошқа бир муаммога дуч келиш мумкин эди. Ўзининг хайрлашув нутқида⁵⁵ айнан Эйзенхауэр ушбу масалага эътибор қаратиб, ҳарбий саноатнинг вазни ҳаддан зиёд ошиб кетиши демократияга тўсқинлик қилиши мумкинлиги ва бу таҳдиднинг олдини олиш лозим, деган фикрларни билдириб ўтган. Гарчанд, ўзи ҳам ҳарбий бўлишига қарамасдан ва генераллар нигоҳида сотқин бўлиб гавдаланишидан қатъи назар, у бу ҳақда оғиз очади ва тинчлик ҳамда демократияни барчасидан устун, деб билади. Кейинчалик ундан қолган бу мерос Президент Кеннедини бир қатор муаммоларга дуч қилади.

⁵⁵ АҚШда муддати тугаган президентлар, одатда, кетишидан олдин ўз президентлик даврининг таҳлили ҳамда келгуси ҳукумат учун маслаҳатлар билан миллатга мурожаат қилади.

* * *

Ҳарбий комплекс ядро саноатига ўз нигоҳини қаратар экан, унинг тарқалиши билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳам кўриб чиқарди. Хусусан, АҚШ махфий разведка органларини советлар қандай қилиб қисқа вақт ичида бу қуролга эга бўлганликлари қизиқтирарди. Қидирувлар шунга олиб келадики, АҚШ олимлари Юлиус ҳамда Этель Розенберглар ядро қуроли сирларини советларга етказиб берган эканлар. Розенберглар оиласи АҚШ ядро лойиҳаси устида ишлаган, шунинг учун ҳам уларга ушбу сирлар аён эди. 1950 йили эр-хотин Федерал қидирув бюро агентлари томонидан ҳибсга олинади. Уч йил ўтиб Эйзенхауэр уларни электр курсида қатл этишга фармойиш беради. Ваҳоланки, Этель Розенберг Эйзенхауэрдан кечирим сўрайди, аммо Дуайт буни инкор этади. Уларни деб миллионлаб инсонлар ҳамда давлат хавфсизлигига жиддий таҳдид ҳосил бўлганди. Совет Иттифоқи ушбу қуролга эга бўлмаганда америкаликлар анча хавфсиз бўларди, энди эса исталган вақт уруш бошланиб кетиб дунё йўк бўлиб кетиши мумкин эди. Бундай оғир жиноят ва хоинликни Эйзенхауэр ҳарбий киши сифатида асло кечиролмасди. Гарчанд, оғир бўлса-да, аёл кишини ҳам жазолашга мажбур бўлади. Чунки замон нотинч эди, бугун бир киши афв этилса, эртага бундан бошқалар ҳеч қандай сабоқ чиқармасди.

Кўпчилик олимлар Розенбергларнинг бу ҳаракатини “шпионаж” деб эмас, балки инсонийлик йўлидаги олий хизмат деб баҳолашади, чунки Совет Иттифоқи ядро қуролига эга чиққандан сўнг дунёдаги мувозанат тикланади. Энди АҚШ ўзбошимчалик билан исталган мамлакатни янги қурол билан бомбардимон қилол-

масди, чунки советлар бунга муносиб жавоб қайтара оларди. Бу тенглик асрлар мобайнида кутилган тинчликни ҳамда жаҳон миқёсидаги урушларга барҳам берарди. Ўзаро қирилиб кетиш олдидаги қўрқув тинчликни кафолатларди. Шунинг учун ҳам дунёда Розенберглар юксак эътироф этиладилар. Кейинчалик маълум бўладики, Юлиус Розенберг, ҳақиқатдан ҳам, совет жосуси, аммо унинг аёли Этель бегуноҳ бўлган экан.

* * *

Ўша даврда АҚШда Розенберглар оиласи айбланишига ўхшаш ҳолатлар кўп учрарди. Сенатор Жозеф Маккартининг “маккартизм” деб ном олган антикоммунистик ҳаракати минглаб инсонларнинг бошини ейди. Маккартининг Марказий Разведка Агентлигидан ташқари барча давлат муассасаларига таъсири бор эди, ҳатто Президент администрацияси ходимлари ҳам айблардан кафолатланмаганди. Президентни ўзини коммунистларга ён босишда айблашганда, у китоб жавонидан ўзининг “Европага салиб юриш” асарини олиб, у ердаги коммунизмга қарши курашиш тўғрисида ёзган фикрларини ўқиб бериб, антикоммунист эканини исботлайди.

Сенатор Маккартига бу ишларда Эдгар Гувер хизмати Федерал қидирув бюроси яқиндан ёрдам беради. Ўз функционал вазифасига контрразведка масалаларини ҳам олган ФҚБ бир вақтлар Розенбергларни фош этганди. Эндиги навбат яна бир физик-олим Роберт Оппенгеймерга эди. Оппенгеймер 1945 йили ядро қуролини яратишга муваффақ бўлади ва жаҳон тарихига “атом бомба отаси” сифатида киради. Бинобарин, у ўзини келажак бундай жоҳил ном билан эслаб қолишини истамасди, шунинг учун ҳам 50-йиллари ядро қурулининг

кенг тарқалишига қарши фаол акциялар олиб боради. Унинг бу хатти-ҳаракатлари маккартизм ходимларида шубҳа уйғотади ва 1954 йилда айбдор деб топилиб, барча тадқиқотлардан четлатилади. Фақат Президент Жон Кеннеди даврига келибгина у оқланади ва яна ишларини давом эттиради.

Маккартизм ички вазиятни ҳаддан зиёд кескинлаштириб юборади, унинг ҳужумидан ҳеч ким қафолатланмаганди, айниқса, ижод аҳлига бу ҳаракат қийин кунларни олиб келади. Натижасида, 1954 йил маккартизм тўлиқ тўхтатилади, сенаторнинг ўзи эса 1957 йили вафот этади.

* * *

Ички сиёсатдаги яна бир ачинарли ҳолат бу ижтимоий тенгсизлик масалалари эди. Биламизки, афроамерикаликлар 1865 йили Президент Авраам Линкольн администрацияси томонидан тенгликка расман эришганди. Бинобарин, амалда бунинг тескарисиси эди. Афроамерикаликлар оқ танлилар билан бир университет, мактаб, шифохона, черков, меҳмонхона, овқатланиш масканлари, савдо-сотик дўконлари ва транспорт воситаларидан фойдаланиш имкониятига эга эмасдилар. Улардан жирканишарди ва бу демократияни барпо этаётган цивилизацияон давлат учун мутлақо бегона эди. Ҳар қадамда улар камситилишга учрарди. Бу америкалик фуқароларни икки қатламга бўлиб қўярди. Бундан фойдаланган коммунистлар АҚШнинг ижтимоий аҳволини танқид қилар ва афроамерикаликлар орасида коммунистик ҳаракатларни ривожлантиришга уринар эдилар. Чунки коммунистлар инсонларни миллати, ирқи, дини бўйича эмас, балки ижтимоий қатлами бўйича тақсимлардилар

ва пролетариат ғалабаси учун кураш олиб борардилар. АҚШ эса демократия бобида олдинга ўтиб кетгани билан афроамерикаликлар хануз тўлиқ тенгликка эга бўлмаганди. Ваҳоланки, юз йилдан кўпроқ вақт илгари Алексис де Токвиль ўзининг “Америка демократияси” асарида ушбу ҳолатни кескин танқид қилганди. Бунинг натижасида АҚШнинг шимолий қисмида вазият анча яхшиланганди, Аммо жанубда колониализм иллатининг кўринишлари сақланиб қолганди. Шунинг учун ҳам бу масалага тезда ечим топиш давр талабига айланган эди.

Эйзенхауэр афроамерикалик жангчилардан Иккинчи жаҳон уруш вақтида кенг фойдаланган. Улардан урушда 1 миллион нафарга яқин аскар хизмат қилган. Бир киши ҳатто бригада генерали унвонига ҳам эришган. Уруш мобайнида Дуайтнинг уларга нисбатан муносабати ўзгаради, бунга инглиз қизлари сабабчи бўлади. Англияда ижтимоий тенглик масалалари юқори эди ва инглиз қизлари тортинмасдан бемалол афроамерикалик аскарлар билан учрашаверарди, ваҳоланки, АҚШнинг ўзида аксарият европеоид қизлар бундан ҳазар қиларди. Ушбу ҳолат қахрамонимизга дарс бўлади ва у афроамерикаликларга ижобий муносабатда бўлиб, уларни рағбатлантиради ҳам. У аскарлар ижтимоий келиб чиқиши қандай бўлишидан қатъи назар барчалари тенг эканини тинмай таъкидларди.

1957 йили Вашингтон андозаси орқали барча оқ ва қора танлилар мактаблари бирлаша бошлайди. Аммо Арканзас штати маркази Литл-Рокда кичик кўзғолон кўтарилади. Афроамерикалик мактаб ўқувчиларини ҳимоя қилиш ва норозилик кайфиятини кучайтираётган ирқчиларни бостириш

учун президент Миллий гвардия ҳамда 101-дивизия десант кучларини жалб этади. Ушбу воқеа қора танлиларнинг тенглик йўлидаги курашида тарихий бурилиш вазифасини бажариб, келгуси ғалабаларга замин яратади.

Афсуски, Президент Эйзенхауэр мамлакатда бу тенглик йўлида айтарли ютуқларга эришолмайди. Унинг ўғли Жон отаси ҳақида “Менинг отам ижтимоий ислохотчи эмас, балки кўпроқ ҳарбий киши эди”, дея унинг бу борадаги ҳаракатларини баҳолаган. Ўша вақтлари Мартин Лютер Кинг исмли миллат қаҳрамони ижтимоий адолат йўлида ҳаракатни бошлайди ва кейинчалик у фаолияти давомида катта натижаларга эришади.

Болалиқдан чуқур дин таъсирида улғайган Дуайт ўз қарашларига содиқ қолади. У ўзини бошқаларга қараганда анча тақводор деб ҳисобларди ва ҳар бир масалада ўз диний қарашларини инобатга оларди. Шунинг учун жинс борасидаги янгиликларга у мутлақо қарши эди. Унинг даврида бу борадаги ҳаракатлар “коммунизмдан хавфлироқ”, деб қабул қилинади ва унга қарши кураш олиб борилади.

* * *

1956 йил Дуайт Эйзенхауэр президент сайловларида яна бир бор ғалаба қозониб иккинчи муддатга сайланади. Бу сафар ҳам унинг рақиби демократлар партиясидан Эдлай Стивенсон эди. Дуайтнинг иккинчи муддатга сайланиши унга бўлган халқ ишончини англатарди, чунки Конгрессга бўлган сайловларда унинг партиyasi мағлубиятга учраганди. Бу эса президентлик сайловларида халқ партиyasi эмас, балки шахсни танлаганидан далолат

беради. Президент бўлганида ҳам у ҳарбийча ҳаёт тарзига амал қиларди. Ҳар куни соат 6 да уйғонар ва янгиликлар билан танишиш учун газета ўқирди. Одатда, тушликкача уч соат ва ундан кейин яна шунча вақт офисда ишларди. Куннинг қолган қисми севган юмушлари: гольф, рассомчилик, бадий асарлар мутолааси ёки оиласи билан ковбойлар ҳаётига оид кинофильмларни томоша қилишга бағишланарди. Ишда ҳам, шахсий ҳаётда ҳам тартиб унинг учун муҳим эди. Иш столи устида ҳеч қачон тартибсизликка йўл қўймасди. Аппарат ходимларини ҳам шу тартибда назорат қиларди. Бинобарин, қарилик аломати унинг соғлигига кўп таъсир этди. Президентлик даврининг сал кам бир ярим йили меҳнат ёки соғлигини тиклаш таътилларида ўтиб, бир неча бор инфарктга ҳам учраган. Агар уруш йиллари кунига 2 қутидан зиёд тамаки истеъмол қилган бўлса, бу даврга келиб чекишни ташлаган, аммо ичкиликбозликка ружу қўйган эди.

Президент бўлганида ҳам у нутқларини ўзи тайёрларди. Маърузаларга узоқ ҳозирлик кўриб, уларни маҳорат даражасига олиб чиқишга ҳаракат қиларди. Раҳбарлик ишларида ўғли Жон ҳам унга ёрдам берарди. Жон Корея урушида иштирок этиб анча тажрибали ҳарбийга айланганди. Кейинчалик у бригада генерали унвонига ҳам эришган. Аммо уни, асосан, ёзувчи-ижодкор киши деб эшлашади. Отаси ҳамда Америка тарихига бағишланган кўпгина асарлари жаҳонда бестселлерга айланиб улгурган. Дуайтнинг ўзи ҳам ижоддан сира тўхтамасди, унинг “Европага салиб юриш” ҳамда 2 жилддан иборат “Президентлик йиллари” асарлари жаҳон адабиётининг хазинасидан ўрин олган.



Жаҳон космонавтикаси даҳоси Вернер фон Браун президентга НАСА лойиҳаларини тақдим этмоқда.



Совет космонавтикаси отаси Сергей Королёв ҳамда илк космонавт Юрий Гагарин.




Фрэнсис Гэри Пауэрс.



“У-2” русумидаги жосус-самолёт.



Сенатор Жозеф Маккарти.



*Атом бомбаси отаси, физик, маккартизм қурбони
Роберт Оппенгеймер.*



*Жосуслиги учун электр курсида қатл этилган олимлар
Юлиус ва Этель Розенберглар.*



*Мартин Лютер Кинг ва вице-президент
Ричард Никсон.*

ХОТИМА

1960 йили АҚШда президентлик сайловлари ўзгача тус олади. Эйзенхауэр Франклин, Рузвельт каби учинчи бор сайловларда иштирок этолмасди, чунки 1951 йили ҳар бир киши икки муддатдан кўп президент этиб сайланмаслиги тўғрисида қонун қабул қилинганди. Бунинг устига, Айкнинг ўзи ҳам кексалиги туфайли сиёсатдан жуда толиққан эди.

Ўша йили республикачилар партиясидан Нью-Йорк штати губернатори, бойвачча Нельсон Рокфеллер ва амалдаги вице-президент Ричард Никсонлар ўз номзодини қўйсалар, демократлар партиясидан Хюберт Хамфри, Жон Фицджеральд Кеннеди ва Линдон Жонсонлар асосий даъвогарлар сафида эдилар. Улар орасида шижоатли ва ғайратли Жон Кеннеди ажралиб турарди, чунки эндигина 43 ёшни қарши олган бўлса ҳам, у сиёсатда анча тажрибали эди. Эйзенхауэр ўғлидек бўлиб қолган ўз вице-президенти Никсонга қўлдан келгунча ёрдам беришини баён қилади. Чунки Никсон президент бўлса, унинг ишларини давом эттирарди. Эйзенхауэр хаста бўлган вақт Никсон гоҳ-гоҳ унинг ўрнини эгаллаб турарди, шунинг учун ҳам унда президентликка етарлича тажриба шаклланганди. Аммо буларга қарамасдан, у ютқазади. Жон Ф.Кеннеди тўғри танланган сайлов олди дастури ва оиласининг ёрдамида сайловларда ғолиб чиқади. У АҚШ тарихида энг ёш ва биринчи ка-

толик⁵⁶ президент сифатида Оқ уйга кириди. Етмиш ёшга тўлган кекса Эйзенхауэр ўрнини янги озодлик, янги тенглик ва янги ғоялар рамзига айланган Кеннедига бўшатиб беради. Ва бу билан Америка ҳамда бутун жаҳон тарихида янги ислохотлар, янги марралар ва янги бурилишлар саҳифаси очилади.

1961 йил 17 январь куни Эйзенхауэр хайрлашув нутқи билан халққа мурожаат этади ва юқорида айтиб ўтганимиздек, ўз президентлик сарҳисоби билан бир қаторда борган сари кучи ортиб бораётган ҳарбий саноат комплексининг хавфи тўғрисида сўз очади. Бу огоҳликка чорлов унинг президент сифатида охириги иши эди. 20 январь куни Жон Кеннеди қасамёд қабул қилиб, АҚШнинг 35-президентига айланади⁵⁷, Эйзенхауэр муносиб шахсга ҳокимиятни топшириб Пенсильвания штати машҳур Геттисберг шаҳарчаси ёнига кўчиб кетади ва умрининг қолган қисмини ўша тарихий жанг бўлиб ўтган жойда ўтказиши⁵⁸. Президентликдан кетиши билан у яна беш юлдузли армия генерали унвонини қайтариб

⁵⁶ Ундан олдинги барча президентлар протестант черковига мансуб бўлишган.

⁵⁷ Сайловлар 8 ноябрь 1960 йили бўлиб ўтганди, бироқ Кеннеди ўз вазифасига 20 январь 1961 йилдан киришади. АҚШ сайлов тизимига кўра, ишонч билдирилган вакиллар номзодларга яна бир бор овоз беришади, бу вақт ичида эса эски администрация янгисига ички ва ташқи сиёсий вазият бўйича ҳолатни тушунтиради, маслаҳатлар беради ва ишларни топширади. Шу тариқа барқарорлик сақлаб қолинади.

⁵⁸ Америка фуқаролар уруши даврида (1863 йил 1-3 июль санасида) Геттисберг қишлоғи яқинида бўлиб ўтган тарихий жанг. 19 ноябрь куни Президент Авраам Линкольн Шимолнинг ғалабаси ҳамда жангда ҳалок бўлганлар шарафига нутқ сўзлайди. Ўша нутқ ҳозирги кунга қадар Ғарбда нотиқликнинг эталони бўлиб хизмат қилади.

олади ва шу даражада ҳаётининг охиригача қолади. Ўз давлати ва армиясида бундай тарихий генералга эга бўлиш ҳарбийларга ҳам, фуқароларга ҳам чексиз гурур туйғусини бағишлар эди.

Истеъфога чиққанида ҳам Дуайт сиёсатдан узоқлашмайди. Кейинги АҚШ президентлари айрим масалаларда ундан маслаҳат олиб туришади. 1961 йили апрель ойида янги сайланган Президент Кеннеди Куба масаласини охирига етказиб қўйишга ҳаракат қилади. Ҳали Эйзенхауэр вақтида Марказий разведка агентлари махсус режа ишлаб чиққан, аммо президентлик даври ниҳоясига етаётгани туфайли Дуайт бу операцияни кейинги раҳбарга қолдирган эди. Мисол учун, Никсонга (агар у ютиб чиққанида). Кеннеди кўп иккиланиб, ҳарбий операцияга рози бўлади. Аммо режа кўнгилдагидек яқун топмайди, балки барчаси чиппакка чиқади. Шарманда бўлган Кеннеди Эйзенхауэрга мурожаат қилади ва малакали сиёсатчидан ўзига керакли маслаҳатларни олади. Қолаверса, дунёни хавф остига қўйган Кариб инқирозида ҳам Кеннеди генерал билан алоқага чиқиб, вазиятни ўнглаш бўйича маслаҳатлашиб туради.

Америка ва жаҳон тарихида кўпгина янгиликларни жорий этган Жон Кеннеди 1963 йили ноябрь ойида Техас штати Даллас шаҳрида отиб ўлдирилади⁵⁹. Кеннеди ўрнига кўтарилган вице-президент Линдон Жонсон президентлик курсисини эгаллаши билан Эйзенхауэр бошлаган ишни ниҳоясига етказиш учун 1965 йили Вьетнамда уруш бошлаб юборади⁶⁰. Уруш

⁵⁹ Унинг ўлими сабаблари тўлиғича ошкор этилмаган.

⁶⁰ Ҳолбуки, Кеннеди у ердан АҚШ ҳарбийларини тўлиқ олиб чиқиб кетиб, урушга аралашгиси йўқлигини баён этганди.

саккиз йил давом этади ва фақатгина 1973 йилга келиб Ричард Никсон томонидан унга яқун ясалади. Уруш мобайнида Линдон Жонсон Эйзенхауэрни эслаб, қимматли маслаҳатларни олгани унинг ёнига келиб туради.

1964 йилги сайловларда Эйзенхауэр республикачилар партияси номзоди Барри Голдуотерни қўллаб-қувватлайди. Голдуотер ҳам Дуайт каби генерал эди, аммо у тинчликпарвар эмас, аксинча, халқаро майдонда АҚШ манфаатлари ва хавфсизлигини ҳимоя қилганда ядро қуролидан фойдаланиш тарафдори эди. Шунинг учун у бунинг аксини тарғиб қилган Линдон Жонсонга ютқазиб қўяди.

Жонсоннинг сиёсати Вьетнамдаги урушга “ботиб қолади”, натижада, тинчликни олға сурувчи номзодларнинг обрўси халқ ичида ошиб кетади. Уларнинг етакчиси Жон Кеннедининг укаси сенатор Роберт Фрэнсис Кеннеди эди. Роберт сайловларда энди ютай деб турган вақти, уни ҳам акаси каби номаълум кучлар отиб ташлашади, чунки агар у президент бўлиб кетса, Вьетнамдаги урушга зудлик билан барҳам берарди. Уруш – тижорат дегани. Уруш вақти кўплаб доираларнинг шўрваси қайнайди, шунинг учун ҳам уларга бундай тинчликсевар президент керак эмасди. Натижада, 1968 йилги сайловларда Эйзенхауэрнинг собиқ вице-президенти Ричард Никсон ғалаба қозонади. 1960 йилда мағлуб бўлишига қарамай, Никсон ўзида етарлича куч топа олганди ва охир-оқибат ниятига етиб АҚШнинг 37-президенти айланади. У ғалаба қилган кунга Эйзенхауэр “хурсандчилик куни” дея таъриф беради, чунки Никсонни у тарбия қилган ва Никсоннинг ғалабаси Дуайтнинг ҳам ғалабаси эди.

Устозга шогирднинг камолидан бошқа бахт борми бу дунёда! Қолаверса, ўша вақтга келиб Эйзенхауэр ва Никсон қариндош бўлишга ҳам улгуришганди. Чунончи, Эйзенхауэрнинг невараси Дэвид Никсоннинг қизи Жулияга уйланади. Бу турмушдан Эйзенхауэр бағоятда бахтиёр эди.

Ёши етмиш саккизга борган бўлса ҳам, қаҳрамонимизнинг танаси соғлом эди, аммо йиллар давомида олий даражадаги мансаб ва масъулият ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Бир неча бор юрак хуружига учраган Дуайт 1969 йил 28 март куни оламдан кўз юмади. Унинг жанозасида дунёнинг кўпчилик раҳбарлари: Шарль де Голль, Линдон Жонсон, Ричард Никсон, Эроннинг подшоҳи Муҳаммад Ризо Паҳлавий ва бошқалар иштирок этадилар. Унинг садоқатли шогирди Никсон қабр устида “Баъзи инсонлар армия қўмондони ёки миллат етакчиси бўлгани учун буюк ҳисобландилар, аммо Дуайт Эйзенхауэр охириги саккиз йил ичида на президент, на қўшин қўмондони эди. Шунга қарамасдан, у ўлимига қадар жаҳоннинг энг иззатли ва ҳурматли кишиси ҳамда биринчи рақамли фуқароси бўлиб қолди”, деган сўзлар билан видолашади. Генерал ва президент Эйзенхауэр Канзас штати ўз она диёри Абилинда (Эйзенхауэр номидаги музей ҳамда кутубхона ҳудудида) Иккинчи жаҳон урушидаги ҳарбий генерал формасида “Шараф” ордени билан дафн этилади. Америка аҳли ўз қаҳрамони билан “Унга тинчлик берилмади, у тинчликка курашиб эришди”, дея хайрлашади. Дарҳақиқат, Эйзенхауэр ҳарбийлик йилларида ҳам, президентлик даврида ҳам тинчликни баридан устун деб билди ва жон-жаҳди билан унга интилди.



*Эндигина президентликка сайланган ёш Жон Кеннеди
хамда Оқ уйни тарк этаётган кекса
Президент Дуайт Эйзенхауэр.*



*Президент Линдон Жонсон Вьетнам масаласи бўйича
Эйзенхауэр қабулида.*



Оила даврасида.

* * *

Китоб давомида қаҳрамонимизнинг образини ҳар томонлама, ҳолисона очиб беришга ҳаракат қилдик ва шунга иқрор бўлдикки, Эйзенхауэр урушда генерал бўлганида ҳам, давлат президенти бўлганида ҳам тинчлик йўлида хизмат қилди. Уруш ниҳоясига етаётган вақти генерал Ғарб давлатлари ҳамда Совет давлати ўртасидаги дўстлик ришталарини сақлаб туришга муваффақ бўлди. Иккинчи фронт масаласи, Германия билан сепаратив келишув битимининг инкор этилиши, Берлинни забт этиш режаси, Бирлашган америка-инглиз қўшинларини Германиянинг Тюрингия ҳудудидан олиб чиқиб кетиб, ушбу ҳудудни Совет Иттифоқига топшириб Ялта конференцияси битимига содиқ қолиш ҳолатлари бунинг мисолидир.

Ҳарбий соҳада профессионалга айланган Дуайт сиёсатда ҳам ўзини синаб кўришга ҳаракат қилади. Ушбу соҳадаги илк қадамидаёқ у Клаузевицдан ўрганганларини амалда қўллай бошлайди, яъни уруш сиёсатининг бошқа воситалар билан давоми бўлса, сиёсат ҳам урушнинг ўзгача кўриниши эди. Уруш – сиёсат, сиёсат – уруш, тўғрироғи, кураш эканини Дуайт тезда англаб етади. Бинобарин, сиёсатда у етук давлат раҳбарига айланган бўлса-да, ўзига таъриф берганда у бу унга соҳада кучли эмаслигини ва унга четдан энг юқори чўққига тўсатдан келиб қолганини камтарона таъкидларди.

Президентлик даврида ҳам Эйзенхауэр Кореядаги урушга барҳам беради, қалтис вазиятни инобатга олган ҳолда Сувайш инқирози ва Венгрия фожиасида масалага чуқурлашмайди ҳамда Совет Иттифоқи билан уруш бошланиб кетишининг олдини олади. Бундан ташқари, Берлин туфайли давлатлар муаммолар

гирдобига кириб қолган вақт, дипломатик манёврлар билан вазиятни ижобийлаштиради. Совет давлатида ҳам у ҳурматга эга шахс эди. 1945 йилдаги Кремлга ташрифи, маршал Жуков билан дўстона муносабатлари бунинг исботидир.

Унинг даврида мамлакат турли хил ҳарбий блоклар жорий этиб, дунёнинг барча нуқталарида коммунизмни “тийиб туриш” сиёсатини олиб боради. Натижада, АҚШнинг таъсир ҳудудлари анча кенгайди ва юрт нафақат Ғарб, балки бошқа минтақаларда ҳам чинакам лидер давлатга айланади. Сувайш канали инқирози даврида бу яққол намоён бўлади. Бинобарин, шу вақтнинг ўзида Америка қитъасида Куба социалистик лагерга ўтиб кетиши Дуайтнинг обрўсига сезиларли путур етказди.

Ядро соҳасидаги ютуқлар, водород бомбасини яратилиши, ушбу қуроллар сонининг кескин ошиб кетиши рақибларга босим ўтказишга ва ўз сўзини айтишга кенг имкон берарди. Совет Иттифоқида ядро қуроли ихтиро этилганида “биринчи бор бутун Америка халқи тўлиқ йўқ бўлиб кетиш хавфи остида яшашига тўғри келади”, деган фикрлар билдирилганди, аммо Эйзенхауэр масала урушгача боради деб ҳисобламасди, нега деганда, ҳар икки томонда замоннинг тошу тарозисини яхши биладиган сиёсатчилар борлигига ишонарди.

Бинобарин, Эйзенхауэр СССРни ядро қуроли билан ўққа тутиш бўйича қўрқинчли “Тоталити”, “Дропшот” ҳамда “Ялпи қасос олиш” каби режалар муаллифи ҳамдир. У қабул қилган доктрина бўйича барча давлатларга коммунизмга қарши курашда моддий ва ҳарбий ёрдам кўрсатилар ҳамда кези келса, коммунистик юртларга бостириб ҳам кирилар эди.

Давлат манфаатлари ва ватан ҳимояси, албатта, устувор эди, аммо ядро урушини бошлаш учун бир неча бор сабаб бўлганида, у умуман бошқача ҳаракатланади, чунки тарозининг иккинчи томонига инсоният ҳаёти қўйилганини, бу эса президент учун барчасидан муҳимроқ эканини ва баъзи масалаларни деб оламни хавф остига қўйиб бўлмаслигини у раҳбар сифатида яхши биларди.

1959 йилга келиб америка-совет алоқалари озгина бўлса ҳам юмшайди. Энди дўстона муносабатлар бўйича истиқболлар кўрина бошлаган бир вақт, Эйзенхауэрнинг хатоси деб “У-2” жосус-самолёти билан боғлиқ инцидент рўй беради ва икки давлат алоқалари яна издан чиқади. Совет раҳбари Хрушчёв Дуайтдан кўнгли қолиб, кейинги АҚШ президентига умид билдиради. Бу қайсидир маънода, АҚШ томонидан йўл қўйилган дипломатик хато бўлса, бошқа томондан узоқни биладиган президент учун шахсий минус эди. Ўзаро алоқалар бирдан илиқлашиб, тўсатдан совуқлашиб кетавергани учун айрим олимлар ушбу вақтдаги халқаро муносабатларга *“беқарор дунё”* номини ҳам беришади.

Ички сиёсий масалаларга тўхталганда Эйзенхауэрнинг мамлакат равнақи йўлида қилган ишлари орасида энг кўзга кўринганларидан бири бутун юртни кенг автомагистраль йўллар билан бирлаштириши бўлди. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасини берди ва Эйзенхауэр модели жаҳон узра андоза сифатида қабул қилина бошлади. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя этишда у маккартизм ҳаракатига барҳам берди, бироқ афроамерикаликларнинг тенглик масаласи охиригача ҳал этилмади ва президентлар Кеннеди, ундан сўнг Жонсонга ҳам бу мерос бўлиб қолди.

Эйзенхауэр даврида илм-фан кенг ривожланди, хусусан, Америка оламига янги бўлган соҳа космонавтика таъсис этилди. Советларнинг ҳам бу борадаги ишлари супердержавалар ўртасида космос учун курашни тақозо этди. Қаҳрамонимизнинг президентлиги баллистик ракеталар пайдо бўлиши, илк АҚШ сунъий йўлдошининг фазога кўтарилиши, НАСА ташкилотига асос солиниши каби ҳодисалар билан эсда қолди. У бу соҳада советлардан ўзиб кетишга муваффақ бўлолмаган эса-да, кейинги авлодга зарур шароитларни яратиб берди. Хусусан, кейинчалик “Аполлон” номи билан ишга тушган лойиҳа америкаликларни космос соҳасида ҳам етакчиликка олиб чиқди.

Шахс сифатида Эйзенхауэрга таъриф берганимизда ёшлигидан ўз кучига ишонган, меҳнати, тарбияси ва сабри туфайли муваффақиятга эришганини кўриб чиқдик. Спорт, китоб мутолааси, тартиб-интизом, талабчанлик, сабр-тоқат, масалага мантиқ билан ёндашиш, ўз қалбига қулоқ тутиш, адолат, тинчлик ва инсоният йўлида хизмат унинг тарихий шахс бўлиб етишишига асос бўлди. Демак, мана шу хислатларни пухта ўзлаштирган киши афсонага айланишини ўзимизга дастуриламал деб хулоса чиқарсак бўлади. Қўп маънода, кўз ўнгимизда қатъиятли, қўрқмас ва ботир шахс бўлиб гавдаланди. Аммо, такрор айтамикки, қуруқ мақтов бизга зинҳор истаганимизни бермайди ва тарихий шахсларни ўрганганимизда танқидий ёндашсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Эйзенхауэрнинг ҳам барча вақт позитив кайфиятда бўлмаганини иккинчи фронт очилиши мисолида кўрдик. У ҳам айрим вазиятларда қўрқарди. Ўз мемуарларида у буни очиқча тан олган. Ҳа, идеал инсон йўқ, лекин мукамалликка интилиш баркамолликка олиб келади.

Кўрқмаслик – яхши хислат, аммо кўрққан инсон жасорат бобида кўрқув билмаган инсондан кам эмас. Чунки ватани, ҳамюртлари ва севган инсонларининг эртаси учун қайғурган инсон бошқаларга қараганда мардонавор кураш олиб боради. Нега деганда, унинг йўқотадиган нарсалари ва улар олдидаги масъулияти бор. Бундай инсон разилликларга қўл урмайди ва яқинларини асраш учун тиш-тирноғи билан курашади. Бизнингча, кўрқувга қарамасдан, уни енгиб олдинга ҳаракат қилган инсон – ҳақиқий жасорат сохибидир. Довюраклик ҳам ҳеч нарсадан кўрқмасликда эмас, балки кўрқувга қарши тик боришдадир. Қолаверса, Яратганнинг олдидаги кўрқув инсонларни жамики тубанлик ва разолатлардан асраб туради. Эйзенхауэр ҳам, балки, умри давомида кўрққандир, аммо бу кўрқув, авваламбор, Худонинг олдида бўлса, қолганлари ўз аскарларини ота-онаси бағрига эсон-омон етказиш ва фуқароларнинг тинч-осойишта ҳаёти билан боғлиқ эди.

Қаҳрамонимиз ҳаёти давомида тинчликпарвар шахс бўлишга ҳаракат қилди. Унинг даврида АҚШ ташқи сиёсатда можаро ва урушлардан йироқ бўлишга қаратилди. Сувайш инқироzi пайтида Франция ва Британия раҳбарлари Ги Молле ҳамда Энтони Иденлар қанчалик ҳаракат қилишмасин, Аикнинг бу борадаги қатъий тинчлик сиёсатини ўзгартира олмадилар. Бу билан у тинчлик барчасидан устунлигини яна бир бор исботлади. Советлар билан муносабатларда у иложи борица кўпроқ алоқа ўрнатишга интилади ва ўзаро келишмовчиликка “психологик” дея таъриф беради. Чунки ўртадаги зиддият манфаатлар қарама-қаршилиги деб эмас, балки ўзаро ҳамфикрлик танқислигидан экани маълум бўлади. Тарафлар ўртасида

қанча кўп алоқа бўлса, бир-бирларини тушуниш шунча осон кечади. Одатда, урушлар мана шу сабабга кўра вужудга келади, яъни алоқалар узилганлиги туфайли томонлар бир-бирларидан ҳаддан зиёд хавфсираб, ўзлари биринчи бўлиб уруш очиб юборадилар, ваҳоланки, дипломатия ёрдамида уни олдини олса бўларди. Буларни тушунган Эйзенхауэр ҳар гал вазият чигаллашганида совуққонлик билан дипломатия воситаларига юзланади.

Давлатлар келиша олмаса, инсонлар келишади, чунки инсон инсонни тушунади. Шу боис, у инсон омилидан фойдаланган ҳолда бир неча бор дипломатик қадамларни ташлайди. Буларнинг натижасида, шу нарса аниқ бўладики, ҳар икки томоннинг бош мақсади тинчлик экан. Орада алоқалар узилиб қолгани учун томонлар бир-бирларидан қўрқиб, “пашшадан фил ясовчи” сиёсатчиларнинг найрангига учиб, уруш муқаррарлигига ишонишган экан. Аслида эса, вазият умуман бошқача эди. Шунга қарамасдан, тинчлик ғояси қанчалик устувор бўлмасин, барибир, гоҳ-гоҳи геосиёсат ва давлат манфаатлари ҳар икки томонда ҳам ғолиб чиқади.

Эйзенхауэр биринчилардан бўлиб АҚШнинг жаҳондаги қудратини тушунганди, аммо давлатнинг қанчалик кучи кўп бўлмасин, унга барига рухсат дегани эмас, деб ҳисобларди. Шунинг учун ҳам у АҚШнинг уруш қилиш ваколатини халқ вакили бўлмиш Конгрессга қолдирди ва бу билан мамлакатнинг қудрати чекланганлигини эътироф этди. Чунки кучни ҳаддан зиёд ошиб кетиб, назоратдан чиқиши фақат ва фақат тартибсизлик ҳамда унинг оқибатида юз берадиган жаҳолат, инсон ҳуқуқларининг поймол этилиши ва зиддиятлар гирдобига олиб келарди. Дуайт эса

буларга буткул қарши эди. Унга кўра, инсонлар урушни истамайдилар, фақат адашган раҳбарлар жоҳиллик кўрсатиб, қолганларни ҳам урушни хоҳлайди, деб ҳисоблайдилар. Инсон эса табиатан тинчликсевар қилиб яратилган. Демак, яхши инсонлар раҳбар бўлсалар, оламда эзгулик, албатта, ғалаба қозонади. Чунки уруш бир-бирини умуман танимайдиган аскарлар ўртасида бўлиб ўтса, унинг бошланиш сабаби кўпинча очкўз ва жоҳил раҳбарларга боғлиқ бўлади. Бундан келиб чиқадики, Эйзенхауэрнинг фикрига кўра, фақат тинчликка интилган раҳбарлар лавозимига тайинланишлари лозим. Унинг ўзи ҳам шу каби инсонлар қаторида эди. Мутаассиб ҳарбийлар ўз манфаатларини ўйлаб, мамлакатга керак бўлмаган урушларни ташкиллаштириш йўлида Эйзенхауэрга бир эмас, икки эмас, кўп маротаба таъсир этмоқчи бўладилар. Аммо ўз сўзига эга бўлган Дуайт қўл остидагиларни тийиб туриш ва тинчликни асраб қолишнинг уддасидан чиқади. Кескин ва чигал бўлган халқаро муносабатларнинг ҳам, агрессив кайфиятда оловга ёғ сепадиган сиёсатчиларнинг ҳам босимига ён бериб, дунёнинг яна бир умумжаҳон аҳмоқлик домига тушиб қолишидан сақлаб қолишга ҳиссасини қўшади. У Иккинчи жаҳон урушида офат сабабчилари бўлмиш фашист-ғаламисларни жазолайди ва урушни эзгулик ҳисобига ҳал этади. Президентлик даврида Корея урушига барҳам беради ва энг муҳими яна бир улкан уруш бошланиб кетишига йўл қўймайди. Инсоният олдида унинг энг олий хизматларидан бири бу генерал сифатида ҳарбий фронтда эришган ғалабаси бўлса, иккинчиси, президентлик курсисида сиёсий фронтда олиб борган тинчликпарвар фаолиятидир. Бошланган урушни тўхтатиш мушкул, бироқ қизиққонликни

тийиб туриш ва янги урушга киришдан ўзини ва атрофдагиларни ушлаб туриш ундан қийинроқдир. Генерал Эйзенхауэр ҳам, Президент Эйзенхауэр ҳам буларнинг устидан чиқишга муваффақ бўлади ҳамда бу билан жамики халқларга ва келгуси авлодларга ўрнак кўрсатади.

Дуайтнинг олижаноблиги тўғрисида Британия Бош вазири Уинстон Черчилль 9 май 1945 йили АҚШ Президенти Гарри Трумэнга мурожаат хатида: “Эйзенхауэр иттифоқчи кўшинлар манфаатларини миллий манфаатлардан устун қўярди. Унинг штабида ҳамиша бирдамлик ҳукм суларди. Британия империяси номидан генерал Эйзенхауэрнинг қатъиятлиги, узоқни билувчилиги ҳамда ақл-идрокига қойил қолишимизни билдираамиз”, деган эди. Эйзенхауэр ҳамда Черчиллнинг ўзаро муносабатлари ўша вақтлари яхши эмасди, аммо шунда ҳам инглиз раҳбари ушбу сўзларни айтишни жоиз топганди. Чунки қарашлар ҳар хил бўлгани билан, истеъдод бир-бирига яқин эди.

Шундай қилиб, китоб давомида сизлар билан маш-хур генерал ҳамда президент Эйзенхауэрнинг ҳаёти, ҳарбий ва сиёсий фаолияти, қолаверса, у яшаб ўтган даврнинг тарихини ҳамда кўзга кўринган шахсларини кўриб чиқдик. Умуман олганда, ушбу тарихий инсоннинг ҳаёти барчамизга бир ибратдир, зеро, буюклардан дарс олиш, уларга интилиб яшаш, албатта, ўз натижасини бермай қолмайди. Қаҳрамонимиз ҳам умри давомида буюк саркардаларга ҳавас қиларди, улар ичида АҚШнинг биринчи Президенти Жорж Вашингтон алоҳида ўрин эгаллайди. Эйзенхауэр ҳам Вашингтондек ватани учун муҳим бўлган урушда ғалабага эришди. Агар унинг қаҳрамони Америка

озодлиги учун курашган бўлса, ўзи бутун инсоният тинчлиги ва эркинлиги йўлида жангга отланди. Давлат раҳбарлиги бобида ҳам Дуайт ўз аждодига муносиб бўлишга ҳаракат қилди ва том маънода бунга эришди. Келажак ўтмишининг қозисидир. Бугун ушбу шахсни ўрганар эканмиз, у билан бир қаторда Ж.Вашингтон, У.Грант, Т.Рузвельт каби саркарда-президентларга юзланамиз. Хулоса шуки, қаҳрамонимиз ҳавас қилиб орзусига эришди. У ҳақда ёзилган китобимиз ёшларга ўрнак бўлиб, халқимизда буюк кишилар етишиб чиқишида кўмаклашса, мамнун бўлар эдик.

Тошкент, 2019–2020

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Dwight D. Eisenhower. Crusade in Europe. London. 1948.
2. Dwight D. Eisenhower. At Ease: Stories I tell my friends. New York. 1967.
3. Dwight D. Eisenhower. Mandate for change. New York. 1963.
4. Dwight D. Eisenhower. Waging peace. New York. 1965.
5. Dwight D. Eisenhower. Eisenhower Doctrine. Washington, D.C. 1957.
6. Dwight D. Eisenhower. Farewell Address. Abilene. 1961.
7. Jim Newton. Eisenhower: The White House years. New York. 2011.
8. Роберт Иванов. Дуайт Эйзенхауэр. Москва. 1983 г.
9. Daniel Yergin. The Prize: The epic quest for oil, money and power. New York. 1991.
10. Генри Киссинджер. Дипломатия. Москва. 1997 г.
11. Jerald A. Combs. The history of American foreign policy from 1895. New York. 2012.
12. Георгий Жуков. Воспоминания и размышления. Москва. 2002 г.
13. Уинстон Черчилль. Вторая мировая война. Москва. 1991г.
14. Winston Churchill. The Sinews of Peace. Fulton. 1946.
15. George F. Kennan. The Sources of Soviet Conduct. New York. 1947.
16. Harry S. Truman. The Memoirs: Years of decisions 1945. New York. 1955.
17. Эдуард Иванян. История США. Москва. 2004г.

18. Эдуард Иванян. История США. Хрестоматия. Москва. 2009 г.

19. Стивен Амброз. Эйзенхауэр. Солдат и президент. Москва. 1991 г.

20. eisenhowerlibrary.gov

21. wikipedia.org

22. biography.com

23. britannica.com

Исломхон Гафаров

ГЕНЕРАЛ ПРЕЗИДЕНТ ЭЙЗЕНХАУЭР

Муҳаррир:

Дилноза Рустамова

Техник муҳаррир:

Файзулла Азизов

Дизайнер:

Василий Берцев

Мусахҳиҳ:

Муқаддас Окмаматова

“Muharrir nashriyoti”

Лицензия: АІ № 309. 2017 йил 22 июн.

Теришга 2021 йилда берилди.

Босишга 2021 йилда рухсат этилди.

Бичими: 84x108 1/32 “Noto Serif” гарнитурасида
офсет босма усулида офет қоғозида босилди.

..... шарт. б.т. ҳисоб нашр. таб.

Адади нусха.-сон буюртма.

“Муҳаррир нашриёти” матбаа бўлимида чоп этилди.
100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20^А-мавзеи,
Сўгалли ота кўчаси, 5-уй. E-mail: muharrir@list.ru